

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ  
МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАФКУРА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ  
ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ТАРИХ ИНСТИТУТИ

ҲАМИД ЗИЁЕВ

# БУЮК АМИР ТЕМУР САЛТАНАТИ ВА УНИНГ ТАҚДИРИ

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2008

Ушбу китоб буюк Амир Темур шахси ва унинг марказлашган давлат тузиш йўлидаги фаолиятини ўрганишга бағишланган. Муаллиф бу борада олдин ёзилган тарихий асарларга суянган ҳолда фикр юритиб, бу мавзунинг янги қирраларини очишга ҳаракат қилган. Китоб ўқувчиларга манзур бўлади, деган умид-дамиз.

3-65

**Зиёев, Ҳамид**

Буюк Амир Темур салтанати ва унинг тақдири /  
Ҳ. Зиёев; Ўзбекистон ФА тарих институти. – Тош-  
кент: Маънавият, 2008. – 136 б.

**ДБК 63.3(5У)4**

3 4702620204-15  
M25(04)-08

**ISBN 978-9943-04-061-8**

© «Маънавият», 2008

## КИРИШ

Мустақиллик йилларида қадимий тарихимизни, шу жумладан, тарихий шахсларнинг фаолиятини ўрганиш ва тарғиб этишга чинакам имконият яратилди. Натижада кўп илмий ва оммабоп ишлар нашр этилди. Улар орасида Амир Темурга бағишланган асарлар алоҳида ўринни эгаллаб турибди. Бироқ буюк аждодимизнинг фаолияти шу даражада серқирра ва кенг қамровлики, бу мавзунинг ёритилмаган қирралари оз эмас. Мазкур китобда авваламбор Амир Темурнинг собиқ мустабид тузум даврида ноҳақ қоралаб келинган номини оқлаш ва хотирасини абадийлаштиришга тегишли масалалар таҳлил қилинди.

Маълумки, одатда у ёки бу ҳукмдорнинг ақл-идроки, феъл-атвори, билими ва дунёқарашига монанд равишда унинг фаолияти шаклланади. Буни Амир Темур мисолида ҳам кўриш мумкин. У табиатан ўта қобилиятли, ўтқир зеҳнли, мард, жасоратли, тadbиркор ва халқпарвар бўлганидан узоқ вақт мўғул мустамлакаси остида қолган мамлакатда қудратли салтанат барпо этади. Лекин баъзи бир тарихий асарларда, ҳақиқатга мутлақо зид равишда, Амир Темур «каллакесар», «вахший» ҳукмдор сифатида таърифланиди. Бундай фикрларнинг сохта, асоссиз эканини кўрсатиш учун ушбу китобда Соҳибқирон юксак одоб-ахлоқ, адолат, инсонпарварлик ва раҳм-шафқат сингари олий фазилатларни ўзида мужассамлаштирган ҳукмдор бўлганини исботлайдиган маълумотлар келтирилди. Шунингдек, у тузган давлатнинг мафкураси асослари ва йўналиши ҳақида фикр юритилди.

Амир Темурнинг ҳарбий юришлари сабаби ва мақсади ҳолисона таҳлил қилинмай қаттиқ қоралаш ҳукм сурган эди. Аслида аҳвол бошқача бўлиб, Амир Темур сиёсий ва иқтисодий сабаблардан келиб чиққан ҳолда адолатли ҳарбий юришларни уюштиргани кўрсатилди.

Яқин вақтларгача Ўзбекистонга Қуръони каримнинг асл нусхаси ким томонидан, қачон ва қасрдан келтирилгани номаълум эди. Бу масалага ҳам аниқлик киритилиб, уни Амир Темур Олтин Ўрдадан олиб келгани баён қилинди.

Амир Темур даврини ўрганишда испан элчиси Клавихонинг кундалигидаги маълумотларнинг аҳамияти беқиёс каттадир. Шу боис, улар асосида ўша даврдаги буюк ўзгариш ва ривожланишлар хусусида ҳам сўз юритилди.

Темурийлар давлатининг заифлашиши ва шайбонийлар томонидан босиб олинishi, хонликлар даврида тараққиёт барбод қилиниши ва ўлканинг инқирозга мубтало бўлишига доир масалалар ҳам кўрилди.

Китоб, асосан, юртимиздаги тарихий манбалар асосида ёзилди. У ўқувчиларнинг буюк давлат арбоби, моҳир лашкарбоши ва тараққиёт жарчиси Амир Темур ҳақидаги билими ва тасаввурини бир оз бойитишга хизмат қилса, мамнун бўлув эдик.

---

---

**АМИР ТЕМУРНИНГ НОМИ ВА  
ҚАДР-ҚИММАТИНИНГ ҚАЙТА ТИКЛАНИШИ,  
ХОТИРАСИНИНГ АБАДИЙЛАШТИРИЛИШИ**

Аллоҳ таолонинг марҳамати ила ўзбек халқига шундай жаннатга қиёс этгулик замин берилганки, бунақаси жаҳонда кам учрайди. Авваламбор юртимизда қиш, баҳор, ёз ва куздан иборат тўрт фаслни бир йилнинг ўзида кўриш мумкин. Бу инсон саломатлиги ва фаровон ҳаётини таъминлашда катта аҳамият касб этади. Ваҳоланки, шундай мамлакатлар борки, йил мобайнида иссиқлик ҳукм суришидан қиш ва баҳорни ажратолмайсиз ёки совуқлик ва салқинлик гаштини суролмайсиз. Ўзбекистон эса ўзининг ажойиб иқлими, серкўшлиги, мусаффо ҳавоси, зилол сувлари, унумдор ерлари, ширинликда тенги йўқ боғдорчилик ва полизчилик маҳсулотлари, олтин, қумуш, мис ва бошқа бойликлари билан шуҳрат қозонган.

Шу тариқа Ўзбекистон ажойиб-ғаройиб мамлакат сифатида эскидан ном чиқариб, жаҳонгашта ҳукмдорларнинг диққатини жалб этган. Улар қандай бўлмасин, бу заминни босиб олишга уринган ва бойликларини қўлга киритиш учун ҳеч нарсадан тап тортмаган. Улар минглаб одамларни қириб, шаҳар ва қишлоқларимизни вайрон этиб, юз йиллар мобайнида юртимизда ҳукмронлик қилган.

Масалан, милоддан олдинги асрларда эронлик Аҳмонийлар 200 йил, сўнгра грек-македонияликлар 180 йил, Араб халифалиги салкам 200 йил, мўғуллар 150 йил, Чор Россияси ва Совет давлати 130 йил бу ўлкани ўз панжаларида ушлаб тургани тарихдан яхши аён. Умумлаштирганда, бу рақамлар 850 йилдан ошади. Аммо қирғин-баротлар ва катта талафотлар ўзбек халқини ер юзидан сидириб ташлай олмади. Чунки бу халқ «оловда ёнмайдиган ва сувда чўкмайдиган» қилиб яратилган

эканки, даҳшатли ва фожиали ҳаётнинг асирига айланмай, мустақиллик ва озодликни тиклашга қаратилган курашни давом эттираверди.

Ҳўш, шундай экан, нима учун озодлик курашлари мағлубиятга учраб, босқинчилар юз йиллаб ҳукмронлик қилган?

Бунга биринчи навбатда тахтнинг меросхўрлик тартиби ва унинг учун олиб борилган урушлар сабаб бўлган. Маълумки, ҳукмронлик қилаётган сулолада ҳамма вақт ҳам отаси ёки буvasига ўхшаган ақл-идрокли ва истейдодли фарзанд туғилавермаган. Шунга қарамай, меросхўрлик қонуни бўйича ноқобил фарзанд ҳам тахтни эгаллайверган. Бу хилдаги ҳукмдорлар ўзларининг қобилиятсизлиги ва ожизлиги туфайли шахсий манфаат ва ҳузур-ҳаловатини умумдавлат манфаатидан устун қўйиб иш юритган. Натижада инқироз ва қолоқлик юзага келган. Ҳукмдорлардаги кўпхотинлик ва серфарзандлик ҳам доим зарар келтирган. Отаси бир, онаси бошқа фарзандларнинг ҳар бири «тахт менга тегишли» деган фикр билан яшаб, уни эгаллаш учун ҳар хил фитналар, ҳатто ака-укаларни ўлдириш ёки ўзаро биродаркушлик қилишдан ҳам қайтмаган. Табиийки, бундай тахт талашини ва жанжаллар жуда катта фожиаларга олиб келган. Мамлакатда парокандалик ва тарқоқлик, хавотирли ҳолат ва нотинчлик ҳукм суриб, ҳокимият бошқаруви ва давлат қудратига салбий таъсир этган.

Қўшин орасида тарафкашлик ва ўзбошимчалик юзага келиб, мамлакат мудофааси заифлашган. Бу эса босқинчиларга жуда қўл келган. Диний фанатизм ҳам мустақиллик ва озодликнинг барбод бўлишига олиб келган асосий омиллардан бири бўлган. Юқорида шарҳланган сабаблар билан бир қаторда яна шуни ҳисобга олиш керакки, озодлик курашларига ақл-идрокли, жасоратли, ватанпарвар ва моҳир ташкилотчи бошчилик қилгандагина ғалабага эришилган. Акс ҳолда улар тор-мор этилаверган. Афсуски, олий фазилатлар соҳиби бўлган муносиб ҳукмдорлар халқ тарихининг туб бурилиш давларида майдонга чиқади. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун кейинги минг йиллик тарихга назар ташланса, бас. Бу кўпасрлик давр мобайнида том маънодаги буюк

давлат арбоблари 1370 ва 1991 йилларда кўзга ташланиб, Ватан мустақиллиги тикланди. Уларнинг биринчиси мўғуллар ҳукмронлигига зарба берган Амир Темур ва иккинчиси ватанни қизил империя панжасидан қутқарган Ислом Каримовдир.

Шуни айтиш лозимки, ўтмиш замонларда ҳам Соҳибқироннинг жўшқин фаолиятини қадрлаб, хотирасини абадийлаштиришга етарлича аҳамият берилмаган. Ҳатто унинг фарзандлари ва кейинги ворислари улуғ аждодининг қилган васиятини инобатга олмай, ўзаро урушларни қизитиб, салтанатни борган сари заифлаштириб борган. Унинг кийим-бошлари, яроғ-аслаҳалари, ниҳоятда бой ва нодир расмий ҳужжатларини сақлашни хаёлларига ҳам келтирмадилар. Бирорта даргоҳ унинг номи билан юритилмади, хотирасини таъминлайдиган тадбир кўрилмади. Хонлиқлар даврида Соҳибқироннинг номи деярлик тилга олинмади. Шўро даврида эса Соҳибқирон фаолияти сохталаштирилди ва қаттиқ қораланди. Фақат жадидлар Амир Темурга мустақиллик, озошлик рамзи сифатида қарадилар. Бунга Фитратнинг «Темур сағанаси» асари қаҳрамони номидан изҳор этган куйидаги сўзлари далилдир: «Хоқоним, эзилиб таланган, таланиб йиқилган, йиқилиб яраланган турк элининг бир боласи сендан кўмак истаб келди. Боғлари бузилган, гуллари сўлган, булбуллари учирилган Туроннинг қоровули сенга арз этарга келди. Бағрим ёниқ, юзим қаро, кўнглим синиқ, бўйим букик, сенинг зиёратингга келдим, Султоним. Эгилган бошим, қисилган вужудим, куйган қоним, ўртанган жоним учун бўсағангдан даво излаб келдим, Хоқоним! Юз йиллардан бери жафо кўриб ҳам чекиб келган туркнинг қонли кўз ёшларини этакларингга тўкарга келдим. Қоронғулар ичра келган ўзбек кўзлари учун тупроғингдан сурма олгани келдим. Туркнинг номуси, эътибори, иймони, виждони золимларнинг оёқлари остида қолди. Туркнинг юрти, улоғи, ўчоғи Турони ёт қўлларига тушди. Туркнинг белгуси, онги, ўйлови, зийраклиги жаҳолат ўлкасига кетди. Сенинг қиличинг билан дунё эгаси бўлган турк тинчгина ётоқ топа олмай қолди».

Мустақиллик йилларида шахсан Юртбошимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Амир Темурнинг буюк давлат

арбоби сифатидаги тарихимиздаги буюк ўрни, бу улуғ зотнинг муборак номи, қадр-қиммати қайтадан тикланди. Унинг фаолиятига бағишланган кўп илмий ва оммабоп китоблар, рисоалар ва мақолалар нашр этилди. Ажойиб ҳайкаллар ўрнатилиб, кўчалар ва бошқа жойларга номи қўйилди.

Даставвал ҳайкал 1993 йил 31 августда Тошкент шаҳрида қўйилди. Юртбошимиз Ислоом Каримов унинг очилишига бағишланган маросимда нутқ сўзлади:

*Азиз Ватандошлар! Муҳтарам меҳмонлар!*

*Бугун биз ўзбек халқи ҳаётида унутилмас тарихий бир воқеанинг гувоҳи ва иштирокчиси бўлиб турибмиз.*

*Биз яшаб турган шу муқаддас заминда буюк бир давлатга асос солган, оламни тебратган, номи етти иқлимда машҳур бўлган улуғ бобокалонимиз Амир Темур ҳайкалини очиш маросимига йиғилдик.*

*Бугун Шарқда тенги йўқ саркарда мустақиллик, истиқлол шарофати билан ўз ватанига қайтди.*

*Узоқ йиллар мобайнида мустамлака исканжасида кун кечирган халқимиз ўз ватандошини қадрлаш, унинг тарихий мавқеини муносиб ўринга қўйиш имконидан маҳрум эди.*

*Амир Темур номи тарихимиз саҳифаларидан қора бўёқ билан ўчирилди, унутишга маҳкум этилди. Мақсад халқимизнинг юрагидан миллий онг, миллий ғурур туйғусини йўқотиш, уни қарамликка, тобеликка кўндириш эди. Лекин ўзбек халқи ўз аجدодларини, ўз баҳодирларини унутмади, ҳамиша юрагида, қалб тўрида сақлади.*

*Муҳаммад Тарағай Баҳодир ўғли Амир Темур ёшлик чоғида мард, довжорак, ғурурли, ўткир зеҳн ва ақлу идрок эгаси бўлиб ўсди. Турли дунёвий илмларни, ҳарбий санъатни эгаллади. Қуръони каримни ёд олди, ҳадис илмини ўрганди. Йўмон-эътиқодли, ҳалол-поқ инсон бўлиб етишди.*

*У ёшлигидан бошлаб ўз олдига она юртини мўғул босқинчиларидан озод қилиш мақсадини қўйди, ер юзида буюк салтанат соҳиби сифатида эл ва элатларнинг бошини қовуштирди. Мамлакат қудратини ҳар соҳада юксакликка кўтариб, дунёга машҳур қилди.*

*Амир Темур давлати қурилиши, ҳарбий санъати кўп асрлар давомида Шарқу Фарб давлатларига ўрнак ва андоза*



бўлди. Унинг замонида маданият, илму фан, меъморчилик, тасвирий санъат, мусиқа, шеърят беқиёс ривож топди, халқимизнинг кўп анъаналари такомилга етди. Амир Темурнинг маданият ва дин аҳлларига кўргазган чексиз меҳр-муруввати айниқса ибратлидир.

*Кўҳна тарих саҳифалари буюк бобомизнинг миллат ва эл-улус манфаати бобида чеккан мислсиз заҳмат ҳамда кўрсатган шижоатларига гувоҳлик беради.*

*Инсоф-иймон туйғуси, диёнат мезони Амир Темур ҳаётининг мазмунини ташкил этади. Оламнинг қарийб ярмига жаҳонгир эрса-да, у куч-қудрат зўрлик, зўравонликда эмас, аксинча, адолатда эканини теран англади.*

*Бугун бунёд этилган улуғ бобокалонимиз ҳайкалида теран рамз бор — зўёки жаҳонгир тулпорининг жиловини тортиб турибди, қиличсиз қўлини олдинга чўзиб жаҳон халқларига омонлик соғинмоқда, «Куч — адолатдадир!» демоқда.*

*Донишманд ажоддимизнинг мазкур сўзларини мана шу муҳташам ёдгорлик пойига зарҳал ҳарфлар билан битар эканмиз, замонлар тажрибасидан ўтган бу бебаҳо ҳикматнинг қалбимизда доимо акс садо бериб туришини орзу қиламиз.*

*Азиз юртдошлар!*

*Бугун — ўзбек халқи тарихида улуғ кун. Ўзбекистон мустақиллигига, муборак истиқлолимизга икки йил тўлди.*

*Ҳаммангизни — кексаю ёшни, бутун Ўзбекистон аҳлини шу буюк сана билан чин қалбимдан, ҳар бирингизни алоҳида бағримга босиб қутламоққа ижозат бергайсиз!*

*Бу кунга етганлар бор, етмаганлар бор. Шунинг учун ҳам озодликни соғиниб, озодлик йўлида курашиб ўтган ажодларимизни дуолар билан эслашимиз ҳам қарз, ҳам фарздир. Ажодларимизнинг пок руҳлари шод бўлсин, уларнинг орзуларига муносиб ва садоқатли бўлайлик.*

*Истиқлол муборак, азиз юртдошлар! Озодлигимиз абадий бўлсин!*

*Муҳтарам дўстлар!*

*Икки йиллик истиқлол даврида жонажон диёримизда бўлаётган ўзгаришлар халқимизга ишонч ва умид бағишламоқда.*

*Буюк айём арафасида Темур бобомиз ҳайкалининг очилиши ўзига хос рамзий бир маънога эгадир.*

*Ватанимиз истиқлолини янада мустаҳкамлаш, уни ҳимоя қилиш, юртимиз шаъни-шавкати юксалтириш, адолат, инсоф ва диёнат ҳукмрон бўлган эркин жамият, меҳнаткаш халқимизга муносиб фаровон ҳаёт қуриш бизнинг инсоний ва фуқаролик бурчимиздир.*

*Биз орзу этган буюк давлатни бунёд қилиш барчамиздан мустаҳкам ирода, иймон-эътиқод, миллий ғурур туйғуси, буюк аجدодларимиздан мерос қолган маънавий бисотга эга бўлишни талаб қилади. Билакларимизда куч, қалбимизда келажакка ишонч бўлмоғи шартдир.*

*Мамлакатимизнинг марказида, қадимий ва гўзал пойтахтимиз – жонажон Тошкентимиз ўртасида қад кўтарган улўф бобомиз сиймоси халқимизга фахр ва ғурур бахш этмоғи муқаррар!*

*Бу сиймо мард, танги, ҳалол ва ғайратли халқимизни бирлаштиришда, жипслаштиришда, иймон-оқибатли бўлишда, қудратли келажакимизни қуришда бизга янги-янги куч-қувват ва шижоат бағишлайди.*

*Барчамизга шу йўлда Аллоҳ мададкор бўлғай!*

\* \* \*

Амир Темур фаолиятини жаҳон узра таратишда, кадр-қиммати ва хотирасини янада юқори поғонага кўтаришда Темурийлар тарихи Давлат музейининг қурилиши катта аҳамият касб этди. Гўзалликда тенги йўқ музейнинг шон-шухрати олам узра таралди.

1996 йил 18 октябрда Юртбошимиз Ислом Каримов музейнинг очилишида Соҳибқироннинг фаолиятини жуда юқори баҳолади.

**Халқимиз бор экан, Амир Темур номи барҳаётдир**

*Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!*

*Ҳурматли меҳмонлар!*

*Қадрли оқсоқоллар, муҳтарам уламолар!*

*Бугунги муборак жума тонгида Аллоҳ таоло барчамизни яна бир хайрли кунга етказди. Соҳибқирон бобомиз – ҳазрати Амир Темур руҳини шод қилиб, у зот таваллудининг табаррук 660 йиллигини нишонламоқдамиз.*

*Биз бугун муқаддас ислом динимиз буюрган бир фарзни*

— ўтган аждодларимизнинг руҳларини хотирлаш ва шод этишдек эзгу бурчимизни адо этмоқдамиз.

Муаззам пойтахтимиз Тошкент марказида улуғ Амир Темур номи билан аталувчи гўзал хиёбонда яна бир тарихий воқеанинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Соҳибқирон бобомиз ва унинг шавкатли авлодларига бағишлаб бунёд этилган муҳташам кошонанинг очилиши маросимида қатнашмоқдамиз. Бугунги маросим ота-боболаримиздан қолган қадимий одатларга биноан хатми Қуръон билан бошланди, юртга ош тарқатилиб дуои такбирлар қилинди.

Кўпнинг дуоси — кўл, деган нақл бор халқимизда. Умид қиламизки, шу қутлуғ айёмда покиза ният билан қилган хайрли амалларимиз, олижаноб тилакларимиз Тангримиз даргоҳида қабул бўлғусидир.

Чунки улуғ боболаримизнинг руҳларини шод этсак, уларнинг арвоҳларини рози қилсак, юртимизга файз, қут-барака ёғилади, халқимизнинг ризқи бутун, иймони мустаҳкам бўлғай, иншооллоҳ.

Халқимиз тарихида инсоний камолоти ва ижтимоий фаолияти билан доврўқ қозонган, миллатимиз фахри бўлмиш улуғ зотлар бениҳоя кўп. Аммо улар қаторида юлдузлар аро қуёшдай чарақлаб турган бир буюк зот борки, у Ватанимиз кечмиши, бугуни ва эртасида беҳад юксак ўрин тутади.

Ул муҳтарам инсон Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларидир. Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, Амир Темур шахси яна Ватан ва миллат тимсолига айланди. Истиқлолимизнинг ҳар бир тадбирида, мустақил давлатимизнинг ҳар бир қадамида ул буюк зот руҳи бизга ҳамроҳу ҳамнафас бўлиб бормоқда.

Буюк шахсларни тарих яратади, дейдилар. Бунга қўшимча қилиб Соҳибқирон бобомизнинг суронли ҳаётини хаёл кўзгусидан ўтказиб, буюк шахсларни миллат қайғуси, халқ дарди яратади, дейиш мумкин.

Умрининг мазмунини «Миллатнинг дардларига дармон бўлишдан иборат» деб билган Амир Темур халқимизнинг ана шундай ардоқли, улуғ фарзандидир.

Муҳтарам жамоат!

Ҳаммамиз яхши биламизки, тарихда машҳур жаҳонгирлар кўп ўтган. Лекин айтинг, дунёнинг қайси ерида,

*қайси замонда Амир Темурдек буюк саркарда, Амир Темурдек буюк давлат арбоби, Амир Темурдек илм-фан, маънавият ва руҳоният ҳомийси бўлган?!*

*Бугун — ҳаётимизнинг барча жабҳаларида адолат ва ҳақиқат қарор топаётган тарихий бир даврда шу фикрни алоҳида таъкидлашни истар эдим:*

*Амир Темур бизнинг шаън-шавкатимиз, ғурур-ифтихоримиздир.*

*Амир Темур — халқимиз даҳосининг тимсоли, маънавий қудратимиз рамзидир.*

*Азиз дўстлар!*

*Биз ҳазрати Темурни буюк бунёдкор деб бошимизга кўтарамиз. Рўйи заминнинг сайқали бўлмиш Самарқандда, Шаҳрисабз, Бухоро, Тошкент ва Соҳибқирон қурган бепоян салтанатнинг бошқа ҳудудларида бунёд этилган нодир меъморий обидалар, тенгсиз боғу роғлар Темурбек бобомизга хос амалий шижоат самарасидир.*

*У беназир зотнинг ўсмирлик йиллари мўғул истибдоди авжига чиққан йилларга тўғри келди. Бу пайтда Мовароуннаҳрдай гуллаб-яшнаган пойдор юрт тарихий номини ҳам йўқотиб, мустамлака ўлкасига, чиғатой улусига айланиб қолган эди. Масжиду мадрасалар, кутубхоналар вайрон қилинган, суғориш иншоотлари ишдан чиққан, сон-саноксиз солиқлар, келгинди ва маҳаллий амалдорларнинг жабр-зулми халқнинг силласини қурутган эди.*

*Бу каби чексиз адолатсизликдан ёш Темурбекнинг қанчалар изтироб чекканини бизнинг авлодимиз — сиз билан биз айниқса чуқур ҳис этамиз. Чунки орадан 6 аср ўтиб, худди шундай кўргиликлар бизнинг ҳам бошимизга тушди.*

*Шавкатли аждодимизнинг ўлмас хизматлари шундаки, у мураккаб тарихий шароитда халқнинг бошини қовуштира билди. Истилочиларга қақшатқич зарба бериб, Туркистон заминиде илк бор истиқлол байроғини баланд кўтарди. Пароканда мамлакатлар, эллар, элатларни бирлаштириб, марказлашган қудратли салтанат тузди.*

*Адолат кучда эмас, куч адолатдадир, деган шиор Амир Темур салтанатининг барча ҳудудларида бирдай амал қилиб, ахлоқий-маънавий мезонга айланди.*

*Йигирма асрдан ортиқ тарихга эга бўлган Тошкент Амир Темурнинг муқаддас қадамжоларидан биридир. Жаннатмакон бобомиз қадим Шошга алоҳида эътибор*

*билан қараган. Шу заминда ўтган Шайх Зайниддин бобо, Зангиота сингари кўплаб мўтабар зотларнинг мақбараларини обод қилиб, уларнинг руҳларини шод этган.*

*Олти юз йилдан сўнг биз — Амир Темурунинг бугунги ворислари Соҳибқироннинг табарруқ номларини тиклаш, руҳи покларини шод этишдек савобли ва шарафли ишга қўл уриб, шаҳри азим Тошкентнинг қоқ марказида бобокалонимизга ҳайкал ўрнатдик.*

*Бугун зўр шодиёна билан очилаётган Темурийлар тарихи Давлат музейи Соҳибқирон шахсиятига нисбатан юртимизда тарихий адолат тантана қилганининг яна бир амалий исботидир.*

*Айтиш мумкинки, Амир Темуру хибони гўзал бир узук бўлса, бу музей шу узукнинг ёқут кўзидир.*

*Музейни зиёрат қилган ҳар бир инсон менинг бу сўзларим шоирона ташбеҳ ёки муболаға эмаслигига ишонч ҳосил қилади. Бу музейда бизнинг ўтмишимиз ҳам, бугунги кунимиз ва буюк истиқболимиз ҳам бамисоли кўзгуда акс этгандек намоён бўлади.*

*Кимки Ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темуру сиймосини эслаши керак.*

*Азиз юртдошларим!*

*Фурсатдан фойдаланиб, барчамизнинг номимиздан, эл-юртимиз номидан шу олий иморатни бунёд этишда жонбозлик кўрсатган барча инсонларга самимий миннатдорчилик билдираман.*

*Қадрли ватандошлар!*

*Амир Темурунинг башарият олдидаги ўлмас хизматларини маърифатли жаҳон муносиб баҳолаб келмоқда. Соҳибқирон юбилейининг ЮНЕСКО томонидан халқаро миқёсда кенг нишонланаётгани ана шу эътирофнинг ёрқин далилидир.*

*Шундай қувончли ва ҳаяжонли дамларда Амир Темурудек буюк зот мансуб бўлган миллат фарзандлари эканимизни, томиримизда Амир Темуру шижоати жўш ураётганини ўйласак, англасак, қалбимизни чинакам ифтихор туйғулари қамраб олади.*

*Амир Темуру ҳаётининг мазмуни, бетакрор фаолияти-*

нинг асосий маъноси — Ватан озодлиги, Ватанга муҳаббат деган олий қадриятлардан иборатдир.

Соҳибқирон бобомизнинг руҳияти истиқлол ва ҳурлик, эркинлик ғоялари билан табиий ва гўзал бир равишда уйғунлашиб кетган. У ҳатто умрининг сўнги онларида ҳам зурриётларига қарата «Истиқлол билан мулку миллат, лашкар ва раиятни бошқарингиз» деб васият қилган.

Чуқурроқ ўйлаб қарасак, бу васият айнан бизлар учун — буюк Соҳибқироннинг бугунги авлодлари учун айтилган.

Ҳамиша эл ғамини, юрт ғамини ўйлаб яшаган Соҳибқирон ёвлар оёғи остида топталган ўлкани дунёнинг энг қудратли салтанатига айлантирган эди. Келинлар, азиз дўстлар, барчамиз яқдил бўлиб, ҳалол меҳнатимиз, ақлу заковатимиз, Ватанга муҳаббатимиз билан Ўзбекистонни жаҳон ҳавас қиладиган буюк давлатга айлантирайлик! Бу йўлда бобокалонимизнинг: «Адолат ва озодлик — дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин» деган доно ўғитлари доимий шиоримиз бўлсин!

**Муҳтарам жамоат!**

Бугунги маросим ҳам ҳадемай тарих мулки бўлиб қолади. Орадан йиллар, асрлар ўтади, аммо Худонинг марҳамати билан, адолат билан тикланган улуғ аجدодларимизнинг табаррук номлари абадий яшайди.

Шу боис менинг иймоним комилки: Соҳибқирон даҳоси йўлчи юлдуз каби чарақлаб, бизни доимо олижаноблик ва бунёдкорликка чорлайди!

Бу дунёда халқимиз, миллатимиз, Ўзбекистонимиз бор экан, Амир Темур номи барҳаёт!

Илоҳим, ҳазрати Амир Темур эъозлаган ғоялар — шижоат ва мардлик, адолат ва қатъият ҳар биримизга ҳамиша ҳамроҳ бўлсин! Жаҳонга Амир Темурдек буюк даҳони берган халқ мангу яшасин, бахту саодати зиёда бўлсин!

Барча эзгу ишларимизда Тангримизнинг ўзи мададкор бўлсин!

\* \* \*

Амир Темур давлати Самарқандда юзага келиб ва ривожланиб салтанат даражасига кўтарилган эди. Бу шаҳар унинг бевосита иштирокида жаҳондаги энг йирик сиёсий, иқтисодий ва маданий марказга айланди. Ҳаша-

матли бинолар, ажойиб боғ, кўча ва бозорлар қурилиб, ободончилик энг юқори чўққига кўтарилди.

Бироқ Самарқанд хонликлари, чор ҳукумати ва совет даврида ўзининг шон-шуҳратини йўқотиб, ободончилик ва тарихий ёдгорликлар ачинарли ҳолатга тушиб қолди.

Юртбошимизнинг ҳаракати туфайли тарихий ёдгорликлар таъмирланди. Ҳашаматли бинолар қурилди, шаҳар ва атроф ҳудудларда катта ободончилик ишлари амалга оширилди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг филиали очилиб ва олий ўқув юртларининг салмоғи ошиб, шаҳар йирик илмий марказга айланди. Амир Темур мақбарасининг, Бибиҳоним масжиди ва бошқа кўпгина ёдгорликларнинг таъмирланиши ва Соҳибқирон ҳайкали ўрнатилиши нур устига нур ёғилганидек бўлди.

1996 йил 18 октябрда Юртбошимиз Ислам Каримов ҳайкалнинг очилишида сўзга чиқиб, Соҳибқироннинг Самарқандни ер юзининг сайқалига айлантиришдаги катта хизматларини тақдирлаб, шундай деди:

### **Азалий буюклик маскани**

*Азиз ватандошлар!*

*Муҳтарам меҳмонлар!*

*Қадрли самарқандлик биродарлар!*

*Авалло, бугунги файзли ва тарихий бир кунда шаҳри азим Самарқандга, барча вилоят аҳлига беқиёс ҳурматимни, фарзандлик меҳримни изҳор этишга ижозат бергайсиз.*

*Аждодларни хотирлаш уларнинг руҳини шод этган халқимизнинг азалий удумидир. Бу муқаддас анъана авлодларни эзгуликка, ўтганлар олдидаги ворислик бурчини адо этишга чорлайди.*

*Бугун сиз билан ана шундай қутлуғ дақиқаларда учрашиб турибмиз. Фурсатдан фойдаланиб, иймон-эътиқодли фахрийларимизга, Самарқанд аҳлига, улуғ бобокалонимиз Амир Темур арвоҳини шод этиш учун йиғилган барча инсонларга самимий миннатдорчилик билдираман.*

*Азиз дўстлар!*

*Қачонки биз Амир Темур ҳазратларини ёд этар экан-*

миз, Соҳибқирон салтанатининг пойтахтини ҳам эҳтиром билан тилга оламиз. Чунки Амир Темур ва Самарқанд тушунчаларини бир-биридан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.

Самарқанд — халқимиз, миллатимиз доврўғини бутун дунёга таратган, минг-минг йиллик тарихга эга шлоҳий масканимиздир.

Самарқанд — ўтмиши шарафли, бугуни саодатли, келажаги абадий шаҳардир.

Самарқанднинг ана шу оламшумул шуҳратиға, тенгсиз салобатининг юксалишиға, шонли тарихиға беқиёс ҳисса қўшган зот бобомиз Амир Темурдир.

XIII асрнинг биринчи ярмида Самарқанд босқинчилар зулми туфайли харобаликка юз тутган, қалъалар, масжидлар, мадрасалар қаровсиз қолган эди. Ўша замонда юртимизға келган бир араб сайёҳининг шоҳидлик беришича, Самарқанд шундай ҳувиллаб ётардики, аввалги аҳолисининг чорак қисми қолган, меъморий обидалар вайронаға айланган, ариқлар кўмилиб кетган, шаҳар сувсиз, боғлар қуриб битган эди.

Соҳибқирон бобомиз ана шундай мураккаб бир даврда тахт тепасиға келди.

У Самарқанднинг гуллаб-яшнаши учун бутун умрини сарф этди. Бобокалонимиз Самарқандни жаҳондаги энг катта ва қудратли давлатнинг пойтахти сифатида буюк нуфуз касб этишини, мислсиз гўзал ва обод бўлишини, ҳар томонлама тараққий топишини орзу қилган эди. Бу эзгу ният Самарқанд қиёфасида ўз ифодасини топди.

Ҳазрати Темур бутун дунёдан ва ўз юртимиздан моҳир меъморларни, қўли гул ҳунармандларни ўз пойтахтини барпо этишиға жалб қилди, уларни ана шу олижаноб мақсад йўлида бирлаштирди. Уларнинг салоҳият ва ақл-заковатини сафарбар этиб, ижодлариға илҳом бағишлаб, оламда тенги ва ўхшаши бўлмаган меъморий мўъжизаларни бунёд қилдирди.

Самарқанднинг мовий гумбазлари, осмонўпар миноралари, улардаги бетакрор ранглар, олам-олам мазмунға эга нақшу нигорлар бизни ерга қараб эмас, бошимизни баланд кўтариб, қадр-қимматимизни билиб яшашға ундайди.



*Бугун биз Амир Темур бобомиз буюк бунёдкорлик режаларини ноёб обидаларда бекаму куст мужассам этиб, Самарқандни ер юзининг мўъжизасига айлантирган Бадриддин ибн Шамсиддин, уста Али Насафий, Олим Насафий, Мавлоно Убайдуллоҳ, Пирмуҳаммад Боғишамолий, Мавлоно Жунайс сингари юзлаб-минглаб меъмору муҳандис аждодларимизни, ҳунарманд усталаримизни ҳам эслаб, уларнинг санъатига тасаннолар айтамыз.*

*Соҳибқирон бобомиз даҳрасининг шарофати билан шаҳри азим Самарқанд ер юзининг сайқалига айланди.*

*Бу олий унвон ишунчаки айтилган чиройли гап эмас. Теурийлар салтанатининг маркази, теурийлар қудратининг тимсоли бўлмиш оу табаррук маскан оламнинг етти иқлимида маълуму машҳур бўлди.*

*Дунёнинг турли мамлакатларидаги не-не одамлар Самарқандни бир бор кўришни, унинг муқаддас тупроғини тавоф этиб, азиз-авлиёларнинг хоки пойларини зиёрат қилишни ўзлари учун улугъ шараф деб билганлар. Жаҳоннинг барча ҳудудларидан илмталаб, маърифатталаб инсонлар Самарқанд сари интилганлар. Чунки дунёнинг энг катта ва бой кутубхоналари, ўша замоннинг энг улугъ дорилфунунлари — мадрасалар, энг машҳур алломалар айнан шу ерда, мана шу заминда фаолият кўрсатар эди.*

*Халқимиз, шу жумладан, Самарқанд аҳлининг бугунги ҳаётимиз ва эртанги истиқболимиз йўлида қилаётган меҳнати, фан ва маданият намояндаларининг изланишлари Соҳибқирон давридаги ўши оламушу мул ишларнинг узлуксиз давомидир. Буларнинг барчаси Самарқанднинг шуҳратиго шуҳрат қўшапти, десак, исло муболаға бўлмайди.*

*Самарқанд нафақат муқаддас обидалари ва бетакрор тарихий мўъжизалари, балки замонавий ишлаб чиқариш салоҳияти билан, энг қимматли бойлиги — бағри кенг, қалби гўзал меҳнаткашлари билан бутун дунёда машҳур.*

*Азиз биродарлар!*

*Бугун Амир Темур тўйини нишонлашимизнинг, унга ҳайкаллар тиклашимизнинг, теурийлар даври меъморий ёдгорликларини таъмирлаб обод этишимизнинг, у зоти шарифга бўлган эҳтиром ва муҳаббатимизнинг сабаби битта:*

*Амир Темури шахсини идрок этиш — тарихни идрок этиш демакдир.*

*Амир Темурни англаш — ўзлимизни англаш демакдир.*

*Амир Темурни улуғлаш — тарих қазрига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажакимизга ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир.*

*Муҳтарам юртдошлар!*

*Самарқанд — азалий буюк ва даҳолик қудрати мужассим бўлган, Аллоҳ назари тушган маскан. Унинг жаҳон илму фани, маданияти ва санъати ривожига қўшган катта ҳиссаси, сиз — муҳтарам шаҳар аҳлининг кўп асрлик маънавий меросимизни асраб-авайлаб келатганингиз ва мустақил Ўзбекистон шон-шавкати оширишидаги ғоят катта хизматларингиз учун Самарқанд шаҳри «Амир Темур» ордени билан тақдирланган эди.*

*Бугун мен учун беҳад шарафли вазифани идо этиш — қидрдон ва азиз шахримиз байроғига она шу орденни қадаб қўйиш насиб этди.*

*Бу қувончли воқеа Амир Темур бобомизнинг муборак таваллуд кунларини нишонлаш пайтида, у зотнинг муҳташам ҳайкали файз бағишлаб турган шу гўзал майдонда содир бўлмоқда. Бу, албатта, теран маъно ва мазмунга эга.*

*Қадрли Самарқанд аҳли!*

*Ана шу олий мукофот билан барчангизни чин қалбимдан муборакбод этаман!*

*Соҳибқирон бобомизнинг сиймоси Самарқанд осмонида юлдуз каби нур сочаверсин!*

*Миллатимизнинг фахру ифтихори бўлмиш азим Самарқанд ҳам, ҳазрати Амир Темурнинг табаррук номлари ҳам, они Ўзбекистонимиз ҳам дунё тургунча турсин!*

*Буюк Амир Темур ва азиз аجدодларимизнинг руҳи поклари бизни қўлаб-қувватласин, юртимизга тинчлик ва осойишталик, халқимизга фаровонлик ва бахту саодат ато этсин!*

\* \* \*

**Шаҳрисабз азал-азалдан ўзининг мусаффо ҳавоси, зилол сувлари, ажойиб боғлари ва тоғлари билан ном чиқарган. Бу ерда туғилиб вояга етган Амир Темур**

киндик қони тўкилган юртини ҳеч қачон унутмай, шон-шуҳратини ошириш учун куч-ғайратини аямади. У ҳашаматли мақбара ва бинолар қурдирди. Шаҳарда ободончилик ва фаровон ҳаёт ҳукм сурди. Айниқса, гўзалликда тенги йўқ Оқсаройнинг бунёд қилиниши Шаҳрисабзнинг мавқеи ва салмоғини ошириб, жаҳонга танитди. Бу ерда ҳам Амир Темур ҳайкали ўрнатилди.

1996 йил 18 октябрда Юртбошимиз Ислом Каримов Шаҳрисабзга ташриф буюриб, ҳайкал очилишида қуйидаги сўзларни изҳор этди.

### Соҳибқирон камолга етган юрт

*Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!*

*Муҳтарам дўстлар!*

*Бугун Темурбек бобомизнинг қадимий юртида, мард ва танити, ҳалол ва шижоатли, орияти баланд, иймони бутун инсонлар юртида туриб, авваламбор гўзал Шаҳрисабз аҳлига, бутун қашқадарёликларга эзу тилакларимни изҳор этаман!*

*Қадимий ва табаррук Шаҳрисабз замини ғоят қутлуғ маскандир. Жаҳон маданияти бетимсол намояндаларининг зуваласи мана шу тупроқдан олинган. Хусрав Деҳлавий, Мирзо Бедил, Мирзо Ғолиб каби алломаларнинг ота-боболари худди шу жойда камол топганлар. Лекин бу эл-юртни бутун жаҳонга машҳур этган, донғини таратган зот, шубҳасиз, Соҳибқирон Амир Темур бобомиздир.*

*Ҳазрати Амир Темурнинг бутун суронли умри, унинг бунёдкорлик билан йўғрилган фаолияти салкам етти асрким, халқимиз, миллатимиз номини оламга ёйиб келмоқда. Бу номни мустабид тузум қанчалик топташга уринмасин, дунёнинг пок ниятли кишилари улуғ аждодимизга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатишни ўзларига шараф деб билганлар. Муборак истиқлол бобомизнинг номини қайтиб берди, унинг руҳини шод этди.*

*Амир Темурдай улуғ зотни камолга етказган ота макон – табаррук Кеш юртининг миллатимиз тарихида, шу заминда яшаётган эл-улуснинг бошини қовуштиришда ўрни беқиёсдир. Бобокалонимизнинг Туркистон диёрини босқинчилардан халос қилиш йўлидаги жасур ҳаракатлари айнан шу мўтабар юртдан бошланган.*

*Соҳибқирон ўз ота маконини беҳад қадрлаган. Бу макон Амир Темур ҳазратларининг наинки ота-боболари, балки пиру устозлари ва фарзандларининг ҳам хоки поклари билан мукаррам бўлган. Буюк бобомизнинг тўнғич ўғли Жаҳонгир Мирзо худди шу ерда мангу уйқуда ётибди.*

*Ҳазрати Темур ўз олдига улугвор мақсадларни қўйганида, аввало ўз элига, ўз она юрти — Кешга ишонган ва унга таянган. У қайси бир сафаридан қайтмасин, даставвал Кешни зиёрат қилган, азиз-авлиёларнинг қадам-жоларини тавоф этган, ҳамюртларининг дуо ва маслаҳатларини олган.*

*Ҳурматли биродарлар!*

*Буюк бобомиз ҳақида соатлаб сўзлаш мумкин. Улуғ зотларнинг тарих осмонига юксаладиган манзиллари бўлади. Бутун Шарқ оламида «Илму адаб қуббаси» дея эътироф этилган Шаҳрисабз ҳазрати Амир Темур учун ана шундай парвоз нуқтасидир. Биз Соҳибқирон бобомизнинг қутлуғ тўйини ўтказаяётган шу кунларда энг аввал бу зоти шарифни дунёга келтирган ва вояга етказган эл даҳосига ва табаррук заминга тавзим қиламиз.*

*Катта ишонч билан шуни тавкидлашим керакки, бу юртнинг фарзандлари, Темурбекнинг набиралари ўз қалбларида улуг бобосига хос гўзал фазилатларни асраб-авайлаб, бугунги ҳаётимизда ҳам намоён қилмоқдалар.*

*Азиз дўстлар!*

*Минг афсуским, кўп йиллар давомида мустабид босқинчи мафкура даврида бизни Амир Темурдек буюк бобомиздан, бой ўтмишимиздан айириб, халқимизнинг маънавиятини, ғурурини, ифтихорини ерга урмоқчи бўлдилар. Юртимизда, жумладан, Шаҳрисабзда бевосита Соҳибқироннинг сабъ-ҳаракатлари билан бунёд этилган тарихий обидалар харобага айлантирилди. Ҳатто ул зот ва авлодларининг қабр-мақбаралари ҳам «илмий тадқиқотлар» ниқоби остида талон-тороғ этилди, топталди.*

*Лекин халқимиз улуг аجدодини ҳеч қачон унутмади. Унинг хотирасини ҳамиша юрагида сақлади.*

*Қадрли Шаҳрисабз аҳли!*

*Мана шу қаршимизда турган Оқсарой ҳар биримиз учун тарихимизнинг азиз ва муътабар ёдгорлигидир. Бу улуг*

бино ҳам мустамлакачилар тажовузунинг қурбони бўлганини яхши биласиз. Соҳибқироннинг улуғвор ҳайкали айнан Оқсарой олдида қад ростлагани бежиз эмас. Бунинг ўзига хос, ўзига мос чуқур рамзий маъноси бор.

Жаннатмакон Амир Темур бобомиз бу қошона пештоқиға шундай бир ҳикматни нақш этиб кетганлар. Унинг мазмуни сизларга маълум: «Кимки бизнинг шон-шуҳратимизни кўрмоқчи бўлса, биз барпо этган иморатларга назар солсин».

Бу кўҳна дунёда жаҳонгирлар кўп ўтган. Уларнинг аксарияти фақат бузган. Амир Темурнинг улардан фарқи шундаки, у умр бўйи бунёдкорлик билан машғул бўлган. У муборак зот айтганларки: «Қай бир жойдан бир ғишт олсам, ўрнига ўн ғишт қўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўн та кўчат эктирдим».

Яна бир ўринда эса шундай деганлар: «Дунёнинг ярмини олдим, салтанатимнинг у четидан—бу четига бирор болакай бошида бир лаган тилла кўтариб ўтадиган бўлса, бир донасиға ҳам зарар етмайдиган тартиб-интизом ўрнатдим».

Ҳали телефон, телеграф, коммуникация воситалари бўлмаган бир шароитда Амир Темур Шарқни Ғарб билан тинчлик, тижорат, элчилик йўли воситасида бирлаштиришга ҳаракат қилган. Бизнинг бугунги сиёсатимиз Амир Темурнинг бу борада олиб борган олижаноб ишларининг давомидир.

**Муҳтарам дўстлар!**

Карамии улуғ Аллоҳ халқимизға, Ватанимизға шу қадар марҳамат қилибдики, миллатимизға Амир Темурдек буюк Соҳибқиронни берибди. Бунинг учун Яратганға ҳар қанча шукрона айтсак арзийди.

Инсоният янги асрга қадам қўяётган бугунги кунда ҳам Амир Темур маънавияти ва шижоати, адолатпарвар сиёсати юксак ибрат намунаси бўлиб қолғусидир.

Яна бир бор таъкидламоқчиманки, кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак.

*Бугунги қутлуғ кунда Амир Темур бобомиз баланд кўтарган ва асримиз охирига келиб бизнинг қўлимизда қайтадан мағрур ҳилпираётган мустақиллигимиз байроғи остида турибсизлар, барча халқимизни шу улуғ шодиёна билан муборакбод этаман.*

*Маълумки, Шаҳрисабз аҳлининг темурийлар даври улкан маданий ва маънавий меросини, ноёб тарихий ёдгорликларини асраб-авайлаш, ёш авлодни буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари, озод мамлакатимиз буюк истиқболини яратишга қодир кишилар қилиб тарбиялаш ишига қўшган алоҳида хизматларини эътиборга олиб, Шаҳрисабз шаҳри «Амир Темур» ордени билан мукофотланган эди.*

*Бугун шу юксак мукофотни сизларга топширишдан ниҳоятда хурсандман.*

*Азиз дўстларим, юртдошларим!*

*Буюк Соҳибқироннинг мўътабар номи билан аталувчи орден сизларга муборак бўлсин!*

*Бу олий нишон улуғ бобомизни вояга етказган мўътабар бешикка тумор бўлсин!*

*Илоё, ҳаммамизни Соҳибқирон Амир Темурнинг ўлмас руҳлари ҳамиша қўлласин ва барча ишимизда мададкор бўлсин!*

\* \* \*

Амир Темур номидаги орденнинг таъсис этилиши ва халқаро хайрия жамғармасининг ташкил қилиниши муҳим воқеа ҳисобланди. Ўзбекистон ва хорижий мамлакатларда Амир Темур фаолиятига бағишланган халқаро анжуманлар ўтказилди. Уларда шахсан Юртбошимиз қатнашиб, нутқ сўзлади. Унинг 1996 йил 24 апрелда Парижда ЮНЕСКО Ижроия кенгаши сессиясида, ЮНЕСКО қароргоҳидаги «Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» кўргазмасининг очилиш маросимидаги чиқишлари шулар жумласидандир.

1996 йил 24 октябрда Юртбошимиз Тошкентда утказилган Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағиш-

ланган халқаро илмий анжуманда «Амир Темур – фахримиз, ғуруримиз» мавзуси бўйича маъруза ўқиди. «Биз, – дейилади маърузада, – Амир Темур тарихини ҳар томонлама чуқур ўрганишимиз ва тадқиқ қилишимиз керак. Бугунги анжуман мана шу йўлдаги муҳим қадамдир. Сир эмаски, коммунистик мафкура ҳукмрон бўлган совет жамиятида тарих фани ҳам улуғ миллатчилик ғояларининг қурбони бўлган эди. Шу сабабли бу даврда собиқ Иттифоқ ҳудудида яратилган тарихий асарларда Амир Темур шахси ва фаолиятига адолатсизлик билан бирёқлама баҳо берилди, бу ғоя Ер юзининг олтидан бир қисмини эгаллаган улкан ҳудудда яшаган икки юз эллик миллион халққа зўрлаб сингдирилди. Ана шундай нотўғри ва ғайриилмий қарашларга танқидий баҳо бериб, Амир Темурга нисбатан тарихий адолатни қарор топтириш бугунги темурийшуносликнинг муҳим вазифаларидан биридир».

Хуллас, узоқ йиллар мобайнида асоссиз қораланган Амир Темурнинг бутунлай оқланиши, унинг буюк давлат арбоби ва тарихий шахс сифатида юзага чиқарилиши, қадр-қимматининг ўрнига қўйилиши ва хотирасининг абадийлаштирилиши – барчаси Юртбошимиз Ислом Каримовнинг номи билан чамбарчас боғлиқдир.

---

**АМИР ТЕМУР – ОЛИЙ ФАЗИЛАТЛАР СОҲИБИ  
ВА ХАЛҚПАРВАР ҲУКМДОР**

*Худое, Эрону Туронни уз фармонида тутиб турган  
Жаҳоннинг бу дарвешдўст шоҳини  
Халқ бошида доимо устувор сақлагил!  
Тоату ибодат кўмагида дилини хушёр тутгил!  
Унинг умид дарахтини ҳосилдор сақлагил,  
Умрини узоғу юзини ёруғ этгил!*

Амир Темурга бағишланган ушбу сатрлар муаллифи Низомиддин Шомий – Соҳибқирон билан шахсан суҳбатлашган ва унга «Зафарнома» асарини тақдим этган машҳур тарихчи<sup>1</sup>. Бундан 600 йил илгари билдирилган ушбу тилакда чуқур маъно ўз ифодасини топган. Донишманд тарихчи буюк Соҳибқироннинг узоқ яшаши ва унинг юзи ҳамиша ёруғ бўлишини Аллоҳдан сўраган эди.

Бу тилаклар бежиз айтилмаган. Зеро, Соҳибқироннинг узоқ яшаши туфайли салтанат қўл остидаги кўп мамлакатларнинг тинчлиги ва барқарорлиги таъминланиб, сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожланиш давом этарди. Қолаверса, ўзининг юксак қобилияти ва одоб-ахлоқи билан у чинакам давлат арбоби ва халқпарвар ҳукмдор эди. Хўш, Амир Темурнинг шахсий фазилатлари, халқ ва Ватан олдидаги хизматлари нималардан иборат бўлган?

Шуни ҳисобга олиш лозимки, у ёки бу давлат раҳбарининг фаолияти унинг ақл-идроки, феъл-атвори, билими ва дунёқарашига монанд равишда шаклланади. Буни Амир Темур мисолида ҳам кўриш мумкин. Аввалам-

---

<sup>1</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома. Форс тилидан Юнусхон Ҳақимжонов ва Асомиддин Ўринбоев таржимаси. Т., 1996, 22-бет.



бор, у ёшлигидан ақлли, очиқ кўнгилли, журъатли бўлиб, вазир ва бошқа амалдорларнинг фарзандлари билан дўстона муносабатда бўлган. Амир Темури замондоши Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Соҳибқирон «Баланд қадли, узун бўйли, тик қомадли, гўё у қадимий паҳлавонлар авлодларидан бўлиб, кенг пешанали, катта бошли, ғоятда кучли ва салобатли, ажойиб бўлалик, оқу қизил юзли, лекин доғсиз, буғдой ранг эмас, қўл-оёқлари бақувват, елкалари кенг, бармоқлари йўғон, пойчалари семиз, қадди-қомади камолига етган, серсоқол... йўғон овозли эди; у ўлимдан қўрқмас, ёши етмишга етган бўлса-да, изтиробсиз, вазмин, бадани тўла ва пишиқ, худди зич тош мисоли қаттиқ эди. У ҳазил-мазах ва ёлғонни ёқтирмас, ўйин-кулгию кўнгилхушликка майлсиз... эди»<sup>1</sup>.

Амир Темури мадрасада таълим олган, билимли ва дунёқараши ҳар жиҳатдан кенг қамровли бўлган. Шу боис унинг фикр-мулоҳазалари мазмун ва ўткирлиги жиҳатидан кишиларни ҳайратга солган. «Темури тенги йўқ феъл-атворли, чуқур мулоҳазали киши бўлиб, унинг тафаккур денгизининг қаъри йўқ ва (унинг) тадбири тоғига на текислигу, на ғадир-будур орқали йўл топиларди...»<sup>2</sup> «Темури тамғасининг нақши «рости расти» бўлиб, бу «ҳаққўй бўлсанг, нажот топасан» демакдир... унинг мажлисида уятсиз сўзлар, қон тўкиш, асир олиш, наҳбу ғорат қилиш ва ҳарам (ҳақи) га ҳақорат гаплар бўлмасди. Темури қўрқмас, шижоатли, ботир кишиларни итоат қилдирувчан бўлиб, жасоратли кишиларни, довьорак ва мардларни ёқтирар эди... У (бировдан) бир гап эшитганда далил талаб қиладиган, зимдан қараш ва кўз ишоратларини сезадиган идрокли киши эди»<sup>3</sup>.

Кўриниб турибдики, Соҳибқирон ўта зеҳнли, фаросатли ва адолатли ҳукмдор ҳисобланиб, юксак одоб-ахлоқ соҳибни бўлган. «У синчков, ҳар бир ишоратдан

---

<sup>1</sup> Ибн Арабшоҳ. Амир Темури тарихи. Араб тилидан Убайдулла Уватов таржимаси. 1-китоб, Т., 1992, 65-бет.

<sup>2</sup> Ўша манба, 71-бет.

<sup>3</sup> Ўша манба, 65-бет.

огоҳ киши бўлиб, юз берадиган барча ишни кўриб-билиб турар эди. Унинг назаридан алдовчининг алдови яшириниб қолмас ва фирибгарнинг фириби ўтмас, ўз фаросати билан ҳақгўй ва ёлғончини ажратар эди... Агар у бирор нарсани амр қилса ёки бир нарсага ишорат қилса, ундан асло қайтмасди ёки у бирор нарсага қасдланса, беқарорлик, енгилтаклик ва сусткашликка мансуб бўлмаслик учун ўз қатъияти жиловини у нарсадан сира бурмасди»<sup>1</sup>.

Бинобарин, Соҳибқирон давлат ишларида бепарволикка йўл бермай, қилиниши лозим бўлган вазифаларни қатъиятлик билан ниҳоясига етказмагунча қўймаган. У одамларни ўз таъсир доирасига тортиш, рағбатлантириш, руҳини кўтариш ва ишлатишда тенгсиз қобилият эгаси бўлган. Файратли, меҳнатсевар, содиқ ва ҳалол амалдорларнинг қадр-қимматини ўрнига қўйиш ва моддий жиҳатдан таъминлашга алоҳида аҳамият берган. Шунингдек, уларнинг ўзларини тутишлари ва юриш-туришларини назорат қилиб борган.

Бир ривоятга кўра, кунларнинг бирида Соҳибқирон икки амалдорни ҳузурига чақириб, биринчисига шундай деган: «Сизни шу бугундан бошлаб эгаллаб турган лавозимингиздан бўшатдим». Шу онда у: «Олампаноҳ, менинг ишларимдан ҳамиша мамнун бўлиб ва мақтаб юрган эдингиз, нима сабаб бўлдики, мендан кўнглингиз қолди?» – деб ҳайрон бўлганида, мана бу жавобни олган экан: «Тўғри, ўзингизнинг вазифангизни биз истагандек бажариб келдингиз, лекин кейинги пайтларда сўзларингиз ва ўзингизни тутишингиз эгаллаб турган мансабингиз доирасидан юқорилашиб кетди. Манманлик ва гўдаишга берилиб, ҳеч кимни менсимай қолдингиз. Тунов кун масжид олдида ўтирган қарияларнинг қаршисидан отдан тушмай ва салом бермай ўтиб кетибсиз, ҳатто қабристондан ҳам Куръон ўқимай отда ўтибсиз. Бунга ўхшаш маълумотлар анча тўпланиб қолди. Бу кетишда ўзингизнинг ҳам, ҳокимиятнинг ҳам шаънига путур етказиб қўясиз. Яхшиси, ўзингизни

---

<sup>1</sup> Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. 1-китоб, 65–66-бетлар.

тарбиялаб олинг, сўнг сизни эътибордан четда қолдирмаймиз, албатта». Иккинчи амалдорга эса Соҳибқирон шундай дебди: «Сизнинг муомалангиз ва фаолиятингиз эгаллаб турган мансабингиз доирасидан жуда пасайиб кетди, шу боис сиз ҳам ундан озод этилдингиз». Демак, Амир Темурнинг фикрича, у ёки бу амалдор ҳаддидан ошмай, ўзига берилган ваколат доирасида сидқидилдан хизмат қилиши керак. Шунингдек, у ношуд ва зарби йўқ мансабдорларни дарҳол бўшатган. Натижада Соҳибқирон саройида жасоратли, мард, тиришқоқ, ўз фикр-мулоҳазаларини ошкора айта оладиган очиқ юзли мансабдорлар тўпланиб, садоқат билан хизмат қилган.

Соҳибқирон том маънода халқпарвар ҳукмдор бўлиб, мамлакатда адолат, тинчлик ва фаровон ҳаётни таъминлаш учун курашади. «Амир Соҳибқирон, – дейди Низомиддин Шомий, – раиятлар аҳволини чуқур текшириб, мазлумнинг додини золимдан олди, мамлакатнинг хароблигу ободонлиги борасида маълумотлар олишга илтифот кўргазди. Ҳар кимнинг ҳақ-ҳуқуқини ўз ўрнига қўйган ҳолда халойиқнинг ҳар бир синфини турли-туман меҳрибонликлар билан сийлади: саййидларни улуғлашу эҳтиром, амирларни чопону инъом, уламоларни эъзозу икром, заифларни саховату эҳсон, раиятни амонлигу одиллик билан хушнуд этди. Шунинг учун унинг муборак зоти Худойи таолонинг лутфу иноятига сазовор бўлди...»<sup>1</sup> «Темур олимларга меҳрибон бўлиб, саййиду шарифларни ўзига яқин тутарди. Уламолар ва фозилларга тўла-тўкис иззат кўрсатиб, уларни ҳар қандай кимсадан батамом муқаддам кўрарди... ҳар қандай ҳунар ва касб бўлмасин, агар унда бирор фазилат ва шарофат бўлса, шу касб эгаларига ғоятда меҳр қўйган эди»<sup>2</sup>.

Дарҳақиқат, Соҳибқирон мўғулларнинг 150 йил давом этган адолатсизлиги, талон-торож, парокандалик ва ўзаро қонли курашларни тугатиб, мамлакатни белгилаб қўйилган қонун ва тартиблар асосида бошқарди.

<sup>1</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома. 220-бет.

<sup>2</sup> Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. 1-китоб, 69-бет.

Ҳақсизлик, зулм, зўравонлик ва ўзбошимчалик сингари иллатларга барҳам берилиб, халқ манфаати ҳимоя остига олинди. «Саъй-ҳаракатни, — дейди Соҳибқирон, — ободончилик ва фуқаро фаровонлигига йўналтиришни ҳукмдорлик йўл-йўриқларининг фарзларидан ва жаҳондорлик суннатларидан деб билдик»<sup>1</sup>. У фарзандларига ҳам қўл остидаги мамлакатларда кўрсатилган тарзда сиёсат юргизишни топшириб, бундай деган: «... ушбу улуг ишни шу йўсинда олиб борсинки, токи у адолат, ҳақиқат, ҳукмдорлик заруриятлари ва раиятпарварлик учун кафолат бўла олсин ҳамда унинг қоидаларига шундай бир тарзда амал қилсинки, токи у оламнинг ободлиги ва инсоният тинч-тотувлиги билан якун топсин, ... ҳақпарварларни қўллаб-қувватлаш ва эъзозлашда, масжид ва мадрасаларни таъмирлашда ва хайрли даргоҳларни кўпайтиришда тиришқоқлик намойиш этиб, муфсидлар, авбошлар, жиноятчилар ва қароқчиларни ҳамда шариятга хилоф ишларнинг кўпайишини ва нолойиқ қонун-қоидаларни таг-тути билан йўқотишни зарур ва лозим, деб билсин. Шундагина мамлакат ишлари бир текис боради: салтанат мавқеи ва тўғри йўл-йўриқ барқарор бўлади»<sup>2</sup>.

Демак, Соҳибқирон шунчалик пухта ўйлаб иш юритганки, салтанат куч-қудратини сақлаш, баъзи подшоҳлар ўйлаганидек, фақат кўшинга эмас, балки биринчи навбатда халқнинг тинчлиги ва манфаатини таъминлашга ҳам боғлиқ, деб ҳисоблаган. Шундагина халқнинг ўз ҳукмдори ва давлатига бўлган меҳр-муҳаббати ошиб, вақти келганда улар учун жонини ҳам, молини ҳам тикади. Шунини айтиш лозимки, Соҳибқирон нафақат Туркистон, балки қўл остидаги бошқа мамлакатлар халқларининг манфаатларини ҳам ўйлаб иш юритган. У ерларга ҳоким этиб тайинланган фарзандлари зиммасига адолат ва ҳақиқатга, ободончилик ва тараққиётга қаратилган сиёсат юритишни юклаган.

Соҳибқироннинг олижаноблиги ҳарбий юришлар

<sup>1</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома. 384-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар, 385-бет.

жараёнида ҳам намоён бўлди. Унинг ашаддий душманлари кечиришни ва афв этишни сўраганларида, уларнинг ҳурмат ва иззатини ўрнига қўйиб, қимматли совғалар билан тақдирлаган. Ҳатто ҳукмдорларни ўз ўрнида қолдирган вақtlари ҳам бўлган. Урушлар туфайли бузилган жойлар дарҳол тикланган, янги шаҳарлар қурилган. Хусусан, «Шероз Амир Соҳибқироннинг шарафли қадами баракоти билан бир неча вақт амонда бўлиб, ободонлашди. Кишилар айшу фароғатга яқин ва қийинчилигу балолардан узоқ яшадилар. Бир қанча мавзеларга хайрия иморатлари, масжиду мадрасалар қурилди ва шаҳарнинг баъзи маҳаллаларига оқар сувлар келтирилди... (Амир Соҳибқироннинг) олий ҳиммати жаҳон аҳли аҳволининг осойишталигига қаратилгани ва шунга сарфланаётгани туфайли равшан қалби ойнасида шу нарса юз кўрсатдики, «Турон мамлакатида машҳур мавзеларни иморат қилганимиздек, Эрон мамлакатида ҳам биз ҳазратдан ёдгорликлар қолғай...» «Байлақон ерида бир мавзеда шаҳар бино қилишга олий ишорат содир бўлди. Бир шаҳар тарҳини чиздилар: у кенг бир девор, чуқур бир хандақ, тўртбурчак шаклида бозор, кўп уй-жойлар, ҳаммом, сарой, майдон ва чаманзорлардан иборат эди. Шаҳар деворининг айланаси шаръий газда икки минг тўрт юз газ, девор кенглиги ўн бир газ, деворнинг баландлиги кунгиралари тепасигача ўн беш газга яқин, хандақнинг кенглиги қирқ газ, чуқурлиги қарийб йигирма газ, шаҳар девори бўйлаб соқчилар ва посбонлар учун уйлар белгиланган, унинг тўрт томон бурчагидан ҳар бирида бир бурж – минора кўтарилган, чиқар жойлар, тош отиладиган жойлар тартибга келтирилган. Ҳақиқатда агар бирор комкор подшоҳ шундай бир мавзени тиклашни хоҳласа, аввал бир муддат асбобу-ускуналарини тайёрлагач, агар бир йилда уни битиришга муяссар бўла олса, ҳамма таажжуб қиларди. Шундай қуруқ бир саҳрога тайёргарлик кўрмасдан, асбобу олат йиғмасдан, ёлғиз олий илтифот билан шу қадар олий бир иморат ва баланд шаҳристонни барпо этиш бир ой муддатда тамомига етди. Донишмандлар бу комронликка таажжуб қилдилар, жаҳондийда кишилар... офаринлар

ўқидилар»<sup>1</sup>. Ушбу маълумотлар Соҳибқироннинг ташкилотчилиги ва бунёдкорлик қобилиятининг чегараси йўқлиги ҳақида гувоҳлик беради. Ҳақиқатан ҳам Соҳибқироннинг олиёғим-матлиги ва бағрикенглигини яққол кўриш мумкин.

Соҳибқирон Туркистон минтақаси билан бир қаторда бошқа жойларда ҳам қаттиқ тартиб ва тадбиркорлик билан иш юритиш бўйича муҳим чораларни кўрган. Масалан, у Озарбайжон ва Ироқи Ажамга ҳоким этиб тайинланган набираси Умарга шундай кўрсатма берган: «Чиқим билан кирим бир меъёрда тутилсин, шундагина мамлакатни бошқариш осонлашади ва зулм қилишга ўрин қолмайди. Чегараларга ҳаёт синовидан ўтган, ҳушёр, сергак, мард ва тажрибали кишилар қўйилсин. Фаҳм-фаросатли ва шижоатли етук кишилар эътибордан четда қолмаслиги керак. Ўйларни муҳофаза қилиш раҳбарликнинг энг муҳим вазифаларидан эканини унутмаслик лозим. Савдогарлар ва йўловчиларга озор берилишига йўл қўйилмасин»<sup>2</sup>. Бундай кўрсатмалар берилиши бежиз бўлмаган, албатта. Чунки молиявий ишларни билимдонлик ва ҳисоб-китоб билан юритиш, ички ва ташқи савдони ривожлантиришга қаратилган чораларни кўриш салтанатни мустаҳкамлаш ва халқ фаровонлигини таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлган.

Шуниси диққатга сазоворки, Соҳибқирон салтанатга қарашли ҳамма жойда адолат ва тартибни назорат қилишни зиёлиларнинг ҳам зиммасига юклаган. У олимларнинг ақл-идрокли вакиллари ҳукумат номидан турли жойларга юбориб, аҳвол қандай кечаётгани ҳақида маълумот тўплаб, ахборот беришни буюрган: «Амир Соҳибқирон бир гуруҳ таниқли ва диёнатли олимлардан танлаб, уларнинг ҳар бирини девони аъло томонидан бир амин билан мамлакат чеккаларидан бирига номзод қилди, токи улар тайин этилган томонга жўнаб, мамлакат ишларининг тагига етсинлар, агар бирон-бир мазлумга зулм етган бўлса ёки бирон ожизга зўравонлик раво кўрилган бўлса, зарар тиканини маз-

<sup>1</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома. 197, 371, 372-бетлар.

<sup>2</sup> Ҳақиқатан ҳам, 383-бет.

лумлар оёғидан чиқариб, улардан зўрлик билан олинган нарса исбот қилинса, ўша томонда бўлган хазина молидан уларга қайтариб берсинлар, бўлган аҳволни ёзиб олиб қайтсинлар ва арз иззатгоҳига етказсинлар, токи бундан кейин у (зулм) қоидаларини улардан йироқлаштирсинлар. Шунда дур тўқувчи лафзидан чиқариб айтди: «То шу вақтгача жаҳонгирлик ишларида зўр саъй-ҳаракат қилинди, бундан сўнг эса подшоҳона ният жаҳонни бошқариш аломатларини юқори кўтаришга сарф этилажак. Бундан ғараз шулки, ҳар ким нимани билса, бежавотир бизнинг арз иззатгоҳимизга етказсин, ҳар нарсаки, мамлакат ислоҳи унга алоқадор ва мазлумлар бошидан зарарни даф этиш унга боғлиқ бўлса, у ҳақда бизга етказишда бепарволик қилмасин, эътимод ва тўла ишонч билан очиқ кўрсатсин»<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, Соҳибқирон ўз қўл остидаги мамлакатларда миллати, ирқи ва диний қарашларига қаратилган одил сиёсат юргизган. Уларнинг тили ва маданиятига ҳурмат билан қараган. Буни Самарқандда Соҳибқирон томонидан халқ учун уюштирилган зиёфатда турли миллат вакиллари қатнашганида ҳам кўриш мумкин: «Оламнинг турли тарафларидан йиғилган, тиллари ва кийимлари бир-бирларидан фарқли ҳар қайси мамлакат созандалари, ҳар бир иқлимнинг санъат аҳларию ҳунар соҳиблари гуруҳ-гуруҳ бўлишиб, ҳар диёрнинг ўзида расм ва одат қилинган зеб-зийнат буюмлари, тақинчоқлари, кийим-кечак ва матолари билан ясаниб, ўзларига оро бердилар. Хушнағма созандалар ва хушовоз хонандалар форс тариқасида, ажам тартибида, араб қоидасида, турк йўсинида, мўғул аёлғусида, хитой русумида, алтой услубида соз чалмоқ, ашула айтмоқ ва оҳанг боғламоқ ила машғул эдилар»<sup>2</sup>.

Турли миллат санъаткорларининг ажойибу ғаройиб ашула ва рақсларини мароқ билан тинглаб, томоша қилган Соҳибқирон жамоа аҳлига қарата шундай деган экан: «Тенги йўқ Тангри... оламни ёритувчи офтоб мисоли, узок

<sup>1</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома. 370–371-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша жойда, 393-бет.

ва яқинни бир хил билиб, барча давлатлар ва миллатлардаги кучли ва заиф, фақир ва шариф, катта ва кичик — ҳаммасини ўз марҳаматимиз ҳимояси ва шафқатимиз соясида бир хил кўришни, ҳар бир кишини ўз мавқеига қараб бу буюк давлат маҳсулидан баҳраманд этишимизни шарт қилиб қўймиш»<sup>1</sup>.

Ўрта асрларда хорижий мамлакатлар халқларига меҳрибонлик ва дўстлик кўзи билан қараш Соҳибқироннинг мисли кўрилмаган даражада халқларвар ва олижаноб шахс бўлганини кўрсатади. Чунки ўша узоқ вақтларда бегона миллатларни камситиш ҳукмдорлар ва уларнинг қўл остидаги мансабдорлар учун одат тусига айланган эди. Соҳибқирон эса ўз давридаги қарашлардан узоқлашиб, илғор фикрларни олға суриб, ибратли ишларни амалга оширган. Юқорида кўрсатилганидек, ҳар бир фуқарога дардию арзини тортинмай, чўчимай, бевосита Соҳибқиронга билдириш ҳуқуқи берилишининг ҳам аҳамияти катта. Шунингдек, Соҳибқирон томонидан мажлислар ва қурултойлар ўтказилганини ҳамда давлат кенгаш асосида бошқарилганини кўрсатиб ўтиш лозим.

Соҳибқирон халқ турмуш даражасини ва маънавиятини бойитишга ҳам катта аҳамият берди. Натижада мамлакатда мўл-кўлчилик ва тўқчилик қарор топди. Мадраса ва масжидлар қурилди. Олиму фозиллар фаолияти учун тўла шароит яратилди. Деҳқончилик, ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдони кенг кўламда ривожлантириш орқали фаровонликка эришилиб, меҳнаткаш халқнинг турмуши юқори даражага кўтарилди.

Олиму фозиллар, дин пешволари ва атоқли кишилар Соҳибқироннинг фаолиятига юқори баҳо бердилар. Масалан, Миср қозиларининг қозиси ва таниқли тарихчи Валиуддин Абдураҳмон ибн Халдун Соҳибқиронга таъзим ила қўйидаги сўзлар билан мурожаат қилган: «Азбаройи Худо, э, Мавлоно Амир! Дунё фатҳларининг калити бўлган қўлингни (менга) бергин, мен уни ўпиш шарафига муяссар бўлай... Мавлоно Амир! Миср сендан

---

<sup>1</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома. 394–395-бетлар.



ўзга ноиб ҳукмидан ёинки унда фақат сенинг амрингдан бошқа амр жорий бўлишидан хориждур. Сенга баробар келадиган (кимса) менинг насли-насабим, аҳлию авлодим, ватану мамлакатим, дўсту биродарларим, ҳешу ақраболарим, одамлар подшоҳлари тугул барча орқаю бош, балки бутун инсоният орасида ҳам йўқдир. Чунки улар ҳаммалари бўҳтонлик қорнида (ов бўлиб) тутилиб қолганлар. Мен фақат ўз умримнинг беҳуда ўтиб, ўз давримнинг (бефайз) кетганига ачиниб, афсусланаман. (Ўтган умрим) қандай қилиб сенинг хизматингдан ўзганинг хизматида ўтди? Нега менинг кўзларим сенинг сиймонг нурларини ўзига сурма қилиб сурмади?.. Майли, сенинг паноҳингда қайтадан иккинчи умримни бошлайман... Боқий умримни сенинг хизматингга бағишлаб, зое кетган умримни топиб, сенинг қуюшқонингга маҳкам ёпишиб оламан. Ушбу вақтни ҳаётимнинг... энг шарафлиси деб ҳисоблайман»<sup>1</sup>. Ушбу сатрларда Соҳибқирон шаънига изҳор этилган дурдона сўзлар ҳақиқатни акс эттириб, унинг буюклигию шуҳратини англатувчи мисоллардан биридир.

---

<sup>1</sup> Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. I-китоб, 66–67-бетлар.

## АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИНИНГ МАФКУРАСИ

Айтиб ўтиш лозимки, мафкура ҳеч қачон осмону фалақдан тайёр ҳолда тушиб, сўнгра одамларнинг онгига сингдирилмаган. У йиллар, асрлар давомида шаклланиб, ривожланиб, халқнинг онги ва шууридан чуқур жой олган. Шу маънода, халқимиз мафкурасининг илдиэлари аслида чуқур тарихий даврларга бориб тақалиб, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг маҳсули сифатида алақачонлар шаклланган.

Миллий мафкурамиз VI–VII асрларда, яъни Турк хоқонлиги даврида ўтмиш меросининг якунловчи босқичи сифатида янада куч-қудратга тўлди ва мустақамланди. У бу даврларда халқнинг қонига ва суяк-суягига шу даражада қаттиқ сингиб кетган эдики, ҳамон илҳомбахш куч сифатида ёлқинланиб турибди. Ўша узоқ тарихий даврларда «турк» атамасининг кенг кўламда кўлланиши ва қатъиян расмийлаштирилиши катта аҳамият касб этади. Чунончи, «Турк ватани», «Туркий тил», «Турк ёзуви» ва «Турк давлати» сингари иборалар минтақалагина эмас, балки жаҳон аҳли кўз ўнгида тўла намоеън бўлди. Шу равишда «Туркий мафкура» янги босқичга кўтарилиб, ўз-ўзини англаш, она ерга содиқлик, озодлик, эркинлик ва тараққиёт сингари омилларни қамраб олган. Унда халқни ва ватанини улуғлаш, жаҳон доирасида муносиб ўрин эгаллаш сингари ғоялар ўз ифодасини топди. Шунингдек, мамлакатда ўзаро чиқишмовчиликларни ва урушларни бартараф қилиб, бирдамликни ва барқарорликни таъминлашга алоҳида аҳамият берилган. Акс ҳолда даҳшатли фожиалар рўй бериши уқтириб ўтилган:

Эй, туркийлар, тақдирга тан бериб,  
Юрак-бағри қоп-қора қон бўлдингиз.

Кўргуликка кўникдингиз ноилож,  
Юртингизда зору нолон бўлдингиз.  
Қўлдан кетди Туронзамин неча бор,  
Эй, туркийлар, айтинг, бунга ким сабаб?  
Бой берилди эркинлигу ихтиёр,  
Туронийлар, айтинг, бунга ким сабаб?  
Айрилдингиз, айрилганни бўри ер,  
Душман еди битта-битта айириб,  
Кишан солди, Турон «занжирбанд бир шер»,  
Тиз чўктирди душман сизни қайириб.  
Туронлилар, мана, келди истиқлол,  
Тезда қўлни қўлга бериб бирлашинг!  
Бир олингу қўлга муқаддас юртни,  
Аммо берманг энди уни душманга.  
Хур тилагим: Худо сизни сақласин,  
Хатто тушда дуч келмангиз кишанга...

Ажабо, бундан 1200 йил илгари битилган мазкур мисраларда кейинги 130 йил мобайнида ота-боболаримиз ва биз босиб ўтган даҳшатли замонлар гавдаланиб турибди. Маълумки, ўзаро чиқишмовчиликлардан ва қонли урушлардан фойдаланган чор ҳукумати, сўнгра совет давлати Туркистон ўлкасини босиб олди. Натижада ўша битикларда қайд этилганидек, Туркистон кишанга солинди, Турон «занжирбанд шер»га айлан-тирилиб, юрак-бағри қора қонга белантирилиб, озодликдан маҳрум қилинди. Ундаги «Мана, келди истиқлол» ва «Қўлни қўлга бериб бирлашинг!» деган сўзлар бугунги кунда ҳам жаранглаб турибди. Шунингдек, «берманг уни (ватанни) душманга» ва «Хатто тушда ҳам дуч келмангиз кишанга» деган сўзлар шу кун талабига ҳам мосдир. Кейинчалик ўзбек номи билан аталган «Туркий мафкура» асрлар оша яшаб ўзининг асл моҳияти ва йўналишини ҳамон сақламоқда. Шунини уқтириб ўтиш жоизки, бу мафкура қаттиқ назорат ва таъқиб остига олиниб, бир бурчакка сиқиб қўйилган пайтлар бўлган. Аммо уни ҳеч қандай куч маҳв қилолмаган. Вақти келиб у диллардан қайнаб чиқиб, умумхалқ ҳаракатларини юзага келтирган. Масалан, мўғуллар ҳукмронлигига қарши кўтарилган

Маҳмуд Торобий ва сарбадорлар қузғолонлари шулар жумласидандир. Уларни миллий мафқуранинг мустақиллик ва озодлик ҳақидаги ғоялари чулғаб олган эди.

Мафқура ғояларига ақл-идрокли, ватанпарвар, жасоратли, талбиркор ва умуман, ҳар жиҳатдан етук шахс бошчилик қилгандагина самарали бўлиши мумкин. Буюк Амир Темур мана шундай аҳёнда дунёга бир келадиган табаррук зотлардан эди. У мустақиллик ва озодликнинг рамзи сифатида тан олинган шахс ҳисобланган. Амир Темур халқни зулмдан озод қилишни муқаддас бурч деб билган. У бу олий мақсадга содиқлигини амалда кўрсатиб, босқинчиларга қарши кураш олиб борди.

«Мовароуннаҳр аҳолиси, — деб ёзади у, — менинг бу ишимдан хабар топиши биланоқ, тезда (мўғулларга) ҳужум қилишим кераклиги ҳақида истак билдирдилар. Чунки уларнинг қалби золим мўғуллар тоифасидан бутунлай безиган эди. Мовароуннаҳр аҳолисининг катгаю кичиги менга бирлашди. Мамлакатнинг уламо ва машойихлари эса мўғулийлар тоифасини йўқ қилиш ҳақида фатво ёзиб бердилар. Улус амирлари ва қўшин бошлиқларининг баъзилари ҳам бу ишга қўшилиб бизга бирлашдилар. Бу тўғрида ёзилган аҳднома ва фатволарнинг нусхаси бу эди: «Тўғри йўллик халифалар, Аллоҳ таоло уларнинг жамисидан мамнун бўлсин, тутган йўлларига ва қилган ишларига мувофиқ Мовароуннаҳрдаги бутун аҳли ислом, сипоҳу раият ёхуд уламою машойих бўлсин, Амир Темурга иззату икром кўрсатиб, уни Амир Темур қутби салтанат олий деб атасинлар ва уни Аллоҳнинг (ердаги) қудрати — салтанат тахтига лойиқ кўрсинлар»<sup>1</sup>.

Демак, жамоа аҳлининг барча тоифалари Амир Темурни ўзининг халоскори ва ҳукмдори сифатида қадрлаган эди. «Мусулмонларнинг, — дейилган эди ўша аҳдномада, — ери, номуси, мол-мулки ҳамда жонига зулмситам қўлини чўзган (мўғуллар) тоифасини даф қилишда ва умуман йўқотишда Темурга (ёрдамлашиш учун)

---

<sup>1</sup> Темур тузуклари. Форсчадан Алихон Соғуний ва Ҳабибулло Кароматов таржимаси. 20–21-бетлар, Тошкент, 1991.

Ўз мол ва жонларини (аямай), тиришиб ҳаракат қилсинлар. Биз ўз аҳду байъатимизга содиқ қолурмиз. Агар берган аҳд-паймонимиздан қайтсак, Аллоҳнинг қудратию қуввати ва ёрдамидан чиқиб, шайтон қудратию ёрдами йўлига кирган бўлайлик». «Бу фатвони, — дейди Амир Темур, — менга кўрсатганларидан сўнг жангу жадал байроғини кўтариб, (мўғуллар) устига лашкар тортишга қарор қилдим ва мазлумлар ҳақини золимлардан олмоқчи бўлдим. Лекин бир неча разил кишилар бу сирни фош қилиб қўйдилар»<sup>1</sup>.

Шундан кейин Амир Темур ўлканинг гоҳ у, гоҳ бу жойида душманга қарши курашиб, кўп азоб-уқубатларни бошидан кечирди. Ҳатто у бир неча бор ҳалокат ёқасида турди, лекин унинг ватанга муҳаббати ва иродаси букилмади ҳамда синмади. Унинг нафақат қалби, умуман, бутун жисму жони мафқуранинг ватанпарварлик, мустақиллик ва озодлик ғоялари билан суғорилган эди. У халқ ва ватан дардида яшаб, унинг равнақи учун ҳеч нарсадан тоймади. «Салтанат тўнини кийгач, — деб ёзади Амир Темур, — тинчлигу соғлиғим кетди, ўз тўшагимда роҳатда ухлаш ҳузур-ҳаловатидан воз кечдим. Ўн икки ёшимдан турли диёрларни кездим, ранжу меҳнат тортдим. Ҳар хил тадбирлар қўллаб (ғаним) фавжларини синдирдим. Амирлар ва сипоҳийларнинг исёнларини кўрдим. Улардан аччиқ сўзлар эшитдим. Лекин сабру бардош билан ўзимни эшитмаган-кўрмаганга солиб, уларни тинчитдим. Қилич кўтариб жанг майдонига отилдим ва шул тариқа дунёга ном чиқардим».

Ибн Арабшоҳ ҳам Соҳибқироннинг фазилатларини шарҳлаб ёзган: «Темур тенги йўқ феъл-атворли, чуқур мулоҳазали киши бўлиб, тафаккур денгизининг қаъри йўқ ва (унинг) тадбири тоғига на текислиг-у, на ғадирбудур орқали йўл топилади»<sup>2</sup>.

Хуллас, халқ мафқураси Амир Темур сиймосида ва фаолиятида тўла ифодасини топди. Шунинг учун ҳам мамлакат мустақиллигини тиклашга эришилди, халқ

<sup>1</sup> Темур тузуклари. 20–21-бетлар.

<sup>2</sup> Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. 1-китоб, 71-бет.

мафкураси Амир Темур давлатининг моҳияти ва йўналишини белгилади. У бу даврда ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ва маънавий асосларга эга эди.

Мафқуранинг сиёсий соҳадаги туган муҳим ўрни 1370 йилда Амир Темур давлатининг барпо этилишида намоён бўлди. Бу ерда унинг мустақилликни тиклаш ҳақидаги даъвати амалга оширилди. Марказлашган ва қудратли давлатни юзага келтириш мафқуранинг асосий йўналишига айланди. Бунга эришиш учун, аввало, ўзаро чиқишмовчиликларга ва урушларга барҳам бериб, давлатни ички тарафдан мустаҳкамлаш зарур эди. Бу тўғрида Амир Темурнинг сўзларини келтириш ўринлидир: «Турон вилоятини забт этиб, Мовароуннаҳр вилоятини (мўғуллар) вужудининг хас-хашагидан тозалганимдан кейин баъзи улусларнинг амирлари менга итоат этиб, бош эгишни истамадилар ва ҳар бири ўз қабилалари олдида (ҳеч кимга бўйсунмаслигини кўрсатмоқчи бўлиб) ноз қилиб турардилар. Амирларимдан баъзилари уларнинг ёнини олиб, менга, «бу давлатга баримиз шерик бўлганимиздан кейин уларни ҳам давлатга шерик деб билайлик» дедилар. Лекин уларнинг гаплари менинг салтанат юритишимдаги ғайратимга таъсир қилмади. Ўзимча кенгашдимки, «Худо битта, унинг шериги йўқдир. Шундай бўлгач, Аллоҳ таолонинг муқаддас мулки — Ер юзига эгалик қиладиган (кадхудо) киши ҳам битта бўлиши керак»<sup>1</sup>. Амир Темур ўзининг бундай сиёсатини ҳокимиятни қўлга олгунга қадар ва кейин ҳам изчиллик билан олиб бориши туфайли бутун мамлакатда тинчлик ва осойишталик таъминланди. Амир Темур давлатининг мафкурасида қўшиннинг куч-қудратини ва жанговарлигини ошириш муҳим ўрин эгаллади. Аввало, Амир Темурнинг ўзи моҳир жангчи ва лашқарбоши ҳамда сипоҳларнинг жону дили бўлиб, улар билан бирга жанг майдонларида қаҳрамонлик намуналарини намойиш этди.

«Сипоҳларнинг, — дейди Соҳибқирон, — кўнглига нима ўтирса, шуни қилдим. Бошимга пўлат дубулға,

---

<sup>1</sup> Темур тузуқлари. 35-бет.

эгнимга Довудий совут кийдим, белимга Миср қиличини боғлаб, баҳодирлиғу кураш тахтига ўтирдим». У сипоҳларни яроғ-аслаҳалар, маош ва бошқа зарур нарсалар билан таъминлашга алоҳида эътибор берди. Жангчиларнинг хизматларини қаттиқ қадрлади ва ўзини кўрсатганларга «Баҳодир» унвонини таъсис этди. Ҳатто ҳарбий хизматга аёллар ҳам жалб қилинган эди. Зеро Ибн Арабшоҳ ёзади: «Темур аскарлари ичида аёллар ҳам бўлиб, улар жанг тўс-тўполонлари ва шиддатли тўқнашувларда матонат кўрсатардилар. Улар (душман) эркакларига қарши туриб мардонавор уруш қилардилар, жангда найза санчишда, қилич билан зарба беришда ва камондан отишда моҳир эркаклардан кўра ҳам ортиқроқ иш қилардилар. Агар улардан бири ҳомиладор бўлиб, йўлда кетаётган пайтда уни дард тутса, у ўз жамоасидан ажралиб, (йўлдан) четга чиқарди ва уловидан (отидан) тушарди. Кўзи ёригач, чақалоғини ўраб олиб, уловига минарди ва яна жамоасига келиб қўшиларди»<sup>1</sup>.

Кўриниб турибдики, гап юритилаётган даврда мафкуранинг ватанга содиқлик ва жанговарлик ғоялари шу даражада барқ урганки, аёлларни ҳам жангга отлантирган. Аёлларнинг жанг майдонларидаги қаҳрамонона курашлари кишини ҳайратга солади. Айниқса, кўзи ёриган аёлларнинг дарҳол жангга шайланиши диққатга сазовордир. Маълумки, тарихий асарларда Амир Темур аскарларини «ваҳший» кишилар тарзида тасвирлаш одат тусига кириб кетган. Ваҳоланки, Амир Темур ўзи юксак ахлоқ-одоб эгаси бўлгани учун қўшини ҳам шунга монанд ниҳоятда тартибли ва инсофли бўлган. Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, «Темур аскарлари ичида олижаноб, ибодатли, тақводор, художўй, саховатли, ҳимматли кишилар ҳам кўп бўлиб, улар эзгуликларда (чексиз) манбалар бўлиб, бу (хайрлик)лар булоқларининг кирим ва чиқимлари бор эди. Асирни озод қилиш, ноқисликни тўлғазиш, ёнғинни ўчириш, (сувга) ғарқ бўлаётганни қутқазиш, ўзгаларга хайру эҳсон кўрсатиш, бошига кулфат тушганга ёрдам қўлини чўзиш у (киши)лар одатларидандир»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. 99-бет.

<sup>2</sup> Ўша манба. 180-бет.

Мафқуранинг том маънода умумхалқ ҳаракати сифатида гавдаланиши ва унинг Амир Темур томонидан ниҳоятда сидқидиллик ва билимдонлик билан бошқарилиши орқасида жанговар ва енгилмас миллий қўшин ташкил этилди. Эндиликда мамлакатни ташқи хавфдан сақлаш зарурияти туғилди. Тарихдан маълумки, чет элликлар ҳаминша Туркистонга бостириб кириб, қирғинбарот ва талон-торож қилганлар. Амир Темур буларга чек қўйиб, душманларнинг ўз ерида зарба бериб, ўлкани жаҳон миқёсига олиб чиқиш мақсадида қатор ҳарбий юришлар уюштирди. Натижада мафқурада улуғ давлатчилик ҳаракати авжига миниб, жаҳонни ларзага солган Темур империяси ташкил топди. Ҳозирги замон нуқтаи назаридан қараганда у ғайритабиий бўлиб кўринади. Лекин ўша даврдаги шароит у ёки бу давлатнинг ҳукмрон ёки қарам (мустамлака) бўлишини тақозо қиларди. Айниқса, табиий ва маънавий бойликка эга бўлган мамлакатлар ўша икки ҳолатнинг бирига дуч келиши турган гап эди. Амир Темур буни яхши англаган ҳолда ташаббус кўрсатиб, она юртни бўлажак ташқи хавф-хатардан холи қилди. Бу ўз даври учун қўлланилган тўғри сиёсат эди, албатта. Борди-ю, Амир Темур давлати «ўз қозонида қовурилиб», таъсир доирасини қўшни мамлакатлар ҳисобига кенгайтирмаганда, карвон йўллари ва савдо марказларининг эгаси бўлмаганда, қудратли давлат юзага келмас эди. Юрт аҳли мафқурасида ҳуқуқий давлат, яъни мамлакатни қонун-қоида (демократик) асосда бошқаришга қаратилган ҳаракат кўзга ташланди. Ўрта аср тарихида бу камдан-кам учрайдиган воқеадир. Шу боис Амир Темур давлатининг мафқураси ўзига хос ижобий хусусиятлари билан ажралиб туради. Амир Темурнинг ўзи давлат қонунини (тузукини) ёзди ва изчиллик билан ҳаётга татбиқ қилиб борди. «Давлат ишларини, — дейди у, — салтанат қонун-қоидаларига асосланган ҳолда бошқардим. Тўра-тузукка таяниб, салтанатда ўз мартаба ва мақомимни мустаҳкам сақлаб турдим. Амирлар, вазирлар, сипоҳ, раият ҳар бири ўз лавозим ва мартабасидан мамнун ҳолда хизматимда бўлиб, ундан ортиғига даъвогарлик қила олмади... Адолат



ва инсоф билан Тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим. Гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм қилиб, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим. Хайр-эҳсон ишларим билан одамлар кўнглидан жой олдим. Золимлардан мазлумлар ҳақини олдим. Золимлар етказган ашёвий ва жисмоний зарарларни исботлаганимдан кейин уларни шариатга мувофиқ одамлар ўртасида муҳокама қилдим ва бир гуноҳкорнинг ўрнига бошқасига жабр-зулм ўтказмадим»<sup>1</sup>. Бинобарин, Амир Темур мафқураининг адолат ва инсоф нуқтаи назаридан давлатни бошқариш ғояларини ҳаётга татбиқ қилган эди. Бу хусусда мамлакатда қурултойлар чақирилиб муҳим масалалар бўйича мунозаралар ўтказилиши ҳам диққатга сазовордир. Шунингдек, Амир Темур саройида кенгаш таъсис этилиши ва ҳар бир масаланинг муҳокама қилиниши демократия кўринишларидан биридир.

Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Амир Темур бирон масала муҳокама қилинаётганда, «гап жиловини ташлаб қўйиб» эркин фикрлашга кенг йўл берган. У шундай дер экан: агар бир киши «масалага чуқур қараб, бир кун билан бир йил орасидаги ишлар оқибатини кўзлаб гапирса, унинг гуноҳи йўқ. Майли, ҳар кимса хатонинг энг қуйисигача йиқилса ҳам ёки савобнинг чўққисига кўтарилса ҳам фарқи йўқ, ҳеч бир тортинмасдан гапир-версин. Чунки агар хато қилса, бу нуқсон эмас, агар мақсадга мувофиқ бўлса, унга икки ҳисса мукофотдир». «Шунда ҳар ким, — дейди Ибн Арабшоҳ, — ўз жидду жаҳдини сарфлаб, бу масалада мақсади ва меҳнатини кўрсатиб, ўз ижтиҳоди берган натижасини намоён қилар, ўйлаган фикри Темур муродига мувофиқ деб тасаввур этарди. Шу тарзда ҳамма фикрлар тўлланиб бўлгач, ушбу мажлис (аҳли) тарқаларди».

Гапнинг сирасини айтганда, Амир Темур сингари кишиларнинг маслаҳатига катта эътибор ва чанқоқлик билан қарайдиган ҳукмдорлар тарихда унчалик кўп эмас. Унинг бундай фазилатлари ҳар бир соҳада катта ютуқларни қўлга киритиш имконини берди. Амир Темурнинг

---

<sup>1</sup> Темур тузуклари. 54-бет.

адолат билан давлатни бошқарганини унинг тузуқларидан ҳам билса бўлади. Бу хусусда Соҳибқирон шундай ёзган: «Кимки оқилона гапларни эрларча кескинлик билан сўзласа, унга ҳам қулоқ солардим, лекин айтилган ҳар бир маслаҳатнинг яхши ва ёмон томонлари ҳақида ўйлаб кўргач, тўғри ва савоблироғини танлаб олардим... Салтанатим мартабасини қонун-қоидалар асосида шундай сақладимки, салтанатим ишларига араллашиб зиён етказишга ҳеч бир кимсанинг қурби етмасди».

Кўриниб турибдики, Амир Темур давлатни мустаҳкамлашда қонун-қоидаларнинг тутган ўрнига алоҳида аҳамият берган. Бунинг орқасида унинг ҳокимияти шу даражада катта қудратга эга бўлганки, унга чанг солишга қодир киши топилмаган. Амир Темур кенгаш этган масалаларни яна бир бор ўз сафдошлари билан биргаликда кўриб, кейин уларни сўзсиз ва қаттиққўллик билан амалга оширган. Шунингдек, у лафзи ҳалоллиги, поклиги ва самимийлиги билан шуҳрат қозонган.

Маълумки, халқ мафкурасининг асосий таянчи ва бошқарувчиси ҳокимиятдир. Шу боис тахт хавфсизлиги ва куч-қудратини таъминлаш ҳукмдорнинг муқаддас бурчидир. Лекин бу ҳар бир подшоҳ қўлидан келмаслиги орқасида босқинчилар ҳукмронлиги ўрнатилган вақтлар бўлган. Амир Темур эса ўз халқи олдидаги масъулиятини яхши англаган ҳолда ўз тахтининг хавфсизлигини сақлашга алоҳида аҳамият берган. Амир Темур давлатининг мафкурасида мамлакатнинг жаҳондаги мавқеини таъминлаш ҳам ўз аксини топди. Соҳибқирон Шарқ давлатлари билангина эмас, балки Испания, Англия, Франция сингари Оврўпо давлатлари билан дипломатик ва иқтисодий алоқалар ўрнатишга ва ривожлантиришга ҳаракат қилди.

Демак, давлат мафкураси сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларида ўз ифодасини топган. У шунга ўхшаш иқтисодиётни ҳам қамраб олган эди. Чунончи, мўғуллар даврида қашшоқлашган хўжаликни тиклаш, савдотиқни ривожлантириш ва фаровон турмушни яратиш муҳим вазифа ҳисобланди. Бу вақтларда сунъий суғориш

ишлари, янги ерларни ўзлаштириш ва умуман, деҳқончилик кенг кўламда ривожлантирилди. Амир Темур фармони бўйича давлат деҳқонларни маблағ, ишлаб чиқариш қуроллари ва бошқа нарсалар билан таъминлаб турди. Хунармандчиликнинг барча тармоқлари ҳам ўсди ва турли-туман маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Ички ва ташқи савдо ривожланиб, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Туркия, Хитой, Арабистон ва бошқа мамлакатлар билан алоқалар юқори босқичга кўтарилди.

Натижада мамлакатда мўл-кўлчиликка эришилиб, фуқаролар яхши ҳаёт кечирди. Умуман, Амир Темур давлатида мафқуранинг иқтисодий асослари ўз самарасини бериб, фаровонлик ҳукм сурди.

Мафқуранинг маънавий томонлари ҳам кенг қулоч ёйди. Ундаги ватанни севиш, халқни улуғлаш, фахрланиш ва ғурурланиш сингари олий фазилатлар барқ уриб турди. Буларни Амир Темурнинг қуйидаги сўзларидан ҳам яққол билиш мумкин. У шундай ёзган:

«Бизким, мулки Турон, Амири Туркистонмиз.

Бизким, миллатларнинг энг қадими ва энг улуғи — Туркнинг бош бўғинимиз».

Шубҳасиз, бу дур каби терилган фикрлар ўша давр маънавий ҳаётининг йўналиши ҳисобланиб, ўзбек халқи ўз-ўзини англашини кўрсатади ва унинг миллий ҳистуйғулари жўшиб турганидан далолат беради. Шунинг учун ҳам буюк давлатчилик ғояси юзага келди ва у рўёбга чиқарилди.

Дин мафқуранинг устунларидан бири эди. Шу боис Соҳибқирон дин ривожига алоҳида эътибор бериб, муҳим чораларни амалга оширди. «Яна тажрибамдан кўрдимки, — дейди у, — агар давлат дину тартиб асосида қурилмас экан, тўра-тузукка боғланмас экан, ундай салтанатнинг шуқуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади. Бундай салтанат яланғоч одамга ўхшарким, уни кўрган ҳар бир кимса назарини олиб қочади. Ёхуд касу нокас тап тортмай кириб чиқадиған томсиз, эшиги — тўсиғи йўқ уйга ўхшайди. Шунинг учун ҳам мен ўз салтанатим

биносини дини ислом, тўра ва тузук асосида мустаҳкамладим... Ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар қуришни, йўловчи мусофирлар учун йўл устига работлар бино қилишни, дарёлар устига кўприклар қуришни буюрдим»<sup>1</sup>.

Илм-фан, меъморчилик, санъат соҳалари ҳам ривожланиб, маънавий ҳаёт юқори босқичга кўтарилди: Амир Темур саройида олиму фозилларга, дин пешволарига ва умуман, зиёлилар вакилларига зўр ҳурмат ва ғам-хўрлик кўрсатилди.

Амир Темур даврида маънавий ҳаёт барқ уриб ривожлангани ҳақидаги маълумотлар кўпчиликка маълум бўлгани учун уларга батафсил тўхташга ҳожат йўқ. Умумий хулоса шуки, Амир Темур давлатининг мафкураси сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг йўналтирувчи кучи ва кўзгуси сифатида гавдаланди. Унинг илҳомбахш куч-қудрати ва самараси буюк давлатни ва тараққиётни таъминлашда ҳал қилувчи омил бўлди. У узоқ тарихий даврларда шаклланган халқчил мафкуранинг давоми ва такомили бўлиб, асрлар оша бизгача етиб келди. Эндиликда у, ҳозирги замон шароити тақозосига кўра, янги босқичга кўтарилиб, келажакдаги буюк давлат заминини ҳозирламоқда. Бу хусусда Амир Темурнинг ўлим тўшагида изҳор этган васиятини келтириш аъни муддаодир: «Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Заифларни қўринг, йўқсилларни бойлар зулмига ташламанг. Адолат ва озодлик дастурингиз, раҳбарингиз ўлсун. Мен каби узун салтанат сурмоқ истасангиз, қиличингизни яхши ўйлаб чекингиз. Бир дафъа чеккандан сўнгра-да уни усталик-ла қўллангиз. Орангизга нифоқ тухумлари экилмаслиги учун кўп диққат қилинг. Баъзи нодимларингиз ва душманларингиз нифоқ тухумлари сочмоққа, бундан фойдаланмоққа чалишажакдурлар. Фақат васиятимда сизга идора шаклини, унинг илкуларини кўрсатдим»<sup>2</sup>.

Буюк Соҳибқирон мафкурасининг асосий моҳиятини

---

<sup>1</sup> Темур тузуклари. 57–58-бетлар.

<sup>2</sup> Амир Темур ўғитлари. Тошкент, 1992, 61-бет.

ташкил этган — «миллат дардига дармон» бўлишга чақирғи ҳозирги кунда ҳам сув билан ҳаводек зарур даъватдир.

Умумий хулоса шуки, Амир Темур давлатининг мафкураси сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаёт ғоялари ва амалий ишларнинг бир-бирига чагишиб ва қоришиб кетиши орқасида юзага келган йўналтирувчи куч ҳисобланади. У жамият руҳининг режа ва мақсадларини, мустақиллик ва тараққиётни ифода этиб буюк ўзгаришларни юзага келтирди.

Биз таҳлил қилаётган давр мафкурасининг кучқудрати ва самарадорлиги шундан иборатки, унинг заминида жамиятнинг барча тоифалари энг олий фазилатларни ўзида мужассамлаштирди, машҳур давлат арбоби ва лашкарбоши Амир Темур атрофига метиндек бирлашиб, она юрт манфаатлари учун жонларини ҳам, молларини ҳам фидо қилди.

---

---

## АМИР ТЕМУР ҲАРБИЙ ЮРИШЛАРИНИНГ САБАБ ВА ОҚИБАТЛАРИ

Ҳеч кимга сир эмаски, Соҳибқирон турли мамлакатларга ҳарбий юришлар уюштирган. Ўтмишда муаллифлар мана шу ҳарбий юришларни рўкач қилиб, Соҳибқироннинг фаолиятига салбий баҳо беришга қаттиқ уринишган. Бундай ҳол, айниқса, шўро даврида авжига минди. Афсуски, айрим кимсалар ўша нотўғри қарашларни шу кунларда ҳам қувватлашга интилоқда. Шу боис ушбу тадқиқотда ҳарбий юришларнинг моҳияти ва йўналишини ёритиш ҳамда ҳақиқатни аниқлаш мақсад қилиб қўйилди.

Авваламбор шуни айтиш лозимки, Соҳибқирон томонидан олиб борилган ҳарбий юришлар ўша лаврдаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазият тақозосига кўра юзага келиб, сабаблари қуйидагилардан иборат эди.

Биринчидан, XIII аср бошлари — XIV аср 60-йилларида мўғулларнинг тажовузлари, сўнгра ҳукмронлиги вақтида инсоният бошига мисли кўрилмаган офат ва талафот ёғдирилиб, юз минглаб кишилар қириб ташланди, жароҳатланди ва асирликка олинди. Фан ва маданиятга қаттиқ зарба берилиб, моддий ва маънавий бойликлар аёвсиз таланди. XIII асрда яшаган йирик тарихчи Рашидиддиннинг ёзишича, жаҳон аҳли ҳеч қачон мўғулларнинг тажовузлари вақтидагидек вайронагарчиликка учрамаган. Улар шаҳарларни босиб олганларидан кейин битта ҳам тирик жонни қолдирмасликка ҳаракат қилган. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бундай даҳшатли фожиалар Туркистон, Эрон, Озарбайжон, Балх, Ҳирот, Бағдод, Рус князликлари ва бошқа кўп жойларда содир бўлди. Харобага айлантирилган шаҳар ва қишлоқлар узок йиллар мобайнида қандай бўлса, шундай ётаверган. Рашидиддиннинг кўрсатишича, мўғуллар томонидан

вайронага айлантирилган жойларнинг ўндан икки қисмигина тикланган, холос<sup>1</sup>.

Мўғул босқинчиларининг тажовузлари ва ҳукмронлигининг нақадар даҳшатли бўлганини ўрта аср муаллифи Ибн ал-Асир ҳам уқтириб ўтган эди: «Куну тунларда мисли кўрилмаган ва ҳаммаёқни, хусусан, мусулмонлар яратган бойликларни қамраб олган гоят катта бир фалокат бўлди. Агар биров, ҳамма нарсага қудрати етувчи ва ҳар нарсанинг устидан турувчи Оллоҳ одамни яратгандан буён дунё шу маҳалгача ҳеч бундай нарсани кўрмаган, деса ҳақ гапни айтган бўларди: дарҳақиқат, йилномаларда бунга ўхшаш ва унга тенг келадиган бундай зўр фалокат бўлмаган. Уларда тасвирланган воқеалар ичида Навуходоносорнинг исроилийларни калтаклаш ва Қуддусни вайрон қилиш бобидаги қилмиши энг даҳшатлисидир. Бироқ бу лаънатилар (мўғуллар) вайрон- талон қилиб ташлаган мамлакатлар олдида Қуддус нима бўлибди? Бу мамлакатлардаги ҳар бир шаҳар Қуддусга икки баробар келади! Мўғуллар қириб ташлаган одамларга қараганда исроилийлар нима бўлибди? Ахир, айрим битта шаҳарда мўғуллар калтаклаган аҳоли барча исроилийлардан кўп бўлган... Улар ҳеч кимни аямади; аёлларни, эркакларни, гўдакларни дўппослай берди. Ҳомиладорларнинг қорнини ёриб болаларини ўлдирди... Шундай бир ҳодиса бўлдики, унинг учқунлари ҳар томонга сочилиб кетди ва балоси ҳамманинг бошига тушди; у шамол қувган булутдек ҳаммаёқни босиб олди»<sup>2</sup>.

Ҳақиқатан ҳам, мўғуллар тажовузи ва ҳукмронлиги жаҳоннинг кўп жойларини қамраб олган эди. Айрим маълумотларга кўра, мўғуллар томонидан Самарқандда 100000, Нишопурда 160000, Бағдодда 800000, Балхда 200000, Сабзаворда 70000 кишининг ёстиғи қуритилган. Шунингдек, Ўтрор, Урганч, Термиз, Нисо, Ҳамадон, Рай, Мароға, Ардабил, Тус, Қазвин, Бухоро, Хўжанд,

<sup>1</sup> Рашид ал-Дин. Сборник летописей. Т. III. М.—Л., 1946, 309-бет.

<sup>2</sup> Б. Д. Греков, А. Ю. Якубовский. Олтин Ўрда ва унинг қулаши. Т., 1956, 46-бет.

Тошкент ва бошқа жойларнинг аҳолисига ҳам қирон келтирилган эди. Ҳиротдек катта шаҳарда 40 киши фавқулодда тирик қолган экан, холос. Асирликка олинган минглаб кишилар мўғул аскарларининг олдинги қаторига қалқон сифатида тизилгани сабаб биринчи ўқлар уларга тегиб ҳалок қилган. Ёки ватан ҳимоячилари ўз одамларига ўқ узишни лозим кўрмай таслим бўлишга мажбур бўлганлар. Мўғуллар кўп мамлакатларни эгаллаб, адолатсизлик ва зулмни давом эттирди. Чингизхоннинг Чигатой, Жўчи ва Ҳулогу сингари ворисларидан ташкил топган сулолалар Хитой, Туркистон, Сибирь, Волга ва Урал бўйлари, рус князликларида ўз ҳукмронлигини ўрнатди. Улар Эрон, Афғонистон, Жанубий ва Шимолий Озарбайжон, Арманистон, юқори ва қуйи Месопотамия, Кичик Осиёнинг шарқий қисмини эгаллади. Грузия, Трабзон подшоҳлиги, Кипр, Кичик Осиёдаги Салжук давлати ярим вассал сифатида мўғулларга бўйсунди. Мўғуллар Польша ва Венгрияга ҳам бостириб кирди. Улар ҳатто Адриатика денгизи қирғоқларигача борди. Умумлаштириб айтганда, биргина Ҳулогу сулоласи Амударёдан деярли Ўрта денгизгача, Кавказдан Ҳинд океанигача чўзилган катта ерларни эгаллаб олди.

Кўриниб турибдики, мўғуллар бутун Шарқ ва Европани ваҳима ва ларзага солиб, дини ва миллатидан қатъи назар, кўп халқларни бўйсундирди. Шуни айтиш лозимки, улар босиб олган мамлакатларда дастлаб уларнинг тажовузлари, сўнгра ҳукмронлигига қарши озодлик курашлари олиб борилди. Бироқ уларни бошқариш ва ғалабани таъминлашга қодир забардаст раҳбар бўлмагани оқибатида душманни тамомила тор-мор қилишга эришилмаган. Бундай ўта моҳир лашкарбоши, чинакам давлат арбоби XIV асрнинг 60 йилларида Амир Темур сиймосида намоён бўлди. У мўғулларнинг Туркистон заминидаги 150 йиллик зулмига қарши кураш таянчига айланди.

Соҳибқирон, авваламбор, Туркистонни озод этиб, мустақил давлат ташкил қилди. «Мовароуннаҳрда, — деб ёзганди у, — мўғулларнинг жабру зулми ортиб кетди. Мўғуллар устидан ғалаба қилдим ва мазлумларни золим-



лар жабридан озод қилдим»<sup>1</sup>. Аммо мўғулларга қарши кураш ҳали ниҳоясига етмай улар Туркистонни қайтадан қўлга киритиш имконига эга эди. Шу боис Соҳибқирон амалда Олтин Ўрдага тобе бўлган Хоразмга, Етгисув ва Шарқий Туркистонни ўз ичига олган Мўғулистонга ҳарбий юриш уюштириб, уларни бир давлатга бирлаштирди. Бу билан Соҳибқирон мўғулларнинг Ўрта Осиёдаги ҳукмронлигини қўприб ташлашга муваффақ бўлди. Аммо Олтин Ўрда давлати Амир Темур қўл остидаги ерларда мўғулларнинг ҳукмронлигини тиклаш учун курашни бошлаб юборди. Чунончи, Олтин Ўрда хони Ўрусхон (1361–1376) «жангта жой ҳозирлаш»ни Соҳибқирондан талаб этди<sup>2</sup>. Бундай қўпол муносабатга жавобан Соҳибқирон ҳарбий юриш уюштириб, Ўрусхонни мағлубиятга учратди.

Бу билан ўзининг куч-қудратини йўқотмаган Олтин Ўрда Амир Темурга нисбатан душманликдан воз кечмади. Соҳибқироннинг ёрдами билан Олтин Ўрда тахтини эгаллаган, лекин хоинлик йўлига кирган Тўхтамишхон Туркистон ва Эронга қарашли ерларга ҳарбий юриш уюштириб, уларни босиб олишда ҳеч нарсадан тоймади. Бундан ғазабланган Амир Темур уч маротаба Олтин Ўрдага лашкар тортиб, душманни қақшатқич зарбага учратиб, бўйсундирди. Амир Темурнинг Олтин Ўрдадаги ғалабасининг акс садоси Кавказга ҳам тарқалиб, бу ердаги давлатларни ташвишга солиб қўйди. Улар Соҳибқиронга нисбатан душман кўзи билан қарай бошлади. Аини пайтда XIV асрнинг тўртинчи чорагида бирмунча кучайган грузин давлати Шимолий Озарбайжоннинг Ганжа ва Шеки каби жойларини босиб олиб, мусулмонларга нисбатан хавф туғдирди. Шунинг учун Соҳибқирон уни бўйсундириш ва хавф-хатарни бартараф қилишни лозим топди.

Эронга уюштирилган ҳарбий юришларга келганда, шуни айтиш лозимки, 1336 йилда мўғуллар ҳукмронлигига барҳам берилиб, Кермон ва Язда сарбадорлар

<sup>1</sup> Темур тузуклари. 20-бет.

<sup>2</sup> Низомийдин Шомий. Зафарнома. 104-бет.

ҳукмронлиги ўрнатилди. Аммо кейин мамлакат бир неча бўлакка парчаланиб, гоёда оғир вазият юзага келди. Эрон ерларида ўндан ортиқ мустақил ва кичик давлатлар юзага келиб, кўп жойларда ҳамон мўғуллар ҳукмронлиги давом этмоқда эди. Уларнинг орасида яққаҳоқимлик учун курашлар қизгин тус олди. Ўрта аср тарихчисининг кўрсатишича, Эронда «вилоят билан вилоят, қишлоқ билан қишлоқ ўртасидаги душманчилик ва курашлар то Амир Темур уларни тинчитмагунча ва исён оловини ўчирмагунча бартараф қилинмади»<sup>1</sup>. Бу вақтларда Эроннинг талай қисмида музаффарийлар сулоласи ҳокимиятни бошқариб, адолатсизлик ва зулм авжига минган эди. Бу хусусда Низомиддин Шомий шундай ёзган: «Муҳаммад Музаффарнинг авлоди ва набиралари у мамлакатни эгаллаб, ҳар бири бирон шаҳар ва мавзеда ўз номига... хутба ўқитган. «Яқин қариндошлар бир-бирларига чаёндекдирлар» (деган мақол тимсолида) бир-бирларининг қони, номуси ва мол-мулкига тажовуз қилиб келаётган эди. Шу боис барча раиятлар доим турли ҳодисалар остида эзилиб, хорлик ва ранжу машаққат жабрини тортиб, фуқаро ҳолига беқарорлигу алғовдалғовлик йўл топган, мамлакат ишлари ўз тартибу интизомидан чиқиб кетган эди. Мамлакатнинг ҳамма катта-кичиклари Амир Соҳибқирон ҳузурига йиғилди. Раият ва мамлакат аҳолиси (музаффарийларнинг) зўравонликлари, халққа етказган жабру зулмлари ҳақида арз қилиб дедилар: «Агар Амир Соҳибқирон яна бир бор мамлакат жировини уларнинг қўлига берсалар, уларнинг зўравонлик ва жабру ситам қўлини халқ устидан даф қилмасалар, бутун аҳоли хорлик майдонида оёқ остида қолиб, ҳалок бўлғусидир»<sup>2</sup>.

Демак, эронликларнинг ўзлари Соҳибқиронни ҳокимиятни эгаллашга даъват этган. Бу борада музаффарийлар сулоласининг айрим вакилларининг рақибларга қарши ёрдам сўраб Соҳибқиронга мурожаат қилганини ҳам

---

<sup>1</sup> И. И. Петрушевский. Земледелие и аграрные отношения в Иране XIII–XIV веков. М. – Л., 1960, 65-бет.

<sup>2</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома. 179–180-бетлар.

кўрсатиб ўтиш ўринлидир. Масалан, сарбадорлар давлатининг ҳукмдорларидан бири «Хожа Али Муайяд, – дейди Шарафуддин Али Яздий, – ўзининг ҳукмронлиги даврида улуғ амир, буюк Соҳибқирон Темур жаноблари билан ҳамжиҳат ва садоқатли бўлди; унга дўст ва хушмуомалада бўлди. Улуғ Амир Темурдан ёрдам, мадад сўради ва Тоту номли кишисини Самарқандга Соҳибқирон ҳузурига юборди. Тўрт ойдан сўнг Буюк Соҳибқирон Амир Темур Хуросонга лашкар тортди. Хожа Али Муайяд Сарахста улуғ Амир Темурнинг истиқболига борди, султонлик марҳаматига мушарраф бўлди... ва Хуросон мамлакатини Амир Темурнинг тасарруфига топширди. Ўзи Соҳибқироннинг мулозаматига машғул бўлди... Хожа Али Муайяднинг вафотидан сўнг салтанат сарбадорларнинг кўлидан кетди ва Хуросон мамлакати Соҳибқирон Темурнинг мулкига айланди»<sup>1</sup>. Бироқ Амир Темурга Эрондаги барча жойлар ихтиёрий равишда бўйсунди, дейилса, хатога йўл қўйилади. Эроннинг катта қисмида унинг ҳукмронлигига бир қатор шаҳар ва қалъалар қаршилик кўрсатди. Улар жанг билан қўлга киритилиб, мўғулларнинг бўлажак хавфидан холи қилинди. Соҳибқирон «ўтгуз беш ёшида салтанат тахтига ўлтурди ва мақоми аслини пойтахт қилди ва ўтгуз олти йил юруб, оламни мусаххар қилди. Чигатойхоннинг улусини ва Хулогухоннинг улусини ва ўзга улуғ мамлакатларни мусаххар қилди»<sup>2</sup>.

Соҳибқирон, олдинги саҳифаларда қайд қилинганидек, Мўғулистон, Олтин Ўрда ва бошқа жойларда ҳам мўғулларнинг ҳукмронлигига қақшатқич зарба берган эди. Демак, Соҳибқирон ҳарбий юришларининг сиёсий жиҳати Туркистон ва бошқа қатор минтақаларда мўғулларга қарши курашдан иборат бўлган.

Иккинчидан, иқтисодий ва маънавий омишлар ҳам ҳарбий юришларнинг моҳияти ва йўналишини акс эттирган. Маълумки, қадимдан ички ва ташқи савдони ривожлантириш тараққиётни ва фаровон ҳаётни таъмин-

<sup>1</sup> Б. Аҳмедов. Давлатшоҳ Самарқандий. Т., 1967, 45–46-бетлар.

<sup>2</sup> Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. Т., 1997, 308-бет.

лашда муҳим ўрин эгаллаган. Аммо ҳамма вақт карвон йўлларида шароитни яхшилаш ва хавфсизликни сақлашнинг иложи бўлавермаган. Бу эса у ёки бу мамлакат ҳаётига салбий таъсир этиб, жамоа аҳлининг турмушини оғирлаштирган. Бундай ҳолат мўғулларнинг ҳукмронлиги даврида тахт учун ўзаро курашлар ва қароқчиларнинг талон-торожида кўзга ташланди.

Соҳибқирон бу ҳолатни бартараф этиш мақсадида халқаро карвон йўлларини назорат остига олиш ва савдо-сотик самарадорлигини таъминлаш учун курашди. У Эрон, Ҳиндистон, Туркия, араб мамлакатлари, Каспий – Волга бўйлари орқали ўтадиган карвон йўлларини эгаллашни тарихий зарурият деб билди. Қадимий «Ипак йўли»га жон киргизди. Бу Туркистоннинггина эмас, балки бошқа қатор мамлакатларнинг ҳам манфаатини таъминлашда ҳаво билан сувдек зарур эди.

Соҳибқироннинг карвон йўлларида хавфсизликни таъминлашга қаратилган чораларидан бири қароқчилик билан шуғулланаётган Қора Юсуфга қарши курашда ўз ифодасини топди. «Бир қанча муддатдан буён мамлакат ўртасида бузуқчилик қўлини чўзиб, мусулмонларга йўлларни танг қилиб, ҳожилар карвонларига зарар-заҳмат етказиб келган Қора Юсуф бу пайтда Рум мамлакатига паноҳ тортиб борган эди... Қора Юсуф қароқчи ва йўл кесардир, унинг фитнаю фасолидан мусулмонлар шаҳарларига етган зарар атрофдаги бегоналарникидан кўра ортиқдир»<sup>1</sup>. Соҳибқирон элчилар орқали Рум, яъни Туркия султони Боязиддан қароқчини топишни сўради. Бироқ рад жавобини олди. «Шунинг учун, – деб ёзади Низомиддин Шомий, – Амир Соҳибқирон ўз ҳумоюн вақтини уларнинг шаррини даф этишга сарфлаб, Рум томонига юришга жазм қилди»<sup>2</sup>.

Умуман, қадимги ва ўрта асрларда йирик ҳукмдорларнинг ҳарбий юришларида карвон йўлларини эгаллаш асосий вазифалардан бири ҳисобланган. Бу Амир Темурнинг фаолиятида ҳам яққол кўзга ташланди. У Шарқ

---

<sup>1</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома, 322–323-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша манба. 322-бет.

билан Европани боғловчи карвон йўлларини қўлга кири-тиб, зарур шарт-шароитни тула яратишга эришди. «Буюр-димки, — дейди Соҳибқирон, — йўл устига кузатувчилар, зобитлар тайинласинларки, йўлларни қўриқлаб, ўткин-чилар, савдогарлар, мусофирларни кузатиб, мол-мулки ва бошқа нарсаларини манзилдан-манзилга етказиб қўй-синлар. Йўл устида бирортасининг нарсаси йўқолса, ўзи ўлдирилса ёки бошқа қор-қол юз берса, булар учун жавоб бериш уларнинг зиммасида бўлсин... Атрофдан кирган-чиққан мол-мулк, четдан кирган ва четга чиққан ёт кишилар, ҳар мамлакатдан келган карвонлар ва ҳукм-дорлик ҳақидаги хабарлар, қўшни подшолар, уларнинг гаплари, ишлари ва узоқ ўлкалардан бўлиб, менинг даргоҳимга юзланган уламо, фузало ҳақидаги батафсил хабарларни ростлик-тўғрилиқ билан менга ёзиб тур-синлар»<sup>1</sup>.

Бинобарин, Соҳибқирон ички ва ташқи алоқаларга алоҳида аҳамият бериб, уларни қаттиқ назорат остига олган. Ҳатто ҳақиқий аҳволни бузиб хабар берувчиларнинг «ёзган бармоқлари кесилсин», деган фармон чиқарилган эди. Бундай мақсад алоқа йўлларида адолатсизлик, зулм ва бошқа тартибсизликларни қўпориб ташлашдан иборат бўлган. Соҳибқирон яна шундай деган: «Ҳар мамлакат ва диёр саёҳатчиларию мусофирларининг бошини сила-димки, турли мамлакатлардан менга хабар келтириб турдилар. Ҳар бир мамлакатга ва диёрга савдогарлар ва карвонбошилар тайинладимки, улар қаерга боришмасин: Хитой, Хутан, Чину Мочин, Ҳиндистон, араб мамлакат-лари, Миср, Шом, Рум, Жазоир, Фарангистон, у ерлар-нинг нафис матолари ва муносиб туҳфаларидан келти-ришсин... сармояси қўлидан кетиб қолган савдогарга ўз сармоясини қайтадан тиклаб олиши учун хазинадан етарли миқдорда олтин берилсин»<sup>2</sup>. Карвон йўлларида ва барча савдо аҳли учун шу даражада қулай ва хавф-хатарсиз шароит яратилдики, олдин ҳам айтиб ўтилганидек, агар Самарқанддан бирорта одам бошига тилла тўлдирилган

---

<sup>1</sup> Темур тузуклари, 94–95-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша манба. 58-бет.

кўзани кўйиб бутун салтанатни айланса, ҳеч қандай тўсиқ ва талафот кўрмай қайтган.

Мўғуллар ва уларнинг ҳукмрон вакиллари ислом динини қабул қилган бўлса-да, уларнинг орасида бутпарастлик ҳамон зимдан сақланмоқда эди. «Темурнома»да ёзилишича, мўғулларнинг ҳукмдорларидан бири кўп дин пешволарини ўлдириб, мактаб ва мадрасаларни харобага айлантирган<sup>1</sup>. «Мовароуннаҳрда, — деб ёзганди Соҳибқирон, мўғулларнинг жабр-зулми ортиб кетди. Чунончи, саййид ва саййидзодалардан етмиш кишини асир олиб банд этдилар»<sup>2</sup>. Мўғуллар туб аҳоли билан муроса қилиш учунгина ислом динини қабул қилган эди. Тўғри, уларнинг ҳукмдорлари орасида айрим султонлар ислом динига чинакам берилди. Бироқ бундай ҳолат мўғуллар жамоаси орасида оммавий равишда чуқур илдиз отмади. Улар ичида «чала муслмон»лар оз эмас эди. Шу боис Соҳибқирон Туркистонда ва умуман бўйсундирилган мамлакатларда ҳам ислом динининг равнақи учун мардонавор курашди. Бу хусусда у шундай ёзади: «Ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақолар қуришни... буюрдим. Муслмонларга диний масалалардан таълим бериб, шариат ақидалари ва ислом дини илмлари: тафсир, ҳадис, фикҳдан дарс берсинлар деб, ҳар бир шаҳарга олимлар ва мударрислар тайин қилдим... Шу тариқа ислом динини ривожлантириб, шариатни муслмон мамлакатларига ёйдим. Исломи динини ёйиб, унга равнақ берганим ҳақидаги овоза каттаю кичик аҳли мўминнинг қулоғига етгандан кейин, ислом олимлари: «Тангри таоло ҳар юз йилда Муҳаммад, унга Тангрининг марҳаматлари ва саломлари бўлсин, динига ривож бериш ва янгилаш учун бир кишини ислом динининг ёювчиси ва янгилувчиси сифатида ихтиёр этади. Бу саккизинчи юз йилликда (яъни, XIV асрда — Ҳ.З.) Амир соҳибқирон ислом динини жаҳон аҳлига тарқатди. Шунинг учун бу юз йилликда Муҳаммад динининг янгилувчиси шу киши бўлғай», — деб фатво бердилар»<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Темурнома. Т., 1991, 106-бет.

<sup>2</sup> Темур тузуклари. 20-бет.

<sup>3</sup> Ўша манба, 58-бет.

Шунингдек, Соҳибқирон салтанатнинг у ёки бу жойида машҳур дин пешволарининг харобага айланган қабрига ҳашаматли ёдгорликлар қурдириб, хотирасини абадийлаштирди. Диннинг муҳим масалалари бўйича баҳслар, суҳбат ва тарғибот ишларини уюштирди. Буларда шахсан ўзи ҳам бевосита қатнашиб турди. Ҳатто қўшнилар учун махсус қози лавозими жорий қилиниб, ислом динининг қоида ва тартиблари ватан ҳимоячиларининг онгига янада чуқур сингдирилди. Бу уларнинг она юртига содиқлиги ва жанговарлигини мустаҳкамлади.

Хулоса қиладиган бўлсак, инсон дунёга келгандан буён шу кунгача урушлар ҳамон давом этмоқда. Тарих саҳифалари варақланса, Шарқда ва умуман дунёда уруш гирдобига тортилмаган ва катта талафотларни кўрмаган мамлакатни топиш амримаҳол. Одатда, урушлар адолатли ва адолатсиз бўлади. Биринчиси, у ёки бу давлат ва халқнинг босқинчиларга қарши курашиб, мустақиллик ва озодликни тиклашидан иборатдир. Адолатсиз урушлар эса мустамлакачилик ва улуғ миллатчилик руҳидаги ҳукмдорлар томонидан уюштирилган. Масалан, Аҳамонийлар, македониялик Александр, халифалик, мўғуллар, чоризм ва шўролар давлатининг тажовузлари шулар жумласидандир. Ватанимизда уларнинг ҳукмронлиги умумлаштирилганда 850 йилдан ошади.

Ўзбек халқи бу мисли кўрилмаган азоб-уқубат, зулм ва талафотларга тўлиб-тошган даврларда босқинчиларга қарши қаҳрамонона курашди. Уларнинг орасида буюк Амир Темур бошчилигида олиб борилган озодлик курашлари алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг ички ва ташқи сиёсати адолатга асосланган бўлиб, нафақат она юртининг, балки бошқа мамлакатлар халқларининг манфаати учун ҳам тинимсиз курашди. Юқорида зикр этилганидек, Чингизхон ва унинг ворислари кўп мамлакатларни эгаллаб, Шарқ ва Европанинг қатор халқларини ваҳшийларча қирди, бойликларини талади ва қул каби ишлатди. Уларнинг зулми шу даражада авжига миндики, мазкур қилмишлар «ўрта аср фашизми» деб баҳоланса, асло муболага бўлмайди. Шу тариқа мўғуллар, XX асрдаги

фашистлар каби, умуминсоният ва тараққиёт душманига айланди. Шунинг учун, мўғулларга қаерда бўлмасин зарба бериш замон талаби эди. Барча мазлум халқларнинг манфаатини таъминловчи бу талабни амалга ошириш, Аллоҳнинг марҳамати ила Соҳибқироннинг зиммасига тушди. У, авваламбор, Туркистон заминида қудратли давлат бунёд қилиб, уни бўлажак хавф-хатар ва талон-торождардан сақлаш учун курашди. Бунга эришмоқ учун қатор хорижий мамлакатларга ҳарбий юришлар уюштиришни, яъни мўғулларга ва бошқа душманларга зарба беришни мақсад қилиб қўйди. Салтанатнинг куч-қудрати ва хавфсизлигини таъминлаш учун нимаики зарур бўлса, барчасини изчиллик билан амалга оширди. Кўп мамлакат ва халқларнинг Соҳибқирон асос солган ягона ва қудратли давлат қўл остига бирлаштирилиши уларнинг ҳаётига ижобий таъсир кўрсатиб, хавфсизлигини таъминлади. Салтанатга қарашли ерларда иқтисодий ва маданий алоқалар ривожланди. Ислоҳ динининг равнақи учун шароит яратилди. Соҳибқирон озодлик ва тараққиёт рамзи сифатида танилиб, адолатга асосланган ҳарбий юришларни амалга оширди. Бундан мақсад тинчлик, барқарорлик, дин ва тараққиёт душманларига уларнинг маконида зарба беришдан иборат эди. Акс ҳолда уларнинг бостириб келиши турган гап эди.

Ички ва ташқи савдонинг ривожланиши ҳам катта аҳамият касб этди. Бунда халқаро карвон йўллари хавфсизлигининг таъминланиши муҳим ўрин эгаллади. Фиёсиддин Али кўрсатишича, Соҳибқироннинг беқиёс катта хизматларидан бири қуйидагиларни ўз ичига олган: илгарилари салтанатнинг барча вилоятларидаги йўлларда савдогарлар ва бошқа йўловчиларни талаш, яъни ўғирлик, босқинчилик авжига чиқиб, жуда оғир аҳвол ҳукм сурарди. Эндиликда адолат, тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши натижасида ҳар бир киши ўзининг олтини ва бошқа бойликлари билан хоҳлаган жойида бемалол ўтириш имконига эга бўлди. Карвон йўлларида шундай яхши шароит ва тартиб ўрнатилдики, улар билан фахрланишга барча асослар мавжуд. Соҳибқирон ўрнат-



ган адолат ва барқарорлик барча мамлакатлар учун абадулабад намуна бўлиб қолиши муқаррар<sup>1</sup>.

Соҳибқироннинг ҳарбий юришлари сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий сабабларни ўзида мужассамлаштирган. Улар мустақиллик ва тинчилик ғоялари билан суғорилган бўлиб, она юрт ва бошқа мамлакатларни мўғуллар ҳукмронлиги ҳамда зулмидан озод қилишга йўналтирилган эди. Бошқача айтганда, ҳарбий юришлар тарихий зарурият маҳсули сифатида намоён бўлган. Биламизки, ҳарбий юришлар жараёнида кўп одамлар ҳалок бўлиб, аҳоли турар жойлари бузилган. Бироқ олий мақсадни амалга оширишнинг бундан бошқа йўли йўқ эди. Зеро, давлат аҳамиятига молик масалаларни ҳамма вақт дипломатия йўли билан ҳал этишнинг иложи бўлавермаган. Фақат қурол ва жанг воситаси билангина мақсадга эришилган. Шу боис Соҳибқирон ўзининг жаҳон аҳамиятига молик сиёсатини ҳарбий юришлар орқали ҳам амалга оширишга мажбур бўлган. Акс ҳолда мўғуллар ҳамда янгидан шаклланган бошқа рақиблар мустақиллик ва озодликни барбод қилиши аниқ эди.

Демак, буюк Амир Темурнинг адолатли ҳарбий юришларининг мағзини чақмай, унинг шаънига доғ туширишга уриниш тарихни сохталаштиришдан бўлак нарса эмас.

---

<sup>1</sup> Гийасаддин Али. Дневник похода Тимура ва Индию. В сб. «Тамерлан». М., 1992, 202–203-бетлар.

---

---

**АМИР ТЕМУР ТОМОНИДАН ҚУРЪОНИ КАРИМ  
АСЛ НУСХАСИНИНГ КЕЛТИРИЛИШИ**

Маълумки, Муҳаммад Мустафо саллаллоху алайҳи васаллам ҳаётликлари чоғида саводли кишилар озчиликни ташкил этгани туфайли оятлар ёдланган. Пайгамбар атрофидаги айрим саводли кишиларгина оятларни ёзиб борганлар. Халифа Абу Бакр Сиддиқ (632—634) даврида пайгамбар ҳадисларини тўплашга киришилган.

Халифа Усмон (644—656) ҳукмдорлик қилган йилларда мавжуд барча оятлар тўпламлари таққосланиб ва жамланиб 6 нусхада ягона бир Қуръон битилган.

XX аср бошларидаги маълумотларга кўра, ўтмиш замонларда уларнинг учтаси Макка ва Мадинада, икитаси Мисрда, биттаси Туркияда сақланган. Бу ердигиси, яъни Истанбулдагисини 1912 йилда ҳажга борган ўзбеклар Ая-Сўфия масжидида кўриб, унинг ҳозирда Тошкентда сақланаётган Қуръони каримга жуда ўхшашлигини баён этганлар. Демак, у Туркиядан мамлакатимизга келтирилган деган фикр юзага келади.

Бироқ унинг Туркиядан олиб келинганлиги ҳақида ҳар хил фикрлар мавжуд. Бу ҳақда 1870 йилда «Голос» газетасида шундай ёзилган: «Салкам 400 йил илгари нақшбандия тариқатининг пири Хўжа Аҳрорнинг муридларидан бири ҳаждан қайтаётиб Румда, яъни Константинополда (Истанбулда) тўхтади. Бу вақтда Туркия султони жуда оғир дардга чалинган экан. Хўжа Аҳрорнинг муриди уни дарддан фориғ этади. Султон, агар шифо топсам, табиб нима талаб қилса, шуни сўзсиз бажараман, деб онт ичган экан. Мурид уни даволаб, Қуръони каримнинг асл нусхасини беришни сўрабди. Ноилож қолган султон вазири ва бошқа аъёнлари билан

маслаҳатлашиб, Қуръонни муридга беришга мажбур бўлибди. Мурид уни дарҳол Хўжа Аҳрорга юборибди».

Қуръони карим шу тариқа Самарқанддаги Хўжа Аҳрор масжидидан жой олган экан. Аммо бу маълумот афсонага ўхшайди. Бундан ташқари, унинг бегона мамлакатга юборилиши Туркия аҳолисининг нафратини уйғотиб, султоннинг обрўйига ва мавқеига зиён келтириши турган гап эди. Султон буни инобатга олмаслигининг иложи йўқ эди.

Мен ўз мақоламда («Шарқ юлдузи», 1991, 1-сон) Амир Темур Туркия султони Боязидни енгандан кейин унинг саройидан Қуръони каримни Самарқандга олиб келганлигини уқтириб ўтган эдим. Эндиликда бу фикримдан қайтишимга тўғри келади. Чунки яқинда Қўлимга тушган бир маълумот шуни тақозо этади.

XIII асрда Волга бўйларида ташкил топган ва ривожланган қудратли Олтин Ўрда давлатининг мўғул ҳукмдорлари бирин-кетин ислом динини қабул қилганлар. Улар вақт ўтиши билан турклашиб, ислом динини ривожлантириб бордилар. Улардан биринчи бўлиб Берка (1257–1266) ислом динини қабул қилган эди. Ҳатто у Бухорода бўлиб, таниқли дин пешволари билан суҳбатлашган. Беркахон ҳукмдорлик қилган вақтдан бошлаб, ислом динининг ривожланиши айрим хорижий мамлакатларнинг диққатини жалб этди. Хусусан, Олтин Ўрда давлати ташкил топган минтақадан Мисрга бориб ҳокимиятни қўлга олган қипчоқлар (мамлуклар) ўз она юртларида ислом динининг камол топишини зўр қизиқиш ва мамнуният билан қарши олдидар. Натижада Беркахон билан Миср подшоҳи Байбарс ўртасида элчилик ва дўстлик алоқалари шаклланди. Мазмунан, мамлуклар ўзларининг ватанларини кўмсаб, унинг равнақи учун имкони борича ёрдам бериш мақсадида Олтин Ўрда билан яқинлашиш сиёсатини юргизган. Бу ҳақда Байбарснинг элчи орқали Беркахонга юборган совғалари ҳам далолат беради. Булар қуйидагилардан ташкил топган эди: «Халифа Усмон кўрсатмасига кўра жамланган муқаддас Қуръон; ранг-баранг ёстиқлар; масжид гиламлари; Венеция матолари ва Ливан либослари; теридан илгичли қилиб

ишланган ва хом теридан қилинган гиламлар; нақшли калжур қиличлар; олтин суви берилган гурзилар; франк дубулгалари ва олтин суви берилган совутлар, ёпик фонуслар; катта шамдонлар; ...мойчиноқ; Хоразм эгарлари; жойнамошлар; юганчалар — буларнинг ҳаммасига олтин ва кумушдан нақш чекилган; ҳалқали ёйлар; тош ёйлар; нефть солиб отадиган ёйлар; қамиш ва ёғоч найзалар; қутиларга солинган ёй ўқлари; қозонлар; олтин ва кумуш занжирли ис чиноқлар; қоратанли малайлар ва оқсоч ошпазлар; чавандоз араб отлари ва Нубия туялари; тезюрар уй ҳайвонлари; маймунлар; тўтиқушлар ва бошқа ҳар турли буюмлар бор эди. Шунингдек, жирафа, Миср эшаклари, Хитой қўралари, Искандария кийимлари ҳам совғага қўшиб юборилган»<sup>1</sup>.

Кўриниб турибдики, Миср подшоҳи қандай бўлмасин, Беркахонни ўзига жалб этиш учун ниҳоятда қимматли ва нодир нарсаларни юборган. Ҳатто Қуръони каримнинг асл нусхасини ҳам аямаган. Мана, ўша вақтдан буён кўп асрлар ўтди, лекин унинг қаердалиги ҳақида ҳеч гап йўқ. Менинг фикримча, Амир Темур Тўхтамишни мағлубиятга учратиб, пойтахтни эгаллагандан кейин, ўша Қуръонни қўлга киритиб, Самарқандга олиб келган. Бунга далолат шундан иборатки, Соҳибқирон Қуръони каримни Мисрдан ҳам, Туркиядан ҳам олмаган. Шу боисдан ҳам Қуръон бу ерларда ҳамон сақланмоқда.

Ҳозирда унинг 6 нусхасидан 5 таси мавжуд, биттаси эса Мадинада масжидга ўт тушганда куйган экан. Қуръонни сонига қараб ҳисоблаганда ҳам Амир Темур уни Олтин Ўрдадан олгани маълум бўлади. Зеро, унинг иккитаси Мадина ва Маккада, иккитаси Миср ва Туркиядадир. Бешинчиси бизнинг юртимизда сақланмоқда. Демак, бу маълумотлар Қуръони карим Олтин Ўрдадан олингани ҳақида далолат беради. XX аср бошларидаги текширувга кўра, кийик терисига ёзилган Қуръони каримнинг умумий ҳажми 68×53 ҳисобланиб, 353

---

<sup>1</sup> Б. Д. Греков, А. Ю. Якубовский. Олтин Ўрда ва унинг қулаши. Тошкент, 1956, 68–69-бетлар.

варақни ўз ичига олган. Бу варақларнинг ялтироқ ва сарғиш рангдаги юз томони яхши сақланиб, уларнинг орқа бети бирмунча гижимланганроқ, сийқаланган кўринишда бўлган.

Қуръони каримнинг саҳифалари нам тортиши орқасида бирмунча шикастланган ва уларда қон доғлари бор эди. Унинг йиртиб олинган ёки қаттиқ шикастланган варақлари ўрнига 69 та териға ўхшаш қалин ва майин варақлар тикиб қўйилган. Бу варақлар пахтадан тайёрланган қоғозлардан ташкил топган. Улар шу даражада моҳирлик билан ишланганки, Қуръоннинг асл нусхаларидан фарқ қилиш қийин бўлган.

«Туркестанские ведомости» газетасида (1870 йил) берилган маълумотларда қуйидагиларни ўқиймиз: «Самарқанд мусулмонлари Усмон Қуръонини «Каломи шариф» дейишади. Бу ҳамма Қуръон учун умумий номдир. Бироқ Самарқанддаги мусулмонлардан бирортаси Қуръондан куфий хати билан ёзилган бир сатрни ҳам ўқий олмадилар».

Россия Самарқандни босиб олгандан кейин, яъни 1869 йилда Зарафшон округи бошлиғи генерал-майор Абрамов Хўжа Аҳрор масжидида Қуръоннинг ноёб нусхаси сақланаётганини эшитиб, полковник Серовга катта илмий аҳамиятга молик Қуръоннинг қўлдан чиқиб кетмаслиги чорасини кўришни буюрди. Маълум бўлишича, мазкур ноёб нусха уруш вақтида беркитилиб, сўнгра яна Хўжа Аҳрор масжидига қўйилган экан. Рус ҳарбий маъмуриятининг унга бўлган қизиқишидан хабар топган бир гуруҳ руҳонийлар Қуръонни Бухорога олиб кетишни мўлжаллайдилар. Бироқ, бу Қуръон генерал Абрамов томонидан Хўжа Аҳрор масжиди имомларидан 125 сўмга сотиб олинади. Шундан сўнг Қуръони карим Самарқанддан Тошкентга келтирилади. Бир гал генерал-губернатор уни Бухородан келган Яҳё исмли элчига кўрсатганда, шундай деган: «Қуръоннинг бу асл нусхаси халифа Усмоннинг ўз қўли билан ёзилган ва унинг қони билан доғланган. Бу Қуръон асл нусха ҳисобланиб, кейинги даврларда ундан олинган нусхалар бутун мусулмон оламига тарқатилган. У Амир Темур кутуб-

хонасида сақланган қадимий асардир. У Соҳибқирон томонидан олиб келинган ва кутубхонанинг энг қиммат-баҳо зийнати ҳисобланган». Демак, бу маълумот ҳам Қуръон Амир Темур томонидан келтирилганини тасдиқлайди.

1869 йилдаёқ Қуръони карим Тошкентдан Петербургга олиб кетилиб, аввал халқ маорифи вазирлигига, сўнгра ҳозирги Санкт-Петербургдаги Салтиков-Шчедрин номидаги кутубхонага берилади. 1873 йилда Қашқардан Петербургга элчи сифатида келган Тарғажўжа уни кўриб, бундай деган: «Мен бу Қуръонни Самарқандда кўрганман. У халифа Усмон томонидан битилган асл нусхадир. У ниҳоятда қимматлидир. Унинг саҳифасидаги доғлар Усмоннинг қонидир».

Бу доғлар халифа Усмон ваҳшиёна равишда ўлдири-лаётганда қўлида ушлаб турган Қуръонга тўкилган қондан юзага келган.

Гувоҳларнинг кўрсатишича, Қашқар элчиси катта мамнуният ва эътиқод билан Қуръони каримни кўзига ва лабига суртган («Московские ведомости», 1873, 195-сон). 1910 йилда «Туркистон куръери» газетасида босилган хабарга кўра, Петербургдаги мусулмонлар «Машхур Усмон Қуръонининг шу ерда қурилаётган масжид ихтиёрига берилишини ҳукуматдан илтимос қилишган. Бироқ бу илтимос инobatга олинмаган». Совет давлатининг дастлабки йилларида Қуръони карим Тошкентга олиб келинди. Шунини айтиш лозимки, Туркистон замини фақат Қуръоннинг асл нусхаси билан эмас, балки бошқа ноёб нусхалари билан ҳам фахрланишга ҳақлидир. Чунончи, XX аср бошларида Туркистон шаҳридаги Аҳмад Яссавий мақбарасида жуда қадимий Қуръон нусхаси сақлангани ҳақида маълумотлар мавжуд.

Манбаларнинг бирида сақланаётган жойи номаълум Қуръон нусхаси XVIII бобига тегишли қисмининг расми келтирилган. Ёзув услубига қараганда у жуда қадимий нусхага ўхшайди. Ушбу Қуръон нусхаси ҳазрат Алининг ўғли Ҳусайн томонидан кўчирилгани ҳақида фикр тарқалган.

Асримиз бошларида Самарқанддаги Шоҳизиндада

катталиги ва ҳашамати жиҳатидан тенги йўқ Қуръони карим нусхаси кўз қорачиғидай сақланган. Ҳар бир варагининг ўлчови бўйига 2 газ ва 4 қарич, энига 1 газ ва 6 қарич бўлган. Шунга яраша ҳарфларнинг катта бўлгани ҳам табиий. У 1827 йили Бухоро амири Насрулло топшириғига биноан Ҳусайн деган киши томонидан тайёрланган экан. Айрим маълумотларга кўра, у қандайдир қадимий Қуръон нусхасидан кўчирилган.

Катта ўлчовдаги Қуръон нусхасига мўлжалланган курси Улуғбек давридан то асримиз бошларигача Биби-хоним масжиди ҳовлисида турган. Курси оқ мрамрдан ишланиб, баландлиги 2 газ ва 6 қарич, эни 2 газ ва ўн уч қарич, узунлиги 3 газ ва 3 қаричга тенг бўлган. Унинг уч қатордан иборат тўққиз оёғи бор эди. Суянчиғи қаноти ва баландлиги бир газдан ошган. Баъзи маълумотларга кўра, мазкур мрамр курси Амир Темур замонида тайёрланиб, унга Қуръоннинг асл нусхаси қўйилган. Ҳатто уни Биби-хоним ўз масжиди деразасидан қараб ўқир экан. Ҳунармандчилик ва санъатнинг асл ва ажойиб намунаси бўлмиш мазкур курси халқимизнинг Қуръон китобига бўлган юксак эътиқодининг исботидир, албатта.

Қуръони каримда маржон тизмалари каби терилган суралар шу даражада ҳаётийки, улар миллати, диний эътиқодидан қатъи назар, кишиларда меҳнатсеварлик ва ҳалоллик, сахийлик ва камтаринлик, мурувватлилик, биродарлик, ватанга содиқлик каби олий фазилатлар шаклланишига замин ҳозирлайди. Унда ҳаёт ҳамда одоб-ахлоқнинг барча тармоқларига оид оятлар мавжуд. Таниқли шарқшунос олим В. В. Бартольд: «Ислом дини жаҳон миқёсида асрлар давомида ўзининг ҳаётийлигини исботлади ва насроний динига нисбатан ўзида тенглик ва биродарликни кўпроқ акс эттирди. Исломни ҳеч қандай дин жаҳон доирасидан сиқиб чиқара олмайди», деб таъкидлайди. Қуръони карим қадимдан насроний динидаги халқлар диққатини ўзига жалб этиб келган. Чунки у 1422 ва 1698 йили лотин тилига, 1770—1828 йиллар орасида саккиз мартаба француз тилига, 1946 йили немис тилига, рус тилига эса 1716 йил, 1790, 1792, 1864, 1907 ва 1963 йилларда таржима қилинган. Шуниси

диққатга сазоворки, Қуръони карим буюк рус шоири А. С. Пушкин эътиборини ҳам ўзига тортади. Шоир «Қуръондан иқтибос» деган шеърӣй асар яратган. Бунда у сура ва оятларни мутолаа қилиб, унинг мазмунини шеърӣй йўлда ифода этишни ўзига асосий мақсад қилиб қўйган. Буюк немис адиби Вольфганг Фон Гёте эса «инсоният ҳар жиҳатдан Ҳазрати Муҳаммад олдида қарздор», деб тарғибот қилган эди. У Қуръони каримга тан берган ва «Ҳазрати Муҳаммад тараннуми» асарини ёзган. Кўриниб турибдики, Қуръон асрлар мобайнида турли тилларга ўтирилган ва кўп мамлакатларда қизиқиш уйғотган.

Сўнги сўз ўрнида шуни уқтириб ўтиш лозимки, Қуръони каримнинг асл нусхасининг соҳиби бўлиш ва уни ўз кўзи билан кўриб ҳаёт кечирish катта бахт ва саодатдир. У бизнинг диёримизда сақланиши Худои таолонинг хоҳиш-иродаси ва марҳаматидир. Буюк бобомиз Амир Темур уни юртимизга келтириб, ўзбек халқининг шон-шуҳратини оламга таратишга ва унинг маънавий ҳаётини безашга улкан ҳиссасини қўшди. Бу борада у ўз ватани ва халқига беқиёс катта хизмат қилган эди.



## АМИР ТЕМУР САЛТАНАТИ ИСПАН ЭЛЧИСИ НИГОҲИДА

Буюк Амир Тему́р бошчилигида ватан мустақиллиги ва озодлиги тиклангандан кейин сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётда мисли кўрилмаган даражада туб ўзгаришлар ва тараққиёт содир бўлди<sup>1</sup>. Туркистон замини жаҳон доирасида муносиб ўринни эгаллаб хорижий мамлакатлар билан алоқалар ривожланди. Айниқса, Франция, Англия, Италия ва Испания сингари давлатлар билан элчилик алоқаларининг йўлга қўйилиши катта аҳамият касб этди.

Амир Тему́р ҳузурига ташриф буюрган элчилар орасида Испания элчиси Рюи Гонзалес де Клавихонинг фаолияти алоҳида ўрин эгаллайди. Амир Тему́р 1402 йилда Испанияга Хўжа Муҳаммад Қозини элчи сифатида юбориб дўстлик ва савдо алоқаларини ўрнатишни изҳор этган эди. Испания қироли Генрих III (1390–1407) Соҳибқирон элчисини ҳурмат ва иззат билан қарши олиб, жавоб тариқасида нуфузли амалдор Рюи Гонзалес де Клавихони, илоҳиёт илмининг магистри Алфонсо Поэс де Санта Мария ва сарой соқчиси Гомес де Салазарлардан иборат элчиларни Самарқандга жўнатган.

Клавихо 1403 йил 22 майда элчи Хўжа Муҳаммад Қози билан биргаликда йўлга чиқиб, Ўрта денгиз орқали Святой Мария портига, сўнгра Италиянинг жанубий қирғоқлари бўйлаб Греция, Радос, Кичик Осиё орқали Константинополь ва Трапезунд шаҳарларига келган. Бу ердан Султония, Теҳрон, Нишопур ва Балхга борган. Сўнгра Амударё орқали Термизга кирган. Клавихо ҳамроҳлари билан 15 ой деганда йўл азоб-уқубатларини мардонавор енгиб, Самарқандга келган эди. У ўзи босиб

<sup>1</sup> Мазкур мақолани ёзишда Клавихонинг «Дневник путешествия в Самарканд в дворец Тимура (1403–1406)», (М., 1990) кундалигининг О. Тоғаев томонидан қилинган таржимасидан тўла фойдаланилди. «Санъат» журнали, 1989–1990.

ўтган йўлда кўрганларини кундалик дафтарига ёзиб борган. Бундаги маълумотлар Амир Темур салтанатининг тарихини ўрганишда ноёб манба ҳисобланади.

### Амударё ва Термизда

Клавихо Балхга келганда унинг аҳолиси ва боғлар кўплигию пахса девор билан ўралганининг гувоҳи бўлган. Бу ерда пахта кўп экилган. У 1404 йил 21 августда Амударёга етиб келганда сувнинг лойқалиги ва тез оқаяганини кўрган. Унинг сўзига кўра, Соҳибқирон дарёдан ўтмоқчи бўлганда қайиқлар устига кўприк қурдириб, бир учи қирғоққа ва иккинчиси сувнинг саёз жойигача етказилган. Бу ердан отда сув кечилиб кўприкка чиқилган. Кўшин кўприкдан ўтгандан кейин, ундан душман фойдаланмаслиги учун, дарҳол бузиб ташланган. Керак бўлганда кўприк янгидан қурилган. Оддий кунларда четга чиқишга рухсат берилган кимсаларгина қайиқларда дарёдан ўтказиб турилган. Аммо Термизга четдан келувчилардан рухсат қоғози талаб қилинмаган. Термиз шаҳри ва атрофида аҳоли ҳамда қишлоқларнинг сони кўп бўлиб, мудофаа девори билан ўралмаган. Боғларнинг сероблиги ва савдонинг қизгин тус олганлиги кўзга ташланган. Клавихо Термиздан чиққандан кейин, йўлда аҳолиси зич қишлоқларни босиб, Соҳибқирон йўлга чиққанда дам оладиган хонадонга етиб келган. Шундан кейин, у йўлни давом эттириб, баланд тоғнинг бағрида пишиқ гиштдан ишланган ҳашаматли бинони кўрган. Бино қандай қурилгани ҳақида Шарафуддин Али Яздий шундай ёзган: «Ҳазрати Соҳибқирон Самарқанддан чиқиб Кеш (Шаҳрисабз) томон юрди. Бу йўлда бир тоғ бор эдики, Самарқандгача етти фарсах келади. Унинг бошланишида анҳор оқади. Дарёдек сахий ва осмондек шавкатли подшоҳона ташриф шуъласи у тоғга тушди. Оламни тартибга келтириб, равноқ бериш борасида ҳимматнинг зўрлиги туфайли боғни яратишга фармон берди. Шунингдек, тоғнинг бағрида бир қаср қуриш ҳақида ҳукм чиқарди. Қаср қурилиб, унга «Тахти қарочи» деб ном берилди»<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. А. Ўринбоев таржимаси. «Темурийлар бунёдкорлиги давр манбаларида». Тошкент, 1997, 93-бет.

Клавихо бу қасрнинг ҳашаматидан ҳайратланиб ва унинг атрофидаги боғда дам олиб, сўнгра йўлни давом эттирган.

### Шаҳрисабз ва Гулбоғда

1404 йил 22 августда Шаҳрисабзга етиб келган Клавихо узининг бой таассуротини қуйидагича изоҳлаган. Шаҳар текис ерга жойлашган бўлиб, атрофи кўплаб уйлар ва боғлар билан қопланган. Бу ерда сой ва ариқ сувлари оқиб, токзорлар ва мевали дарахтлар яшнаб турган. Буғдой, пахта, қовун ва бошқа ўсимлик турлари етиштирилган. Соҳибқироннинг фармойиши билан қурилган масжид ва мақбаралар тилло, ҳаворанг бўёқлар ва кошинлар билан жуда чиройли безатилган. Масжид ҳовлисида ҳовуз бўлиб, дарахтлар ўсиб турган. Соҳибқироннинг кўрсатмасига биноан отаси ва ўгли Жаҳонгир дафн қилинган мақбараларда ҳар куни 20 та қўй қурбонлик қилинган.

Клавихо Оқсаройни кўриб, ҳаяжонланган ва ҳайратланган ҳолда томоша қилган. Унга узун йўлак ва ғоятда баланд дарвоза орқали кирган. Йўлакнинг ўнг ва чап томони ҳар хил гулдор кошинлар билан безатилган, ғиштдан ишланган арқлар кўзга ташланган. Бу ерда кичкина ҳужралар қурилган. Йўлдаги безатилган иккинчи эшик орқали саҳнига мрамор ётқизилган ва ўртасида ҳовузи бор ҳовлига ўтилган. Бу ердан зарҳал ва зангори бўёқлар ҳамда нақшли кошинлар билан безатилган жуда катта ва баланд эшик орқали чиройли қабулхонага кирилган. Эшик пештоқининг ўрта қисмида порлаб турган қуёш нурлари остида шернинг сурати солинган. Унинг четки томонида Соҳибқироннинг учта бодомсимон шаклдаги муҳри тасвирланган.

Бу муҳрдаги учта белги Соҳибқирон Осиё, Оврўпо ва Африкадан иборат учта қитъага ҳукмрон деган тушунчани англатган. Муҳр танга ва бошқа муҳим ҳужжатларга ҳам босилган. Уша қабулхонанинг деворлари тилла, зангори ранглар ва кошинлар билан сайқалланган. Шифти ҳам тилларанг билан бўялган.

Қабулхонадан зинапоялар бўйлаб Оқсаройнинг

иккинчи қаватига чиқилган. Бу ерда хоналар шу даражада кўпки, — дейди Клавихо, — уларнинг ҳаммаси ҳақида гапириш учун кўп вақт керак бўлади. Хоналар тилла, зангори ва бошқа ҳар хил бўёқлар билан мисли кўрилмаган даражада ўта гўзал равишда безатилганки, ғоят нозик дидларга эга бўлган Париж ҳам буларни кўриб ҳайратланган бўларди.

Булардан ташқари, Соҳибқирон ва маликаларининг туриши ва базм ўтказишига мўлжалланган кенг ва ҳашаматли хонанинг деворлари, шифти ва саҳни ҳаддан ташқари безатилган. Клавихо ва бошқа элчилар Оқсаройдан чиқиб, кўтлаб мевали ва манзарали дарахтлар ўсиб турган, кўтлаб ҳовуз ва дид билан жойлаштирилган чаманзорларни ўз ичига олган боғга келишган. Боғга кираверишда шу қадар катта майдон кўринганки, одамлар ёз ойлари сув бўйида, дарахтлар соясида ҳузур қилиб дам олишлари мумкин эди.

1404 йил 30 августда Клавихо ҳамроҳлари билан Шаҳрисабздан чиқиб, йўлда катта боққа ўрнашганлар. Боғнинг атрофи пахса девор билан ўралиб, олтига ҳовузи бор эди. Унинг ўртасидан анҳор оқиб ўтган. Ҳовузларнинг биридан иккинчисига катта ва баланд сояли дарахтларнинг таги бўйлаб ўтилган. Боғдаги тепаликнинг устида жуда чиройли қаср қурилган бўлиб, унинг деворлари ва шифти тилла ва зангори ранглар, кошинлар билан сайқалланган. У сувга тўлдирилган чуқур зовур билан ўралиб, унга иккита кўприк орқали кирилган. Боғда кийиклар ва тустовуқлар айланиб юришган. Боғнинг ёнидаги токзор ва дарахтлар жуда манзарали эди. У Гулбоғ деб номланган.

### Амир Темури ҳузурида

8 сентябрда Клавихо ва бошқа элчилар Самарқанд ташқарисидаги Дилкушо номли боғда уюштирилган зиёфатда Соҳибқирон билан учрашиш шарафига муяссар бўлдилар.

Шарафуддин Али Яздий Дилкушо боғининг бунёд этилишини шундай таърифлаган: «Ҳазрат Соҳибқирон Конигил деган жойнинг чеккасида орасталиги ва таровати билан Эрам боғидан кўра кўпроқ кўнгил очувчи бир боғ яратиш ҳақида фармон берди.

Машриқдан тортиб Мағрибгача ҳар бир мамлакат ва давлатдан тахтнинг қароргоҳи (Самарқанд)га жам бўлган донишманд муҳандислар ва соҳибхунар қурувчилар саодатли соатда ва тонг юлдузи кулиб боққан дамда олий ҳазратнинг ишорати билан ул жойда бир боғ ижод этдилар. Боғ тўртбурчак шаклида бўлиб, ҳар бир томони бир ярим минг газга баробар. Тўрт томоннинг ҳар бири ўртасида биттадан баланд дарвоза ўрнатилдики, уларнинг тоқи осмоннинг муқарнас шифтига юксалган. Тоғлар турфа рангли кошинлару нақшлар билан безатилган. Боғнинг тўрт томонидаги тўрт бурчакнинг ҳар бирида юлдузи ошёнга етгудек кабуғар буржи қад кўтарган. Буржлар кошинкорлик санъати билан бағоят нафис ва гўзал қилиб безатилган. Боғ саҳни ҳандаса услубида тўрт бурчак шаклидаги ўтиш жойлар, олти бурчак ва уч бурчак шаклидаги чаманзорларга бўлинган. Йўллар четига оқ тераклар, олти бурчак ва уч бурчак чаманзорлар атрофида эса турли-туман мевали дарахтлар ва гуллар экишга фармон берилди. Боғ ниҳоятда дилкушо ва гўзал тарзда барпо этилгач, унинг исми жисмига монанд бўлиши учун «Боғи Дилкушо» деб атади. Боғнинг ўртасига учта баланд тоқили, қуббаси эса кўкка бўй чўзган қаср қурдилар»<sup>1</sup>.

Боққа тилла ва зангори кошинлар билан безатилган кенг ва баланд дарвоза орқали кирилган. Бу ерда филларнинг устида ўтирган одамлар уларни ҳар хил ўйинларни кўрсатишга ундаганлар. Бу вақтда Соҳибқирон тахтда, устида гулсиз силлиқ шойи кўйлак, бошида қизил ёқут, жавоҳир ва бошқа қимматли тошлар қадалган чўққайган оқ телпак кийган ҳолда ўтирган. Унинг рўпарасида устида қизил олмалар айланаётган фаввора (фонтан) баландга отилиб турган.

Элчилар Соҳибқиронни кўришлари биланоқ, ўнг оёқлари билан тиз чўкиб, қўлларини кўксига қўйиб, таъзим қилдилар. Кейин бир оз яқинлашиб яна таъзим қилдилар, яна бир бор таъзим қилиб, сўнг тиз чўкиб ўтирдилар.

---

<sup>1</sup> Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. А. Ўринбоев таржимаси. «Темурийлар бунёдкорлиги давр манбаларида». Тошкент, 1997, 91–92-бетлар.

Шундан кейин Соҳибқирон Клавихога қараб: «Қиролнинг аҳволи қалай? Унинг ишлари жойидами?» деб сўраган. Элчилар унинг саволларига тўла жавоб берганлар. У элчиларнинг сўзларини диққат билан тинглаган. Сўнг Соҳибқирон меҳмонларга шундай сўзларни изҳор этган: «Мана, булар дунёнинг у бурчагида яшовчи фаранги (оврўпали) ларнинг қироллари орасида салмоқли ўринни эгаллаб турган Испания қиролининг элчиларидир! Бу мамлакатдагилар ҳақиқатан улуғ халқдир. Мен қиролни шарафлайман. Қирол элчиларини ҳеч бир совғасиз, фақат мактуб билангина юборганида ҳам мен қиролнинг аҳволи ва соғлиғини билиб, совға олгандек бўлар эдим».

Бу вақтда Соҳибқироннинг невараси қирол мактубини қўлида баланд кўтариб буvasи қаршисида турган. Соҳибқирон мактубни очиб кўрган.

Зиёфатнинг дастурхонлари ниҳоятда ҳар хил таомлар ва нозу неъматлар билан тўлдирилган эди. Клавихонинг ёзишича, уларнинг устига жуда кўп қовурилган ҳамда қайнатилган қўй ва от гўштлири қўйилган. Гўшт тўғровчи хизматкорлар келиб гўштлири тилла, кумуш, сопол, чинни лаганларга бўлак-бўлак қилиб солганлар. Нонларни тўрт буклаб идишлардаги гўштлирининг устига қўйганлар. Шундан кейин меҳмонларга шўрва — суюқ овқат берилган.

Соҳибқирон ўз олдига қўйилган таомлар солинган икки идишни илтифот юзасидан элчилар олдига қўйдиртирди. Тилла ва кумуш қувачаларда мазали қимиз келтирилган. Охирида дастурхонлар кўп мева-чева, қовун, узум, шафтоли билан ясатилган.

15 сентябрда Соҳибқирон невара тўйи муносабати билан бир ажойиб боғда зиёфат берган. Аммо Клавихо бу боғнинг номини ёзмаган бўлса-да, унинг гўзаллигини яхши тасвирлаган. Бунга кўра, боғнинг катта дарвозаси тилла ва зангори бўёқлар, кошинлар билан безатилган эди. Соя-салқин солиб турувчи мевали ва манзарали дарахтлар ўсиб турган. Боғдаги йўллар ва сўқмоқлар тўсиқлар билан ўралган. Боғда гулдор гиламлар ва турли хилдаги шойи газламалардан кўпдан-кўп чодирлар ва соябонлар тикилган.

Боғнинг ўртасида жуда чиройли равишда безатилган бино, унинг ичкарасидаги хонада учта тахмон бўлиб, деворлари ва саҳни кошнлар билан қопланган. Энг катта тахмонда баландлиги одам бўйи, кенглиги уч қулоч келадиган ва зарҳалланган қумуш жавон қўйилган. Кимхоб ва бошқа шойи матолардан тикилган кўрпачалар стол олдида устма-уст тахланган.

Бу ниҳоятда чиройли хона Соҳибқирон ўтирадиган жой бўлган. Унинг деворларига пуштиранг шойи матолардан пардалар тутилиб, уларга зумрад, марварид ва бошқа қимматбаҳо тошлар қадалган. Уй саҳнига гиламлар ёзилган. Унинг ўртасида олтиндан ишланган иккита столлар қўйилиб, уларнинг устига еттита олтин кўра қўйилган. Кўраларнинг иккитаси йирик марварид, зумрад ва ферузалар билан безатилган. Ҳар бирига зиҳича ёқут ёпиштирилган. Бундан ташқари, стол устида олтита олтин коса қўйилган. Улардан бирининг ичи йирик, оппоқ марваридлар билан безатилган. Косанинг ўртасига йўғонлиги икки бармоқ келадиган тиниқ рангдаги оқ ёқут ёпиштирилган.

Зиёфатда Соҳибқироннинг оила аъзолари, элчи ва бошқа кўп меҳмонлар иштирок этган.

22 сентябрда элчилар, шу жумладан, Клавиҳо Боғинавда Соҳибқирон томонидан ташкил қилинган катта зиёфатга қатнашганлар. Унинг кундалигида ёзилишича, боғ тўрт томондан баланд девор билан ўралган бўлиб, ҳар бурчагида баланд миноралар қад кўтарган. Унинг ўрта қисмида тилла ва зангори ранглар билан бўялган бино қурилиб, олди томонида ҳовуз бўлган. Дастурхонларга кўп қўй ва от гўштлари, турли усулларда тайёрланган гуручли овқатлар қўйилган. Соҳибқирон овқатланиб бўлгандан кейин, мансабдорлардан бири қумуш тангалар билан тўлдирилган косани ушлаган ҳолда ўртага чиқиб, уларни меҳмонлар ва элчилар устига сочган. Коса тагидаги тангаларни олиб элчилар оёғи остига ташлаган. Сўнгра Соҳибқирон элчиларга кимхоб тўнларни кийгизишни буюрган. Элчилар уч маротаба тиз чўкиб, Соҳибқиронга таъзим қилганлар.

23 сентябрда Дилкушо боғида Соҳибқирон томонидан уюштирилган зиёфат ҳам катта тантана билан ўтказилган.

Клавихо мана шу боғнинг ғоятда гўзаллигини ва Соҳибқироннинг кайфияти жуда яхшилигини яна таъкидлаган. Дастурхонлар турли озиқ-овқатлар билан ясалган эди. Бу ерда Соҳибқироннинг хотинлари, фарзандлари, қариндош-уруғларидан ташқари, қўшиннинг бир қисми ҳам қатнашган. Зиёфатга шу қадар кўп одам йиғилган эдики, элчилар ҳузуридаги шахсий кўриқчилар йўл очилгандан кейингина улар билан Соҳибқирон ўтирган жойга яқинлашганлар.

Боғнинг олдидаги кенг майдонда дарё ва кўплаб ариқ оқиб турган. Соҳибқирон мана шу майдонда ҳарбий қисмларни тўплашни ва улар учун чодирларни ўрна-тишни буюрган. Шундан кейин, катта-ю кичик ҳамма ўз ўрнини билиб, ҳеч бир шовқин-суронсиз чодирларни қуришга киришганлар. Орадан уч-тўрт кун ўтгандан кейин салтанат қароргоҳи атрофида қарийб йигирма минг чодир пайдо бўлган. Тўпланган кўшин орасида қассобларни, ошпазларни, яхна гўшт ва ширинликлар сотувчиларни, новвойларни ва бошқа истаган ҳунар эгаларини кўриш мумкин эди.

29 сентябрда Соҳибқирон яна зиёфат ташкил қилиб, кўп яқин ва узоқ одамларни, элчиларни ҳузурига чақирди. Клавихонинг гапига кўра, Соҳибқирон Хитой билан чегарадош жойдан келган элчилар билан суҳбатлашган. Бу элчиларнинг бошлиғи эскироқ почапўстин кийган, бошидаги кичкина телпакнинг боғичлари кўкрагига тушиб турган. Телпак жуда кичкина бўлиб, бошида зўрға илиниб турган. Унинг ҳамроҳлари ҳам калта пўстин кийган эди. Баъзи пўстинларнинг мўйи ич тарафига, бошқаси сиртига тикилган.

Элчилар сувсар, оқ тулки ва бошқа мўйналар, лочинлардан иборат совғани келтирганлар. Клавихо элчиларни христиан динидаги кишилар деб ёзган. Улар Россия тарафдан келган элчилар бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Клавихо Соҳибқироннинг шахмат ўйнаб ўтирганлигини кўрган эди.

2 октябрда Соҳибқирон Кониғилдаги зиёфатда элчиларни қабул қилиб, кимхоб тўнлар, кўйлак ва қалпоқлар кийгизган. Уларга отлар ҳам совға қилинган.

6 октябрда ўтказилган зиёфат жуда дабдабали равишда



ўтган. У Боғи Дилкушода Соҳибқирон бошчилигида уюштирилиб, унинг чодирларни қуриш ҳақидаги фармони тўла амалга оширилган эди. Клавихо ва бошқа элчилар келишганда сон-саноқсиз чодирларни қўрганлар. Уларнинг катта қисми дарё бўйига қурилган. Клавихода Соҳибқироннинг қароргоҳи – қаср ва бир-бирларидан гўзал чодирлар ўчмас таассурот қолдирган. Қаср тўрт бурчак шаклида қурилган бўлиб, шифти гумбаз тарзида ишланган ва ўн иккита устунларга ўрнатилган. Устунлар тилла, зангори ва бошқа ранглар билан сайқалланган. Қасрнинг у бурчагидан бу бурчагигача учта устун қўйилган. Унда жами ўттиз олти устун қўйилган.

Қасрнинг ташқи томонидан оқ, қора ва сариқ, йўл-йўл шойи мато билан қопланган. Ҳар бир устуннинг устига ой тасвири туширилиб, мис олма осилган. Қасрнинг ичкарасида, бир томонда гиламларнинг устига уч-тўрт қават кўрпачалар тўшалган супа Соҳибқиронга мўлжалланган. Бундан ташқари, яна иккита супа бўлган.

Шифтнинг ўртаси жуда чиройли безатилиб, унинг тўрт бурчагида қаноти туширилган тўртта бургут сурати тасвирланган.

– Хуллас, қаср, – дейди Клавихо, – шу қадар гўзал, баланд, кенг ва улуғворки, унга ҳайратланмасдан қараш мумкин эмас.

Клавихо Соҳибқироннинг хотинлари Сароймулк-хоним ва Тумон Оғо бегимларга атаб қурилган чодирларни ҳам мароқ билан томоша қилган. Зеро, ҳалқа шаклидаги баланд чодир найзадан йўғонроқ поялардан тўр шаклида бир-бирига чатиштириб ишланган. Чодирнинг девори ва гумбази эни кафтдай тасмалар билан боғланган. Чодир шу даражада баланд эдики, унинг тасмалар ёрдамида тик турганига ажабланмаслик мумкин эмас. Унинг усти қизил гиламлар билан қопланган, офтоб тушмаслиги учун тагига гулсиз чит газламалар, сидирға гулкўрпа қоқилган. Чодир деворининг ич томонлари кумуш ва бошқа қимматбаҳо тошлар билан сайқалланган. Унинг атрофида яхши безатилган чодирлар бўлиб, улардан бирининг гумбазида қаноти туширилган йирик бургутнинг зарҳалланган кумуш сурати тасвирланган. Ундан сал пастроқда чодирнинг уч томонидан

бир-бирига тўғри жойлаштирилган кумушдан ясалган лочинлар сурати солинган. Бу лочинлар гўё бургутдан қочиб кетмоқчи бўлгандай турарди. Бургут лочинлардан бирига ташланмоқчидай бўлиб турган. Бургут ва лочинлар шу даражада табиий тасвирланиб, маъноли жойлаштирилганлиги орқасида худди тирикка ўхшаб турардилар.

Чодир эшиги олдида турли рангли шойи матодан ясалган соябон куёш ҳаракатига қараб айланиб, доимий соя солиб турган.

9 октябрда Соҳибқирон невараларидан бирининг тўйига элчиларнинг ҳам келишларини буюрган. Тўй беҳад чиройли чодирларда ўтказилиб, Сароймулкхоним ҳам қатнашган. У умумхалқ базмига айланиб, савдогарлар, заргарлар, читфурушлар, тикувчилар, кавушдўзлар, новвойлар, ошпазлар, қассоблар ва бошқа турли хунар эгалари ўзларининг касбларини намойиш қилганлар. Санъат вакиллари ва дорбоз усталари меҳмонларнинг кўнглини шод қилиб турганлар. Соҳибқирон ўзи Самарқандда йўқлигида молларнинг нархини ошириб сотган савдогар ва хунармандларни жазолашни буюрган. Шунингдек, ўз мансабини суиистеъмол қилган айрим нуфузли кишилар ўлим жазосига тортилган. Бу ҳодисалар Клавихо ва бошқа элчилар ва умуман жамоа аҳли ҳузурда содир бўлган. Шу тариқа адолатли сиёсат ўз кучини кўрсатган эди.

13 октябрда катта тўй ўтказилиб, элчилар ҳам олиб келинган эди. Клавихонинг айтишича, Соҳибқирон меҳмонлар билан ўтирган. Чодирлар илгаригига нисбатан янада зийнатлироқ ва чиройлик равишда безатилган. Хусусан, улардан бири зарҳал ип билан нақшинкор усулида тўқилган, қизил гиламлар билан ўралган. Чодирларга баланд эшикдан кирилган. Уларнинг усти зар иплар билан чиройли тикилган гумбазлар билан қопланган. Деворларининг айрим жойларида матоларга гул солиб тикилган дарчалар бор эди. Элчилар Соҳибқироннинг ўғли Жаҳонгирнинг фарзанди ва Афғонистонга ҳоким этиб тайинланган Пирмуҳаммаднинг ҳузурига боришиб, ўнг оёқ билан тиз чўкиб, қўлни кўкракка қўйиб бош эгганлар. Бу вақтда Пирмуҳаммад жуда кўркам кийинган бўлиб, устида зарҳал билан ҳалқа шаклида тикилган кўк атлас тўн бор эди. Бошидаги

телпаги йирик дур ва қимматли тошлар билан безатилиб, унинг тепасига қадалган ёқут чарақлаб турган. У 22 ёшлардаги соқоли ўсмаган, қорачадан келган йигит эди.

Элчилар Соҳибқирон атрофида ўтиришиб, ажойиб томошаларни кўришган. Хусусан, чалинган ноғоралар садоси томошалардан ҳосил бўлган овозлар билан ҳамоҳанг бўлиб, ажиб бир шовқин-сурон вужудга келган. Шунингдек, созандалар ҳам хизмат қилганлар. Соҳибқироннинг рўпарасида дор ўрнатилган бўлиб, дорбозлар ҳар хил томошаларни кўрсатганлар. Меҳмонлар ва элчиларда фил ўйини катта қизиқиш уйғотган. «Соҳибқироннинг, – деб ёзган эди Клавиҳо, – ўн тўртта фили бўлиб, уларнинг устига ёғоч айвончалар ўрнатилган. Ҳар бир айвоннинг устига тўрттадан сариқ ва яшил байроқ тикилган. Айвонларнинг ҳар бирида беш-олтитадан одам, фил гарданида сим қамчин ушлаган бир киши ўтирган... Фил жуда идрокли ҳайвон бўлиб, устидаги киши буйруқларини шу ондаёқ бажаради. Одам филнинг бир киши зўрға сигадиган бўйнига ўрнашиб, оёқларини фил қулоғи орқасига узатиб ўтирган. Фил қамчин кўрсатган томонга тез юради ёки орқага қайтишга имо қилинса, худди айиқ сингари кейинги оёқлари билан шу ондаёқ орқага бурилади...

Шу куни филларни от ва одамлар кетидан югуртириб, ҳар хил томошалар кўрсатдилар. Филлар ҳаммаси бирга югурганларида, ер ларзага келгандек туюларди».

Зиёфат дастурхонларига гўшларни зарҳалланган чарм супраларда келтиришган. Гўшлар шу даражада кўп бўлганки, супраларни юзтагача одамлар кўтарганлар.

### **Сарой маликаларининг зиёфатларида**

Клавиҳо ўзбек аёлларининг очиқ ва эркин ҳолда юриб, эркаклар билан бемалол суҳбатлашганларининг гувоҳи бўлган. У хотин-қизларнинг зиёфатларда эркаклар қатори қатнашганликлари ва улар билан ўйин-кулги қилганликларини ёзган. Ҳатто сарой маликаларига шу даражада мустақил фикр юритиш ва эркинлик берилганки, улар ўзлари яшаб турган жойларида тўй-томошаларни уюштирганлар. Масалан, 9 октябрда Соҳибқироннинг катта ўғли Мироншоҳнинг хотини Хонзода

яқин қариндошларидан бирининг никоҳ тўйи муносабати билан кўп одамлар ва элчиларнинг иштирокида зиёфат берган. Бунда Сароймулкхоним ва бошқа кўп аёллар қатнашганлар. Клавихонинг сўзича, Хонзода кўринишидан қирқ ёшлар чамасидаги тўладан келган аёл ҳисобланган. У ўтирган супада устма-уст тахланган кўрпачалар ёзилиб, истаган вақтда уларга ёнбошлаган.

Аввалги зиёфатдагига ўхшаш дастурхонлар пиширилган гўштлар, турли таомлар ва ширинликлар билан ясатилган. Гўштлар зарҳалланган супраларда олиб келинган. Улар шу даражада кўп эдики, супраларни уч юзтагача одамлар кўтарганлар.

Сароймулкхоним элчиларга алоҳида эътибор берган ва ҳузурига чақириб самимий равишда меҳмон қилган.

17 октябрда Сароймулкхонимнинг ўзи ҳам зиёфат ташкил қилиб, кўп одамлар ва элчиларни меҳмонга чақирган. Клавихо унинг қасрини кўриб ҳайратланган ва батафсил изоҳлашга ҳаракат қилган. Унинг сўзига кўра, қасрда бир нечта ғоятда гўзал чодирлар бор. Улардан бири катта ва баланд бўлиб, унга иккита эшик ўрнатилган. Чодир қизил шойи мато билан ўралиб, ўзининг ўта чиройлилиги билан ажралиб турган. Эшиклар тилла, зангори ва бошқа ранглар билан безатилган. Уларнинг гули ва нақшлари бу ернинг ўзидаги ҳамда христианлар юртидагига ўхшаш энг нозик, энг яхши санъат намунаси ҳисобланган. Эшикларнинг бирида авлиё Пётр, иккинчисида авлиё Павел қўлларида тилла муқовали китобни ушлаган ҳолда тасвирланган. Айтишларича, Соҳибқирон бу эшикларни Турк султонининг хазинасидан олган. Чодир ўртасида олтин ва кумуш солинган, тилладан ясалган сандиқ қўйилиб, унинг баландлиги одам кўкрагидан келган. Унинг қопқоғига марварид ва қимматли тошлар оралиғида думалоқ бир дона дур ўрнатилган. Унинг устига олтита тилла кўза қўйилган бўлиб, улар марварид ва қимматли тошлар билан сайқалланган. Шуларга ўхшаш безатилган олтита думалоқ олтин пиёла қўйилган. Сандиқнинг ёнида йирик марварид ва қимматли тошлар билан безатилган ва баландлиги бир қарич келадиган кичик олтин хонтахта турган. Бунинг четига тиниқ ва ёрқин рангли зумрад ўйиб ишланган. Унинг рўпарасида эман дарахти шаклида

олтиндан ясалган дарахт кўндирилиб, танаси одам оёғи йўғонлигича келган. Баланглиги эса одам бўйига яқинлашган. Унинг япроқлари ҳар томонга таралиб, мевалари сарғиш, қизил, зангори ёқутлар, зумрадлар, ферузалар, йирик ва тиниқ ажойиб марваридлардан ишланган. Булардан ташқари, дарахтга чиройли безатилган қушчалар кўниб турган. Айрим қушчаларнинг қаноти туширилган, бошқалар тушиб кетадигандай бўлиб, япроқларга зўрға илиниб турган. Бошқа қушлар эса дарахт меваларини еяётгандай, ёқут, феруза, марварид ва қимматли тошларни тумшуқларида ушлаб турган.

Клавихо ва бошқа элчилар сирти кулранг олмахон мўйнаси, ичкарисидан оқ мўйна билан қопланган чодирни ҳам кўрганлар. У оқ атлас ва ҳар хил шойи матолар билан қопланган. У кўп гўзал чодирларни кўздан кечирган. Жами 40—50 минг атрофида чодирлар тикилган бўлиб, улар ниҳоятда кўркамлиги билан ҳавасни келтирган. Бу ҳақда Клавихо ўз фикрини яқунлаб: чодирларнинг ҳаммаси шу даражада санъаткорона ишланиб ҳашаматли эдики, сўз билан ифодалаш қийин, уларни фақат кўз билан кўриш лозим, дейди.

Клавихонинг сарой маликаларининг, хусусан, Сароймулкхонимнинг кийимлари ҳақидаги маълумоти ҳам жуда қимматлидир. Унинг гапига кўра, Сароймулкхоним зарҳал билан тикилган, этаклари ерда судралиб турган узун ва кенг, энсиз ва ёқасиз қизил шойи кўйлак кийган. Кўйлакнинг бел томони торайтирилмай, этагигача кенгайиб борган. Бу этак жуда кенг ва узун бўлганлиги учун уни ўн бешта аёл кўтариб юрган. У офтобдан сақланиш учун жуда кўп упа сурганлиги орқасида юзи бамисоли оқ қоғозга ўхшаб турган. У кўплаб йирик дур, ёқут, феруза ва бошқа хилма-хил қимматли тошлар қадалган узун қизил бош кийимида бўлган. Зарҳал билан тикилган ва елкасига тушиб турган қисмига қимматли тошлар ва тилла баргак қадалган. Қалпоқнинг учидаги текис жойга товланиб турган чиройли ва тиниқ ёқут ўрнатилган. Маликанинг тим қора сочлари елкасига туширилган.

Сароймулкхонимнинг қизил бош кийими сирғалмаслиги учун аёллар ушлаб турганлар. Уни зиёфатта уч юзга яқин аёллар қузатиб келган. Унинг юзига офтоб

тушмаслиги учун бир аёл найзасимон таёққа ўрнатилган соябонни тутган. Соҳибқироннинг бошқа хотинлари ҳам Сароймулкхоним сингари кийинган эдилар. Клавихо Соҳибқиронни ўзининг хотинларига атаб ажойиб боғлар ва масжидлар қурганлиги ҳақида алоҳида айтиб ўтган.

### Самарқанд ва Бухорода

Клавихо Соҳибқироннинг юргизган сиёсати ва давлат бошқарувига доир жуда оз бўлса-да, айрим маълумотларни кундалигида акс эттирган. «Самарқанд шаҳрида, — деб ёзган эди у, — адолатга амал қилинади. Ҳеч ким шоҳ руҳсатисиз бировга озор етказиш ёки зўравонлик қилишга журъат эта олмайди. Шоҳ ўз қароргоҳи ва хонадони ишлари билан шуғулланувчи кимсаларни ҳамиша ўзи билан олиб юради. Бирор жойга келганида улар ўша мамлакат халқини бошқариш билан ҳам шуғулланадилар. Мамлакат аҳолиси уларнинг сўзларига қулоқ солади, фармойишларини инобатга олади... Улардан қозилар турли кишилар орасида келиб чиқадиган муҳим ишлар ва можароларни ҳал этиш билан шуғулланади. Уларнинг баъзилари шоҳга тегишли шаҳарлар ва юртларга ноиб ва бошлиқ этиб тайинланадилар ва яна бошқалари элчилик вазифасини ўтайдилар».

Клавихонинг мансабдорларнинг фаолиятига тегишли фикрлари ҳам диққатга сазовордир. Чунончи, улар учта чодир тикиб, бу ерда шикоят билан келган одамларни тинглаб, тегишли қарор чиқарган. Шундан кейин қозилар Соҳибқирон ҳузурига бориб қилган ишлари ҳақида ахборот бериб турганлар. Агар кўрилаётган масалани ҳужжатлаштириш лозим топилса, у вақтда мирзалар (котиблар) дарҳол уни тайёрлаб маслаҳатчи лавозимидаги ходимга топширган. Ходим қоғозга кумушдан ишланган муҳрни босган. Шундан кейин, бошқа ходим қоғозни олиб ва текшириб ўз бошлиғига узатган. Бошлиқ ҳам ўз муҳрини босган. Қоғоз шу тариқа уч-тўрт қўлдан ўтгач, унга салтанатнинг «рости русти» (куч адолатда) сўзи ёзилган муҳри босилган.

«Шундай қилиб, — дейди Клавихо, — ҳар бир маслаҳатчи ходимнинг ўз мирзаси ва ўзининг қайд этилган дафтари бор. Муайян шахсга тақдим этилган бундай

ҳужжатдаги шоҳ муҳри ва мирзалар муҳри билан ҳар қандай иш шу куни, шу соатдаёқ зудлик билан бажо келтирилган».

Клавихонинг Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига тегишли таассуроти ҳам жуда муҳимдир. У Самарқандда озиқ-овқат маҳсулотлари, шу жумладан гўштнинг сероблигидан ҳайратланган. Қўй жуда кўп бўлиб, думбасининг ўзини бир одам зўрға кўтарган. Нон шу даражада арзон эдики, бундан ҳам арзон бўлиши мумкин эмас. Гуруч эса ҳаммаёқни босиб кетган. Умуман, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа ҳар хил моллар ҳайратланадиган даражада сероб ва арзон бўлган. Мамлакатнинг бойлиги фақат озиқ-овқатнинг мўл-кўллигида бўлмаган. Бу даргоҳда хунармандчилик юқори даражада ривожланиб, ипак, турли газламалар, кийим-кечаклар, тилла ва зангори бўёқлар ва бошқа маҳсулотлар катта ҳажмда ишлаб чиқарилган. Булардан ташқари, салкам минг кишидан иборат моҳир усталар ҳарбий курол-аслаҳаларни ишлаш билан шуғулланганлар.

Самарқанд шаҳри боғлар ва токзорлар билан ўралиб, жуда кўп аҳоли яшаган. Бу жойларда Соҳибқирон саройлари, ҳашаматли бинолар, омборхоналар мавжуд бўлган. Шаҳар ва боғларда сув қувурлар орқали ўтган. Боғларнинг оралигидаги жойларда пахта етиштирилган. Қовун жуда кўп ва ширин бўлиб, ҳар куни қовун ортилган туялар шу қадар кўп келганки, қандай қилиб харид қилинишига ва истеъмол қилинишига ажабланмаслик мумкин эмас. Қовунлардан қовун қоқи қилиниб янаги йилгача сақланган. Боғлар шу даражада кўп бўлганки, шаҳар бамисоли баланд дарахтлардан иборат ўрмон ўртасида жойлашгандай кўринган.

Бутун салтанатда, шу жумладан Самарқанд шаҳрида ички ва ташқи савдо мисли кўрилмаган даражада ривожланиб, Ҳиндистон, Туркия, Олтин Ўрда, Рус князликлари ва бошқа мамлакатлар билан савдо олиб борилган. Соҳибқирон биринчи навбатда пойтахт Самарқанд шаҳрини йирик савдо марказига айлантиришга қаратилган муҳим чораларни амалга оширган. У шаҳарнинг хароб бўлиб ётган марказий кўчасини буздириб ва обод қилиб, икки томонига қатор янги дўконларни қурдириб, савдо растасини барпо этган. Ҳар бир дўкон олдида оқ тошлар

билан қопланган баланд курсилар ўрнатилган. Дўконларнинг ҳар бири икки хонадан иборат бўлиб, кўчанинг бутун усти гумбаз шаклида ёпилган. Буларда ёруғлик тушиб туриши учун дарчалар қурилган. Кўчанинг айрим жойларида ҳовузлар бўлган.

Шу равишда марказий савдо растаси қурилиб, Олтин Ўрда, Рус князликларидан чарм, қалин газмол, Хитойдан шойи газламалар, мушк, ёқут, олмос, марварид, равоч, зиравор дорилар ва бошқа моллар келтирилган. Клавихо Хитойдан 800 туяда карвон келганлигини уз кўзи билан курган.

Ҳиндистондан энг юқори навли хушбўй зираворлар, мускат ёнғоқлари, қалампирмунчоқ, мускат бўёғи, долчин бўёғи ва бошқа моллар олиб келинган.

Самарқандда бир нечта бозор ишлаб, дид билан пиширилган яхна парранда ва мол гўштлари, покиза ёпилган нон, сархил мева-чевалар ва умуман, турли озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилинган, бозорлар кечаю кундуз узлуксиз ишлаб, ҳамма вақт одамлар билан тўла бўлган. Гўшт дўконларида қўй, товуқ, каклик, тустовуқ ва бошқа гўшт хиллари сотилиб, уларни истаган пайтда харид қилиш мумкин эди.

Клавихо шаҳарда кўчма масжид ва ҳаммомни кўрган. Ёғочдан ишланган масжидга зинапоядан чиқилган. Унинг атрофи даҳлиз ва айвон билан ўралган. Зарҳал ва ҳаворанглар билан безатилган масжид зарурият туғилганда бўлакларга ажратилган. Соҳибқирон уни сафарга чиққанда ўзи билан олиб юриб, керагида тиклаган ва беш вақт намозни ўқиган. Шунга ўхшаш сафарда кўчма ҳаммомдан фойдаланилган. У чодирдан иборат бўлиб, сув маҳсус қозонда қайнатилган. Унда қўшин ҳам ювинган.

Соҳибқирон бўйсундирилган мамлакатлардан турли миллат ва ҳунарга мансуб кишиларни шаҳар ва унинг атрофига жойлаштирган. Уларнинг умумий сони 150 мингдан ошган. «Соҳибқирон бу тadbир билан, — дейди Клавихо, — Самарқанднинг шуҳратини оширишга зўр бериб ҳаракат қилган». Самарқанд шаҳрининг атрофи девор ва сувга тўлдирилган зовур билан ўралган. Клавихо ва бошқа элчилар 1404 йил 1 ноябрда Самарқанддан йўлга чиқиб, 27 ноябрда Бухорога келганлар. Унинг сўзига кўра, Бухоро катта шаҳар ҳисобланиб, атрофи



девор ва зовур билан маҳкамланган. Унинг бир четида қалъа қурилган бўлиб, ёнидан сув оққан. Шаҳарда баланд бинолар қад кўтарган. Қишлоқлар кўзга ташланган. Шаҳарда ғалла, гўшт ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари мўл бўлган. Элчилар 1404 йил 5 декабрда Бухородан чиқиб, йўлни давом эттирганлар.

### Алоқа йўлларида

Соҳибқирон мамлакатни ривожлантиришда карвон йўлларининг беқиёс аҳамиятини тушуниб, уларнинг хавфсизлиги ва ободонлигига алоҳида аҳамият берган. Бу йўллардан Клавихо бемалол юриб ва яхши шароитни кўриб, шундай деган: Ясовул элчиларга катта илтифот кўрсатиб, ҳамма ерда бизга таом ва бошқа зарур нарсаларни бериб турди. Улар бизни ҳар куни янги отлар билан таъминладилар. Соҳибқироннинг фармойишига биноан, Самарқандгача ҳар кунлик йўл охирида бир юз, бошқасида икки юз ва ҳоказо отлар тайёрлаб қўйилган эди. Соҳибқирон бирор жойга жўнатган ёки унинг ҳузурига келаётган кишилар мана шу отларда кечаю кундуз тез суръат билан йўл босишлари лозим эди. Бундай отлар аҳоли яшайдиган мамлакатдаги манзилларда ҳам йўловчиларни кутиб турган. Кимсасиз жойларда эса мусофирхоналар тарзида катта бинолар қурилган бўлиб, яқин шаҳар ва қишлоқ аҳолиси бу биноларни сув ва озиқ-овқат билан таъминлашлари лозим эди. Отларни боқиш учун отбоқарлар тайинланган. Соҳибқирон элчилари ёки унга хабар етказмоқчи бўлган бошқа бирор киши етиб келганда, отбоқарлар улар миниб келган отларнинг эгарларини олиб, ўз қарамоғидаги бошқа отни эгарлаганлар. Отбоқарлардан бирикки киши янаги манзилгача йўловчиларга қўшилиб борган. Улар янги манзилга етгандан кейин орқага қайтганлар. Мабодо отлардан бири чарчаб қолса, йўлда учраган ҳар қандай кишининг отини олиб, йўлни давом эттирган. Йўлда учраган суворий оддий киши ёки ҳоким, савдогар ва умуман ким бўлишидан қатъи назар, Соҳибқирон ҳузурига бораётган кишининг талаби билан отдан тушиб, отни унга топширган. Агар талабни бажармаса, ўлимга маҳкум этилган. Зарурият туғилса, от қу-

шиндан ҳам олинган. Ҳатто шаҳзода ёки маликаларнинг отларини олишга ҳам ижозат берилган. Баъзи маълумотга кўра, — дейди Клавихо, — Соҳибқирон ҳузурига бораётган бир киши унинг катта ўғлини отдан тушишга мажбур қилган. Кўрсатилган йўл тартиблари салтанатга қарашли барча мамлакатларда ҳаётга татбиқ этилган.

Шу тариқа, Соҳибқирон ўз қўли остидаги ерлар ва чегараларнинг ҳамма бурчакларидан бир неча кун ичида хабар олиб турган. Унинг ҳузурига келаётган, унинг номидан бирор жойга юборилган киши уч кунлик йўлни бир кунда босиб ўтиб, учта отни ишдан чиқарса, бундай киши Соҳибқиронга катта хизмат кўрсатган бўлади. Йўлдаги бир масофадан иккинчи масофагача устунлар қўйилган.

Шубҳасиз, юқорида шарҳланган йўлларда карвонлар ҳам хавф-хатарсиз ва бемалол қатнаганлар.

Хулоса: Клавихо ўзининг асосий вазифасини оқилона ва билимдонлик билан бажариши баробарида Амир Темур салтанатининг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётига доир маълумотларни кундалигида ёзиб қолдирган. Бу ерда шуни айтиш лозимки, Клавихонинг маълумотлари шу қадар қимматлики, унга ўхшагани маҳаллий ва хорижий манбаларда деярли учрамайди. Тўғри, кундаликда айрим хато фикрлар мавжуд. Бироқ улар унинг қийматини тушира олмайди.

Клавихо жонли гувоҳ сифатида Амир Темур томонидан катта жасорат, билимдонлик ва изчиллик билан амалга оширилган буюк ўзгаришлар ва тараққиётни холис баҳолашга ҳаракат қилган. Унинг маълумотларига кўра, Амир Темур мўғуллар ҳукмронлиги даврида қашшоқлашган ва вайронага айланган Туркистон заминига бамисоли жон киргизиб, тараққиёт ва фаровон ҳаётни таъминлаган. Зеро, деҳқончилик ва ҳунармандчилик соҳалари, ички ва ташқи савдо мисли кўрилмаган даражада юқори босқичга кўтарилган. Айниқса, хароба ҳолдаги Самарқанднинг жаҳонда тенги йўқ йирик, бой, обод ва гўзал шаҳарга айлантирилиб, шон-шухрати олам узра таралиши катта аҳамият касб этди. Бу ерда ва бошқа жойларда кишини ҳайратлантирадиган сунъий суғориш тармоқлари, ҳовузлар, ғоят ҳашаматли бинолар, ажойиб-ғаройиб боғлар, бозорлар, равон йўллар тарихан

қисқа вақт ичида қурилди. Ташқи ва ички савдо кенг кўламда ривожлантирилди. Кўрсатилган буюк ўзгариш ва қурилишлар шахсан Амир Темур ташаббуси ва бошчилигида амалга оширилган эди. У ўз даврининг моҳир меъмори сифатида ҳам танилган ҳукмдор эди. Чунки барча катта-кичик қурилишларнинг барчаси унинг фикрлари инобатга олинган ҳолда амалга оширилган.

Амир Темур ўзбек дипломатиясининг куч-қудратини билимдонлик билан намойиш этди. У тарихимизда биринчи бўлиб қатор Оврўпо мамлакатлари билан элчилик алоқаларини ўрнатди. Бу камдан-кам учрайдиган ҳодиса эди.

Клавихонинг тан олишича, Амир Темур салтанатига қарашли барча жойларда элчиларга олий даражада ғам-хўрлик ва меҳрибонлик кўрсатилиб, уларни шиғовул лавозимидаги кимса кузатиб юрган. Элчиларнинг фаолияти учун айниқса Самарқандда жуда катта имконият яратилиб, шахсан Соҳибқирон томонидан уларнинг ҳурмати ва иззати ўрнига қўйилган. Соҳибқирон 7 йиллик урушдан кейин Самарқандга келиб, ғалабалар шарафига икки ой мобайнида бир неча маротаба туй ва зиёфатлар уюштирган эди. Элчилар буларнинг барчасида қатнашиб, Соҳибқирон билан суҳбатлашганлар.

Клавихо ва бошқа мамлакат элчилари зиёфатларнинг бирида қатнашганларида, саройнинг йирик амалдорларидан бири Малик Мирзо уларга кимхоб тўнлар, астари мўйналик пўстин кийдирган. Бу пўстиннинг ёқасига икки савсар мўйнаси тикилган. Элчиларнинг бошларига телпак берилган. Малик Мирзо элчиларга беш юз кумуш танга солинган халтани топширган. Клавихо ва бошқа мамлакат элчилари зўр ҳурмат ва иззат билан ўз ватанларига қайтганлар.

Клавихо 1412 йилда Мадрид шаҳрида вафот этиб, ота-боболар хилхонасига дафн этилган.

---

## АМИР ТЕМУРНИНГ ВАФОТИ ВА БУЮК САЛТАНАТ ТАҚДИРИ

Амир Темур етти йиллик ҳарбий юришдан сўнг 1404 йил июлда она юртига қайтиб, Самарқанддаги Боғи Чинорга ўрнашди. Бу ерда у бир ҳафта мобайнида дардга чалиниб ётди. Шу орада Муҳаммад Султон мадрасасини бориб кўрди. Соғайгандан кейин Боғи Шамол, сўнг Боғи Баландда истиқомат қилди. Соҳибқирон ўша мадрасага қайта бориб, унинг ёнида олий гумбаз солиш ҳақида кўрсатма берди. Шунга биноан ҳашаматли гумбаз, сардоба ва катта боғ қурилган. Шундан кейин у ўзи қурдирган масжид ва Бибихоним мадрасасини кўриб, тегишли маслаҳатлар берган. У Боғи Чинорда Олтин Ўрда элчиси билан суҳбатлашган. Бу ердан Боғи Дилкушога ўтиб, у ерда Испания элчиси Клавихони қабул қилган. Боғи Шамолнинг жанубида тўрт томонининг узунлиги етти юз эллик метр кенгликда катта боғ ва унинг ўртасида қаср қуриш тўғрисида буйруқ берган. Бу боғ қисқа вақтда битказилган. Кўриниб турибдики, Соҳибқирон она шаҳрига қайтиши биланоқ бунёдкорлик ишларини давом эттирган. Айти пайтда ўзи Самарқандда йўқлигида давлат ишлари қандай олиб борилганлигини синчковлик билан текшириб, йўл қўйилган адолатсизлик ва тартибсизликлар учун маъмурият вакилларини жазолаган. «Темур, — деб ёзади Ибн Арабшоҳ, — ўзи ғойиблигида мамлақати ва раияси ишларида нелар юз берганини суриштириб, еру мулклари масалаларини диққат билан ўргана бошлади ва ҳокимларига йўл-йўриқлар кўрсатди; атроф ва чегаралар, теварак-четлар фойдаси тадбирини кўриб, каттаю кичикнинг ғамини еб, бою фақирнинг манфаати билан машғул бўлди. Ўз мулоҳазаси тақозосига кўра барча ашёларни ўз ўрнига қўйиб, жами мансабу мартабалар жиловини ўшанга сазовор кишилар қўлига тутқазга бошлади»<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. 2-китоб, 304-бет.

Бинобарин, Соҳибқирон текшириш жараёнида кўп номаъқул ишларни кўрганки, мансабдорларни алмаштириш ва айрим ўта нуфузли кишиларни қаттиқ жазолашгача борган. Масалан, Самарқанд шаҳар бошлиқлари Хожа Муҳаммад Довуд ва Муҳаммад Жалд дорга осилдилар. Ўғирлик, бузуқчилик ва бошқа қабих ишлар билан шуғулланувчилар ҳам илдизи билан қуритилди. Тухмат билан зиндонга ташланган собиқ шаҳар ҳокими Хожа Шарофиддин Али озод қилиниб, Хожа Фахриддин Аҳмад билан биргаликда шаҳар девонига тайинландилар.

Соҳибқирон салтанат бошқарувини яхшилаш ва жойларда маъмуриятга кўрсатмалар бериш мақсадида қурултой чақирди. Унда барча вилоятлар ҳокимлари, лашкарбошилар, дин пешволари ва нуфузли кишилар қатнашдилар. У ўзи йўқлигида мансабдорларнинг айби билан жамоа аҳли ранжитилганлигини ҳисобга олиб, кайфиятини кўтариш мақсадида халқ байрамини ўтказиш ва шу билан бирга набираларини уйлантириш ҳақида кўрсатма беради. Бу хусусда Ибн Арабшоҳ шундай ёзади: «Темур Самарқанд аҳлига зеби зийнатга ўрналишни, улар устидан жабру ситамларни кўтариб, солиқ ва тўловлардан озод қилишни, уларга омонлик бисотини ёзишни, аҳолидан каттаю кичик, юқори-қуйи (табақали) кишиларга фазлу эҳсон билан муомала қилишни, ўз ерларида қилич яланғочламаслик, зулм ва ноҳақлик қилмасликларини ҳамда уларга (Самарқанд аҳлига) ўз зебу зийнатлари билан Самарқанд этагида, бир милда жойлашган Конигил деб аталадиган жойга чиқишларини амр қилди. У жойнинг ҳавоси мушкдан ҳам соф, суви қанддан ҳам ширин бўлиб, гўё бу (жойлар) жаннат бўстонидан (бўлиб олинган) бир қитъа»<sup>1</sup>. Ушбу сатрларда Соҳибқироннинг ўз ватанига ва халқига содиқлигини, адолат, тинчлик ва фаровон ҳаёт учун курашганлигини акс эттирувчи далиллар ўз ифодасини топган. Ҳатто у жамоа аҳлини солиқ ва тўловлардан озод этишгача борган. Бундай олижаноблик тарихда камданкам учрайдиган ҳодисадир. Бу ўша даврдаги мўлкўлчилик ва тўкинчиликнинг маҳсули эди, албатта.

Соҳибқирон халқ байрами ва тўйни уюштиришга

---

<sup>1</sup> Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. 2-китоб, 304–305-бетлар.

шахсан ўзи бошчилик қилди. Конибилда минглаб кишилар сизадиған чодир ва ўтовлар тикилиб, олтин, кумуш, нодир жавоҳирлар билан безатилди. Олтиндан ясалған идиш-товоқлар қўйилиб, турли овқатлар пиширилди. Байрам ва тўйда Соҳибқироннинг фарзандлари, хотинлари, келинлари, қариндошлари, вилоятлар ҳокимлари, мингбошилар, юзбошилар, ўнбошилар ва ҳарбий қисмлар ўзларига белгиланған жойларга ўрнашдилар. Эрон, Туркия, араб мамлакатлари, Олтин Ўрда, Хитой, Миср ва бошқа қатор мамлакатлардан элчилар ташриф буюрди. Уларнинг орасида Клавиҳо ҳам бор эди. «Темур, подшоҳлар ва амирлар, уфқлар султонлари ва улўғларини, туман оқсоқоллари, аскарлар азимлари ва қўмондонларини таклиф этиб, ... уларга гоят қимматбаҳо хилъатлар кийгизиб, хилма-хил инъом-эҳсон ва армуғонлар адо этиб, уларнинг ҳар бирини ўз ёнидан ўнг (томон)ига ўтқазарди. Аммо чап томони эса аёллар ва хонимлар учун (махсус) эди. Дарвоқе, аёллар эркаклардан бекинмасдилар»<sup>1</sup>.

Байрам мобайнида Соҳибқироннинг набиралари Улўғбек, Иброҳим Султон, Ийжал, Аҳмад ва Бойқаролар уйлантирилди. Тўйда ўзбек, араб, хитой, мўғул ва бошқа халқлар рақслари, ашула ва куйлари янгради. Унинг кўрсатмасига кўра, байрам ва тўй кунлари халқнинг амалий ва бадиий санъатининг юксак намуналари намойиш қилинди: «Шаҳар аҳли зебу зийнатларини юзага чиқариб, Темурнинг рўпарасига, кўзга ташланадиган жойга қўйдилар. Шаҳар аҳлидан ҳар бири ўз ҳоли-қудрати етгунча кўркам бўлишга уринди. Ҳар бир ҳунарманд ўз ҳунарига боғлиқ нарсада жидду жаҳд кўрсатди, ҳар бир санъат аҳли ўз санъатига мансуб нарсада имконида ҳам ошириб ҳунарини кўрсатдики, ҳатто бир қамиш тўқувчи (қамишдан) мукамал қурол-яроғли бир отлични ясаб чиқарди ва унинг суратини камолига етказиб, ҳатто тирноқларини киприкларини ҳам ясади. Унга (отлиққа) зарур бўлған қурол-яроғлардан ёй, қилич ва бошқа тааллуқли нарсаларнинг ҳаммасини камолига етказиб ясади. Ушбу (анжом)ларнинг барчаси қамишдан бўлиб, уларни ҳеч бир машаққат ва қийноқсиз (ҳамма-

<sup>1</sup> Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. 1-китоб, 312-бет.

сини) ўз ўрнига тиклади. Пахта титувчилар пахтадан тиклиги ярашган, баланд, пишиқ ишланган, гўзал суратли нафис ва чиройли бир мезана ясадиларки, у ўз жисмининг оқлигида жаннат хуридан кўра ҳам юқори ва бўйининг баркамоллиги (баланд) қасрлардан кўра ҳам баланд эди... У ўз хусни билан одамлар назарини ўзига лол қилар ва қоматининг олийлиги билан бу бепоён масканда ўткинчиларга йўл кўрсатиб турардики, ҳатто у сайёрага бир белги ва ўша бинолар жомеълари устидаги бир минора бўлиб қолди. Шунингдек, заргарлар, темирчилар, этикдўзлар, ёй ясовчилар ва бошқа тоифалар ҳунармандлари, мусиқа, ҳазил-мутойиба ва латифалар соҳиблари ҳам ўз ҳунару санъатларини намоён қилдилар»<sup>1</sup>.

Мазкур маълумотларнинг аҳамияти шу даражада каттаки, улар кўп масалаларни ҳал этиш имконини беради. Авваламбор, улар Соҳибқироннинг халқ ҳунармандчилигига катта аҳамият берганини кўрсатади. Натижада ҳунармандчиликнинг барча турлари юқори чўққига кўтарилиб, самарадорлиги ва олий сифати билан ажралиб турган. Масаланинг муҳим томони яна шундаки, ҳозирги замон тили билан айтганда, ишлаб чиқариш маҳсулотларининг кўрғазмаси жаҳонда илк бор Амир Темур томонидан кашф қилинган дейилса, асло хато бўлмайди. Байрам ва тўй кунлари рассомчилик санъатининг улкан ютуқлари ҳам халойиқ диққатига ҳавола қилинган. Бу ажойиб ҳодиса гувоҳининг ёзишича, чодир ва ўтовлар «хилма-хил нақшлар билан нақшланган бўлиб, наботот, иморатлар ва аршлар, турли-туман ҳашаротлар, қушлар, ваҳший ҳайвонлар, кекса ва ёш кишилар, аёллар, болалар расмлари, китобат нақшлари, мамлакатлар ажойиботлари, мусиқа асбоблари ва ҳайвонлар ғаройиботлари суратлари алвон бўёқлар билан безалганки, улар бекаму кўстлик ва етукликда ўта камолга молик эди. (Улар шундай маҳорат билан ишланганки) гўёки суратлари ҳаракатга гушиб, сен билан суҳбат қураётгандек ва қўйи эгилиб турган мевалар эса ўзини теришга сени чорлаётгандек туюлади»<sup>2</sup>.

Бу ерда шуни айтиш лозимки, Туркистон заминидаги

<sup>1</sup> Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. 2-китоб, 308–309-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша жойда. 307–308-бетлар.

рассомчилик кейинги минг йил мобайнида Амир Темур давридагина биринчи ва охириги маротаба юксак даражага кўтарилди. Рассомчиликнинг кенг кўламда ривожланиши Соҳибқирон дунёқарашининг чуқурлиги ва илғорлигидан, умуман санъатнинг барча турлари қадрига етганлигидан далолат беради.

Ибн Арабшоҳ Конигилдаги байрамларни тасвирлашни давом эттириб ёзади: «Шундай қилиб, осойишталигу хотиржамлик, фароғату тўкинчилик, нархи-наво арзонлиги, орзу-ҳавас ушалиши, замон мўътадиллиги, султон адллиги, тани-бадан сиҳатлиги, вақти чоғлик, нафрат кўтарилиши, матлубга етишиш, маҳбубга висоллик ҳосил бўлди... Ушбу тўй тантанасида Темурга савлатлилик ва улуғворлик, ҳашамат ва дабдабалиқдан (шундай) бир (улуғ) нарса муяссар бўлдики, ўйлайманки, бу қадарлик нарса қадим ўтган халифалардан ҳеч бирига насиб бўлмаган ва (бундан) кейин келадиганлардан ҳам биронта-сига насиб бўлмайди»<sup>1</sup>.

У Амир Темур даврида салтанатда ўрнатилган тинчлик, барқарорлик, фаровон ҳаётни шу даражада тўғри баён этганки, уларни изоҳлашга ўрин йўқ, деб ўйлаймиз. Шунингдек, унинг Амир Темур улуғлигини тан олиши ҳам катта аҳамият касб этади. Соҳибқирон халқнинг ўзига нисбатан мислсиз меҳр-муҳаббати, ҳурмат ва иззати, меҳнатсеварлиги ва маҳоратини кўриб, ич-ичидан ғурурланди ва фахрланди. Худди шу дамларда она юрти ва халқининг бахт-саодати учун умр бўйи олиб борган курашлари беҳуда кетмаганлигидан Соҳибқироннинг боши осмонга етган бўлса, ажаб эмас.

Соҳибқирон байрам ва тўй охирида халойиққа қарата шундай деган экан: «Тенги йўқ Тангри ва ранг-баранг оламнинг эгаси рубъи маскундаги мамлакатларнинг ихтиёр жиловини бизнинг қудрат чангалимизга тутқазган ҳамда жаҳоннинг қуруқлигию сувларидаги барча махлуқотни бизнинг амримизга бўйсундирган экан, оламини ёритувчи офтоб мисоли, узоқ ва яқинни бир хил қилиб, барча давлатлар ва миллатлардан кучли ва заиф, фақир ва шариф, катта ва кичик ҳаммасини ўз марҳаматимиз ҳимояси ва шафқатимиз соясида бир хил

<sup>1</sup> Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. 2-китоб, 311-бет.



кўришни, ҳар бир кишини ўз мавқеига қараб бу буюк давлат маҳсулидан баҳраманд этишимизни шарт қилиб қўймиш. Сизлар ҳам ҳар доим, агар (берган неъматларимга) шукур қилсангизлар, албатта уларни зиёда қилурман»<sup>1</sup>.

Соҳибқироннинг ушбу сўзлари инсонпарварлик, миллати ва динидан қатъи назар барча халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва уларнинг давлатдан баб-баробар баҳраманд бўлишларини акс эттирувчи туйғулар билан суғорилган. Барча халқларга бундай адолатли муносабатда бўлиш тарихда деярли учрамайди. Аксинча, салтанатлар тарихида улуғ миллатчилик ва камситиш сиёсати кенг қулоч ёйганлиги маълумдир.

### Соҳибқирон васияти

Умрининг охириги ойларида Амир Темур Хитой юришига тайёргарлик кўргани маълум. Бунга ўша кезларда ушбу мамлакатда ҳукмронлик қилаётган мин сулоласи императорларининг Туркистон заминига даъвогарликлари, манманликка берилиб, Соҳибқиронга «ўғлим» деб мурожаат қилганликлари сабаб бўлган эди. Зеро, ўша давр дипломатиясида у ёки бу ҳукмдорни «ўғлим» деб аташ «сен менга тобесан», дейишини англаган. Император Соҳибқирондан солиқ тўлаб туришни талаб қилиш даражасигача катта кетган эди. Шу боис, Соҳибқироннинг унга қарши лашкар тортишдан бошқа иложи қолмаганди. Туркистон, Эрон, Туркия, Ироқ, Озарбайжон ва салтанатнинг бошқа жойларидан тўпланган 200 минг кишилик қўшин Амир Темур бошчилигида 1404 йил 15 январда Ўтрорга келиб ўрнашади. Шу кунларда совуқ шу даражада қаттиқ бўлгандики, «тил оғиз»да уюшиб қоларди. Мана шундай қаҳратон қишда Соҳибқирон дардга чалиниб, аҳволи кундан-кунга оғирлашиб борди. «Одатга кўра, — дейди Ҳофизи Аbru, — аркони давлат ва ҳазрат (Соҳибқирон)нинг яқинлари ҳар бири (Аллоҳга) илтижо қилиб турардилар. Шу орада (Аллоҳнинг) қули бўлмиш ҳазрат Соҳибқирон аввал бир бармоғини, сўнгра икки бар-

<sup>1</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома. 394–395-бетлар.

моғини кўтарди ва кўзи билан имлаб бу нимани англа-  
тишини сўради. Амирлардан баъзилари бунга жавоб  
топмоққа уриндилар ва: «Ҳазрат (Соҳибқирон тузалиш  
учун) бир ёки икки илож қолди, (деб ишорат қилдилар),  
дейишди. (Ҳазрат Соҳибқирон). «Йўқ, мен ундай демоқ-  
чимасдим, «Мен сизнинг орангизда бир кун ёки икки  
кундан ортиқ бўлмасман», — деди. Ушбу сўзларнинг  
(ҳақлигини исботлаш учун) гувоҳликка табибларни ча-  
қиртирди ва амирлар барча кечмишни сўзлаб бердилар.  
(Соҳибқирон табибларга): «Ростини айтинг, хушомад  
қилманг, чунки менга тўғрилиқ ёқади», — деди. Табиблар  
дедилар: «Аллоҳнинг инояти билан ҳали кўп йиллар  
Яратганнинг сояси (бўлмиш подшоҳимиз) рубъи мас-  
кундаги мамлакатлар узра барқарор бўлғай, деган умид-  
дамиз. Бироқ тиббиёт қондасидан келиб чиқилса, (Аллоҳ-  
нинг) кули бўлмиш ҳазрат (Соҳибқирон) айтганларича  
эрур». Бундан мулозимлардан баъзиларининг, нега  
бундай дедингиз, деб жаҳли чиқди. (Аллоҳнинг) бандаси  
бўлмиш ҳазрат (Соҳибқирон) эса, уларга таҳсинлар  
айтди»<sup>1</sup>.

Демак, Соҳибқирон тўғри гапни ўлим тўшагида ётга-  
нида ҳам унутмади. Бундан бошқача бўлиши мумкин ҳам  
эмасди. Чунки у умрининг охиригача жасорат, адолат,  
ростгўйлик, ҳалоллик сингари олий фазилатлар билан  
ҳаёт кечирди. Унинг васияти ҳам шунинг исботидир:  
«Англаб турибманки, руҳ қуши қалб қафасидан парвоз  
қилмоқчи. Тангри таолонинг даргоҳига жонимни бахш  
этаётиман. Сизларни унинг лутфу марҳаматига топ-  
ширдим. Оби дийда қилиб ўлтирманглар, оху нола чек-  
манглар, чунки бундан фойда йўқ. Руҳимни фотиҳа ва  
такбир билан шод этинглар. Алҳамдулиллоҳ, Тангри та-  
олонинг ёрдами-ла маъмурайи оламни шундай забт эт-  
димки, бугун тамом Эрону Туронда бирон кишининг  
бошқаларнинг ишига аралашиб ёки жабру бепок қўлини  
бечораларга озор бериш учун кўтаришга мажоли йўқдир...  
Тангри таолонинг мулкани беқиёс сахийлик билан қў-  
риқладим, золимларнинг тааррузли қўлини мазлум-

<sup>1</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома. 399–400-бетлар.

ларнинг ҳаёт этагидан юлиб ташладим, ...зўравоннинг заиф устидан зўравонлик қилишига йўл қўймадим...

Шу кундан эътиборан фарзандимиз Пирмуҳаммад Жаҳонгирни ўзимизга валиаҳд ва тожу тахт вориси этиб тайинладикким, Самарқанд тахти унинг амр-фармонида бўлгай, тамкинлик ва истиқлол билан мулку миллат, лашкар ва раиятнинг муҳим юмушлари билан машғул бўлсин. Сизлар (эса) унга тобелик ва бўйинсуниш маросимини ўрнига қўйинглар, уни биргаликда қўллаб-қўлтиқланглар, токи олам бузилмасин... Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Заифаларни қўринг, йўқсулларни бойлар зулмига ташламанг. Адолат ва озодлик – дастурингиз, раҳбарингиз ўлсин. Мен каби узун салтанат сурмак истасангиз, қиличингизни яхши ўйлаб чекингиз. Орангизга нифоқ тухумлари экилмаслиги учун кўп диққат бўлинг. Баъзи нодимларингиз ва душманларингиз нифоқ тухумлари сочмакка, бундан фойдаланмакка чалишажакдурлар. Фақат васиятимда сизга идора шаклини, унинг илқуларини кўрсатдим. Буларга содиқ қолсангиз, тош бошингизга тушмас...

Мендан сўнг хоқон – Пирмуҳаммад Жаҳонгир ўлажакдир. Онга, менга итоат этар каби итоат этажаксиз. Қўмондонларим, менга ҳозир итоат омини изҳор этингиз»<sup>1</sup>.

Ушбу васиятни эшитган барча лашкарбошилар, сарой одамлари кўз ёшлари билан «омин» деб фотиҳа ўқидилар. Шундан кейин, 1405 йил 18 февралда Соҳибқирон дунёдан кўз юмди.

Васиятда Соҳибқироннинг Ватан ва халқ олдидаги буюк хизматлари, ворислар, мансабдорлар ва лашкарбошиларга қолдирган топшириқлари шу даражада ишончли ва лўнда баён қилинганки, уларни ортиқча изоҳлашнинг ҳожати йўқ. У Соҳибқироннинг нафақат ўзбек халқи, балки бошқа барча миллатлар халоскори, меҳрибони ва ғамхўри бўлганлигини кўрсатади. Аммо вазият Соҳибқирон ўйлаганидек бўлиб чиқмай, тўстўполонлар бошланиб кетди. Ҳофизи Абрунинг сўзи билан айтганда, Соҳибқирон шундай бир шаҳаншоҳ эдики, унинг йўқлигидан жаҳонда парокандалик бошланди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Амир Темур ўғитлари. Т., 1992, 60–61-бетлар.

<sup>2</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома (иловада), 402-бет.

## Ворислар хиёнати ва тахт учун курашлар

1405 йил 19 февраль тунида Соҳибқироннинг жасади Сароймулкхоним, Тўкалхоним, Тумон Оғо, набираси Улуғбек ва бошқа атоқли кишилар кузатувида Самарқандга юбориладиган бўлди. Улар Хожа Юсуф ва Али Қавчин бошчилигида йўлга чиқдилар. Шундан кейин Соҳибқирон васият қилаётганда унга жонлари чиққунга қадар содиқлигини ва нима деган бўлса, барчасини *оғишмай амалга оширишларини* изҳор қилган амирлар – Шоҳ Малик ва Шайх Нуриддин кенгаш ўтказиб, Соҳибқирон режалаштирган ҳарбий юришни давом эттириш ҳақида қарор қабул қилдилар. Айни пайтда улар Соҳибқироннинг вафоти ва васиятини салтанатнинг турли жойларида ҳукмдорлик қилаётган ўғиллари Мироншоҳ ва Шоҳруҳга, набиралари Халил Султон, Пирмуҳаммад, Умар ва бошқаларга хат орқали маълум қилдилар. Шоҳ Малик ва Шайх Нуриддин ҳарбий юришни давом эттиришга ҳаракат қилдилар, лекин Соҳибқироннинг ўғил ва набираларидан ҳеч қандай мадад ололмадилар. Аксинча, уларнинг ҳар бири Соҳибқироннинг Пирмуҳаммадни ҳукмдор этиб тайинлаганлиги ҳақидаги васиятини тан олмай, тахтни эгаллашга ҳаракат қилди. Тошкентда истиқомат қилаётган Халил Султон васиятга хиёнат қилиш йўлига ўтди. Бу Шоҳ Малик ва Шайх Нуриддинни ташвишга солди ва кўшин билан Самарқандга жўнашларига сабаб бўлди. Улар Соҳибқирон жасадини олиб келаётганлар билан Сирдарёдан ўтганларида учрашдилар. Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, бу ерда «эру хотун йиғламоқ била фарёду зори кўтардилар ва андоқ фиғону шўри оламда туштиким, садоси гунбази афлокдин ўтти. Беклар ва қавчинлар дасторларини бошларидан ташлаб, ўзларини туфроққа солдилар. Ва оғолар сочиларини узуб, юзларини йирттилар ва кулу туфроқ бошларига сочиб, фарёд этар эрдилар»<sup>1</sup>.

Шу тариқа жамоа аҳлини жудолик ва қайғу-алам қоплаб, акс садоси осмону фалакни қамраб олган эди. Юракларни ўртовчи бундай мотам ҳукм сураётган пайтда Соҳибқирон айрим ворисларининг фикри-зикри қандай

<sup>1</sup> Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. 298-бет.

бўлмасин тахтни эгаллашдан иборат бўлди. Чунончи, Халил Султон қимматбаҳо совғалар тарқатиш орқали атрофига тарафдорларни тўплашга эришди ва куч тўлаб, Тошкентдан Самарқандга отланди. Бир гуруҳ амирлар, Соҳибқирон васиятини писанд қилмай, Халил Султонни қувватладилар. Уларнинг орасида Соҳибқироннинг яна бир набираси ҳам бор эди. Шу тариқа «амирзода Аҳмад Умаршайх ва амир Худайдоди Хусайний ва амир Аббос ва Ёдгоршоҳ Арлот ва амир Шамсуддин Аббос ва Бурундуқбек ва ўзга бекларким анда эрдилар, барча иттифоқ қилиб оғолар била ва Шайх Нуриддинбек била ва Шоҳ Маликбек била кенгаш қилмай, амирзода Халил Султонни подшоҳ кўтардилар»<sup>1</sup>.

Бу ерда шуни айтиш лозимки, Халил Султон ва унинг тарафдорлари Соҳибқирон васиятига содиқликларини ва Пирмуҳаммаднинг валиаҳдлигини тил учида тан олган ҳолда ҳаракат қилдилар. Буларнинг ҳаммаси кўзбўямачиликдан иборат эди, холос. Энг фожиалиси, Соҳибқирон томонидан пойтахт бошлиқлигига тайинланган Арғуншоҳ жасадни шаҳарга киритиб, Сароймулкхоним, Тўкалхоним, Тумон Оғо ва бошқа маликаларни қўймаган. Шунингдек, Улуғбек, Шоҳ Малик ва Шайх Нуриддинга ҳам шаҳар дарвозаси очилмаган. Бундай хоинлик ва адолатсизликдан ғазабланган маликалар, Улуғбек ва беклар Бухорога йўл олишга мажбур бўлганлар. Шу равишда Соҳибқироннинг жасади унинг фарзандларисиз, набираларисиз, содиқ лашкарбошиларисиз Муҳаммад Султон мадрасасига кўмилди. Бу маросимда Соҳибқироннинг Самарқандда қолган хотин ва қариндошлари қатнашганлар, албатта. Хусусан, шаҳарнинг чеккасидаги «Соҳибқироннинг ҳарамлари баъзи кичик шаҳзодалар била, мисли Бойқаро ва Ийжал ва Саъд Ваққос ва Суйурғатмиш ва ғайруху ва жамоат хосса кишилари била Алиободдин кўчуб, Соҳибқироннинг туғ ва наққораси била Самарқанд сари мутаважжиҳ бўлдилар ва таъзият тўнларини кийиб, нола ва фарёд била Чаҳорроҳа дарвозасига еттилар. Ичкаридаги беклар ёмон андишалар қилиб, аларни киргали қўймадилар. Ва ул кун улар шаҳзода Шоҳрухнинг боғиким, дарвозага яқин эрди, анда

---

<sup>1</sup> Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. 301-бет.

бориб туштилар ва ул кеча анда турдилар. Тонгласи... шаҳарга кирдилар ва Муҳаммад Султон мирзонинг мадрасасига бордиларким, Соҳибқиронни анда қўйиб эрдилар. Анда тушконда аза очиб, фарёд ва фиғонга машғул бўлдилар. Оғолар юзларини йиртиб, сочларини узиб, андоқ зори бирла йиғлар эрдиларким, шарҳ қилса бўлмас. Ва шаҳзодаларнинг хотунлариким, шаҳарда эрдилар ва бекларнинг хотунлари ва бузуртларнинг хотунлари барча қаро кийиб, бўйунлариға қаро кийизлар солиб, барча келиб жамъ бўлуб, фарёд қилур эрдилар. Ва амирзода Муҳаммад Жаҳонгирким, шаҳарда эди ва ўзга шаҳзодалар ва беклар ва ақобиру ашроф, мисли Хожа Абдул Аввал ва Хожа Асомиддин ва Саййид Шариф Журжоний ва Амирак Донишманд ва ғайруху барча либосларини тағаййур бориб, ҳозир бўлдилар. Ва самарқандийларнинг аҳли барча дўконларини боғлаб, нола ва фарёд қилур эрдилар...

Шаҳрнинг эру хотуни барча  
Қилдилар бу алам учун афғон.  
Ёқоларини қилдилар юз чок,  
Кўзлари эрди барча гирён»<sup>1</sup>.

Бинобарин, шаҳар ва унинг атрофидаги халқнинг барча тоифалари қора либосга ўралиб, жудолик аламини тортганлар. Бу умумхалқ мотамида кўз ёш тўкмаган кимса қолмади. Ўша куни савдо-сотик, меҳмондорчилик, тўй ва бошқа маросимлар тўхтатилди. Соҳибқирон дафн қилингандан кейин бир ой мобайнида шаҳарда аҳолининг ҳаёти ваҳима ва хавотирликда кечиб, турли мишмишлар вазиятни янада кескинлаштирди. Чунки, салтанат ҳамон ҳукмдорсиз ва тартибсиз бўлиб, юқори табақа вакиллари саросимага тушиб қолгандилар. Ниҳоят, 1405 йил 18 мартда Халил Султон васиятга итоат қилмай сотилган беклар ва қўшин билан Тошкентдан Самарқандга келиб, тахтни эгаллайди. Манбаларнинг кўрсатишича, бу ерда унга қаршилик кўрсатилмаган. Аксинча, юқорида тилга олинган Арғуншоҳ бошчилигидаги бир гуруҳ беклар ва нуфузли кишилар Халил Султонга тахт ва хазинани икки қўллаб топширдилар.

---

<sup>1</sup> Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. 305-бет.

Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, бу вақтда «Самарқанддек ер юзида маъмур шаҳар йўқ эрди. Ва атроф оламдаги фозиллар ва донишмандлар ва ҳунармандлар кўчлари била анда эрди. Ва хазиначарким, анда бор эрди – олтуни кумуш ва рахту қумош ва аслаҳа – ҳар нимадан хазиначар тўла эрди, андоқким, агар барча олам нависанда бўлиб, ҳисоб этса эрдилар, бир хазиначарнинг уҳдасидан чиқа олмас эрдилар... Ва ўттуз олти йилким, ҳазрат Соҳибқирон оламни мусаххар қилиб эрди ва вилоятларнинг молу хирожи мунда тушар эди, мундоқ хазиначар ва яроқ бу шаҳзоданинг эликига тушти»<sup>1</sup>.

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, нодир бойликлар, Соҳибқирон ният қилганидек, тахт вориси Пирмуҳаммад эмас, балки хаёлда йўқ Халил Султон томонидан осонлик билан эгалланди.

Тахтни ғайриқонуний босиб олган ҳукмдор хазиначарни мамлакат ва халқ манфаати учун эмас, балки ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва ҳузур-ҳаловатини таъминлашга сарфлади. Чунончи, у лашкарбошилар, мансабдорлар, дин пешволари ва бошқа атоқли кимсаларни ўз тарафига жалб қилиш мақсадида олтин, кумуш ва жавоҳирларни буғдой тортадиган тарози билан улашди. Унинг бундай қилмасликдан ўзга иложи ҳам йўқ эди. Чунки Шоҳрух, Пирмуҳаммад ва бошқа шаҳзодалар тахтдан воз кечишмаган, беклар ва лашкарбошилар орасида Соҳибқирон васиятига содиқ кишилар кўп эди.

Халил Султон бобоси Соҳибқиронга «содиқлиги»ни намойиш қилиш ва мавқеини мустаҳкамлаш учун унинг жасадини Муҳаммад Султон мадрасасидан олиб, ҳозирги гумбазли мақбарага дафн этиш билан шуғулланди. Бу тадбир қандай амалга оширилганлигини Ибн Арабшоҳ қуйидагича таърифлаган: Жасадни «тобутга солиб, бошлиқлар бошларида кўтардилар. Унинг жанозаси маросимида подшоҳлару кўшинлар бошьяланг, қора кийим кийган ҳолда бордилар, улар билан бирга амирлар ва аъёнлар тоифалари ҳам бор эдилар. Темурни набираси Муҳаммад Султоннинг ёнига, набираси мадрасасига, Руҳобод деб аталадиган жой яқинига қўйдилар... Халил Султон унинг (жасади) устида аза шартларини: хатми Куръон, рубъа поралари, дуо ўқитиш, садақалар тар-

<sup>1</sup> Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. 307-бет.

қатиш, таомлар ва ширинликлар улашишни бажо келтирди. (Кейин) у қабрни сағана қилиб ишлатиб, (Темур) ишини ниҳоясига етказди»<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, Соҳибқирон жасади шаҳарда икки маротаба дафн қилинди. Бу галги мотам маросими ҳам оммавий тус олиб, жамоа аҳлининг барча табақалари Соҳибқироннинг руҳини ёд этдилар. «Қабри устига кийимларини ёйиб, деворларига эса қурол-аслаҳа ва анжомларини осди. Буларнинг ҳаммаси қимматбаҳо тошлар ва олтин билан безатилиб, заркаш берилиб ишланган эди. Улардан энг арзимаганининг қиймати бир иқлим хирожига баробар ва у жавоҳирлар уюмидан бир буғдой донаси (миқдорининг) баҳоси тақвимдан ортиқ эди. Унинг қабри шифтлари самосига олтин ва кумуш қандиллар юлдузларини илди... Темур қабри (аввалги) машҳур жойида бўлиб, унга назр-нузурлар келтирилиб, кишилар ўз ҳожатларини тилайдилар, унинг ёнида дуо қилиб, рижо истайдилар. Агар қабр ёнидан подшоҳлар ўтиб қолсалар, таъзим билан бош эгадилар, кўпинча унга ҳурмат ва иззат юзасидан ўз уловларидан тушадилар»<sup>2</sup>.

Демак, Соҳибқирон қабри шу даражада қадрли зиёратгоҳ ҳисобланганки, одамлар уни тавоф қилганлар, мадад сўраб, тилакларини изҳор қилганлар. Шубҳасиз, Соҳибқирон ўзи озодликка чиқарган ва ардоқлаган халқининг бошини руҳан силади, эркалади, дардига дармон бўлиб, мушкулларини осон қилди. Ўз халоскори ва ҳукмдори Соҳибқирондан миннатдор халқ оммаси унинг буюк хизматларини унутмай, қабри олдида отдан тушиб, ҳурмати ва қадр-қимматини ўрнига қўйганлар.

Халил Султон тўрт йиллик ҳукмдорлиги мобайнида маишат билан шуғулланиб, давлат ишларига етарли даражада аҳамият бермади. Олдиниға Соҳибқирон тўплаган бойликларни совурди. Устиға-устак, у Шодмулк исми аёлға уйланиб, унинг чизган чизифидан чиқмади. Бу айёр хотин билан маишат қилиб, унинг асирига айланди.

Натижада, «Халил Султон хотин тили билан, хотини эса Халил Султон тили билан сўзлайдиган бўлиб қолди». Бошқача айтганда, Халил Султон хотинининг рози-

<sup>1</sup> Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. 1-китоб, 11–12-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша манба. 12-бет.



лигисиз фармонга имзо чекмасди. Ўша хотин ўзига яқин кишиларни мансабларга, ҳатто вазирлик лавозимига тайинлади. Уларнинг барчаси қобилиятсиз ва нопок кишилар эди. Соҳибқирон васиятига хоинлик Бухорода ҳам содир бўлиб, шаҳар бошлиғи Рустам Шоҳ Малик, Шайх Нуриддин, Улуғбек ва Иброҳим Султонларга хужум қилди. Аммо улар қочиб, Шоҳрух ҳузурига бордилар. Шоҳ Малик эса Амударё бўйида ўрнашиб, курашни давом эттирди. Умуман, Соҳибқироннинг ўғли ва набиралари Шоҳрух, Халил Султон, Султон Хусайн, Пирмуҳаммад, атоқли бек ва лашкарбошилар ўртасида тахт учун кураш қизиқиб, салтанат заифлашди. Бундан фойдаланган душманлар – Мўғулистондаги мўғуллар бош кўтарди. Олтин Ўрда амири Идиқу Хоразмни эгаллаб, Бухоро атрофида талончилик билан шуғулланди. Қора Юсуф эса Озарбайжонни забт этди.

Ниҳоят, 1409 йилда Шоҳрух Халил Султонни мағлубиятга учратиб, Самарқандни эгаллади ва тахтга ўғли Улуғбекни ўтказди, Халил Султон тарафдорларини қаттиқ жазолади. Айниқса, Шодмулкка нисбатан алоҳида чора кўрилди: «Шодмулкни қўлга олиб хўрладилар, уни ҳимоя қилган кишиларни таҳқирлаб, шаънини пастга урдилар. Уни гўё тиконли дарахтга боғлагандек азоб билан ўрадилар ҳамда ундаги мол-дунёни олишда зolim амалдорлар қўллайдиган қийноқларни қўлладилар. Шу зайлда хўрлаб, турли-туман бойликларни ундан олгач, уни маҳкамлаб арқон билан қаттиқ боғладилар ва бозорларда жарчи чақиртириб, (уни) халойиққа сазойи қилдилар»<sup>1</sup>. Халил Султонга эса Шоҳрух Эрондаги Рай шаҳри ҳокимлигини берди. У шу ерда 1411 йилда вафот этгач, рафиқаси Шодмулк бу жудоликка чидамай ўзига ханжар уриб жонидан кечди.

Шоҳрухнинг ҳукмронлик йилларида (1409–1447) Хоразм, Озарбайжон ва бошқа жойлар қайта қўлга киритилиб, салтанат қаддини анча ростлаб олди. Бироқ салтанат дардга чалинган эди.

**Хулоса:** Соҳибқирон васиятини дастлаб ворислари, сўнг айрим мансабдор ва лашкарбошилар бузиб, кўпроқ шахсий манфаатларини ўйлаб иш юритдилар. Натижада,

---

<sup>1</sup> Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. 1-китоб, 61-бет.

салкам беш йил мобайнида беҳуда қонлар тўкилди, бойликлар таланди ва парокандалик ҳукм сурди. Шу йилларда салтанат «баданига чиққан яра» борган сари катталашиб, уни ич-ичидан заифлаштириб борди. Подшоҳларнинг, шу жумладан, Амир Темурнинг ҳам кўп хотинлилиги ўзаро курашларни авж олдирди. Чунки отаси бир, онаси бошқа фарзандлар ва набираларнинг ҳар бири ўзини тахтни эгаллашга ҳақдор деб билди.

Соҳибқирон вафотидан кейин мураккаб вазиятни бар-тараф этиб, салтанат жиловини маҳкам ушлашга қодир кучли шахс, яъни ҳукмдор топилмади. Айниқса, катта ўғил Шоҳрухнинг билимдонлик ва шиддат билан ҳаракат қилмай, Хуросонда «беркиниб» ўтириши ўта салбий оқибатларга олиб келди. У амалда салкам беш йил аянчли воқеаларнинг томошабини бўлиб турди. У барча шаҳзодаларни ўз атрофига жипслаштириб, Самарқандни зудлик билан қўлга олиши лозим эди. Шоҳрух кеч бўлса-да, пойтахтни қўлга киритди, лекин бу иш «темирни қизигида бос» дейилганидек, ўз вақтида қилинмади.

Шоҳрух пойтахтни Ҳиротга кўчириб ҳам катта хатога йўл қўйди. У бу ерда салтанат ҳукмдори сифатида иш юритиб, давлатнинг юраги бўлмиш Туркистон заминининг, хусусан, Самарқанднинг шон-шухратига путур етказди. Амалда салтанат иккига ажралди. Чунончи, ўғли Улуғбек Самарқандда туриб, ҳозирги Ўзбекистонга қарашли ҳудудларни бошқарди. У даставвал, отасининг вассали ҳисобланган, кейинчалик эса мустақил иш юритадиган бўлди. Шоҳрух эса Ҳиротда салтанатнинг иккинчи қисмига бошчилик қилди. Пойтахтнинг Ҳиротга кўчирилиши ва салтанатнинг парчаланиши давлатнинг куч-қудрати ҳамда халқаро мавқеи пасайишига олиб келди. Бундан ташқари, у ёки бу вилоятларни бошқараётган шаҳзодалар мустақилликка эришишга ҳаракат қилдилар. Натижада, Амир Темур вақтидаги метиндек интизом ва жипслик сусайиб кетди.

Шубҳасиз, салтанат, шу жумладан, Самарқанд аҳолиси мустақиллик, озодлик ва тараққиёт бахш этган Соҳибқирон васиятига содиқ бўлиш дарди билан яшаган. Бироқ уни сотқинларга қарши курашга отлантирадиган моҳир раҳбар чиқмади. Натижада Амир Темур салтанати борган сари заифлашиб борди.

---

## ТЕМУРИЙЛАР ДАВЛАТИНИНГ ШАЙБОНИЙЛАР ТОМОНИДАН БОСИБ ОЛИНИШИ

Олам узра донғи кетган Амир Темур давлатининг тугатилиши ўта салбий оқибатларни юзага келтирди. Бу фожиали воқеадан кейин Туркистон минтақасида салкам 600 йил мобайнида қудратли давлат вужудга келмади. У тарих саҳнасидаги мавқеини йўқотиб, тараққиётдан орқада қолди. Шу боис, Амир Темур давлатининг афдарилиши сабабларини билиш ва тегишли хулосалар чиқариш муҳимдир.

Темурийлар тахтини эгаллаган Муҳаммад Шайбонийхон насл-насаби жиҳатидан Чингизхоннинг ўғли Жўжи сулоласига бориб тақалади. Жўжининг фарзанди Боту XIII асрнинг 30 йилларида Волга бўйидаги Олтин Ўрда давлатига асос солди. Олтин Ўрда чегаралари Рус князликларидан ўтиб, жанубда Қрим, денгиз бўйи шаҳарлари ва Дарбандгача бориб тақалган. Унга Кавказ ва баъзида Боку, Шимолий Хоразм, Урганч шаҳри қараган. Фарбда Днепрдан бошланган даштликларни, Шарқда Сибирь ва Сирдарё этаklarини қамраб олган. Олтин Ўрдага Рус князликлари ҳам тобе эди.

Бу вақтларда Туркистонда Чингизхон ўғли Чигатойнинг ворислари ҳукмронлик қилмоқда эди. 1256–1258 йилларда Чингизхоннинг набираси Ҳулогу Эронни эгаллайди. Шу тариқа Жўжи, Чигатой ва Ҳулогу бошчилигидаги мўғулларнинг учта сулоласи жуда катта ерларда ҳукмронлик қилдилар. Туркистон минтақаси узоқ йиллар мобайнида мазкур сулолаларнинг кураш майдонига айланди. Унинг босиб олинishi эса, даставвал, Боту даврида бошланди. У Мовароуннаҳрни жанг билан қўлга киритди. Бироқ XIII асрнинг 60 йилларида Чигатойнинг набираси Олғухон тахтни эгаллаб, сулоланинг мустақиллигини тиклади.

1273 йилда Эрон ҳукмдори Ҳулогу Шаҳрисабз ва Қарши, сўнгра Бухорога қўшин юборди. Бу тўғрида ўрта аср тарихчиси Рашидиддин шундай ёзган: «Ҳулогу аскарлари Бухоро шаҳридаги одамларни қириш ва бойликларини талашга муккасидан тушиб, уни вайронага айлантирди. Одамлар шунчалик ёппасига ўлдирилдики, бутун шаҳар қонга беланди. Жами 50 минг кишининг калласи танидан жудо қилинди. Бундан ташқари, кўп одамлар асир олинди. Маъсудбек номидаги ҳашаматли мадраса ва у ердаги нодир асарлар ёндирилди. Талафот ва вайрон қилиш шу даражада даҳшатли бўлдики, Бухоро шаҳрида етти йил мобайнида бирор-бир тирик жон кўринмади»<sup>1</sup>. Бу Чингизхоннинг Бухорога ваҳшиёна ҳужумидан кейин қилинган иккинчи даҳшатли қирғини эди. Ҳулогунинг қўшини Бухорони яксон қилиб, бойликларини олгандан сўнг Эронга қайтган.

1387 йилда Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон (1376—1391) Сирдарёнинг қуйи оқимига бостириб кириб, Мовароуннаҳрни эгаллашни режалаштирди. У бундан кейин ҳам ҳужумни давом эттирди.

Шу боис, Амир Темур 1389, 1391 ва 1394—1395 йилларда Олтин Ўрдага ҳарбий юришлар қилиб, уни бўйсундирди. Олтин Ўрда Кўк ва Оқ Ўрда деб номланган икки қисмни ўз ичига олган эди. Улар Жўжи сулоласи султонлари ўртасида тақсимланган бўлиб, яққа ҳокимлик учун курашлар узоқ давом этган. Бундан ташқари, ҳар бир Ўрданинг ичида тахтни эгаллаш учун курашлар олиб борилган. Пировардида Жўжининг ўғли, Шайбонийхоннинг авлоди — Абулхайрхон (1428—1468) Оқ Ўрдада анча кучли давлат тузишга эришди. Унинг чегараси шимолда Тура (Фарбий Сибирь)га, жанубда Орол денгизи ва Сирдарё этакларига, ғарбда Ёйиқ (Урал) дарёсига бориб тақалган. У Волганинг ўнг қирғоғидан то Дарбандгача ёйилган ерларни ҳам қамраб олган. Шу тариқа Шайбонийлар давлати юзага келган эди.

Абулхайрхон 1441 йилда Хоразмга ҳужум қилиб, халқ бошига кўп азоб-уқубатлар ёғдиргани маълум. «Тарихи

---

<sup>1</sup> Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. 305-бет.

Абулхайрхоний» асарида ёзилишича, хоразмликлар жанг қилишга аҳд қилганлар, бироқ бир гуруҳ руҳонийлар бундай қилишнинг фойдаси йўқ, деб ҳисоблаб, душманга шаҳар дарвозасини очиб берганлар. Абулхайрхон аскарлари шаҳардаги қимматли бойликларни кўтарганларича олганлар<sup>1</sup>. У Хоразмда вабо касаллиги бошланганлиги учун ўз юртига қайтган. 1446 йилда эса Абулхайрхон Сирдарёнинг икки қирғоғидаги Оққўрғон, Аркук, Узганд, Сигноқ ва Сузоқ шаҳарларини темурийлардан тортиб олади. Унинг босқинчилик урушлари, айниқса, Шоҳрух (1409–1447) вафотидан кейин кучайиб, Самарқанд ва Бухоро атрофидаги қишлоқларни харобага айлантиради. Кўп бойликларни ўлжага олади. Шундай қилиб, кўчманчилар темурийларнинг қўл остидаги шаҳарларга ваҳшийларча ҳужум қилиб турди. Бу ҳолат темурийлардан босқинчиларга қарши бир ёқадан бош чиқариб курашиш ва мамлакат мустақиллигини сақлаб қолишни тақозо қиларди. Бироқ улар бунинг ўрнига тахт талашиб, ўзаро урушларни авж олдиришди. Бу ҳам камлик қилганидек, улар Абулхайрхондан ҳарбий ёрдам сўраб, бош эгардилар, унинг «ниҳоятсиз иноят ва риоятларидан тўлиқ лаззат ва насиба олиб, баҳраманд бўлардилар. Шулар жумласидан, буюк Амир Темур Кўрагоннинг улуғ авлодларидан Султон Абусаид мирзо, унинг акаси Мингучеҳр мирзо, Муҳаммад Жўқий мирзо ва Абулғозий Султон Ҳусайн мирзолар хоннинг хизматига келиб, давлат каби унинг узангисига мулозим бўлдилар, ҳимоят қўллари билан унинг эҳтиромли этакларини тутамлаб, мадад ва ҳимоялари баракотидан ўз орзуларининг ниҳоясига етдилар ва тахту давлат авжида ҳамда салтанат тожининг тепасида қарор топиб, ором олдилар»<sup>2</sup>.

Дарҳақиқат, 1450 йилда Абусаид (1451–1469) Абулхайрхоннинг ҳарбий кучлари иштирокида Самарқанд

---

<sup>1</sup> Тарихи Абулхайрхоний. Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар жамғармаси. Рақами 5392, 319–320 варақлар; Материалы по истории казахских ханств в XV–XVIII вв., Алма-Ата, 1969, 169-бет.

<sup>2</sup> Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдуллонома. Биринчи китоб. Т., 1999, 54-бет.

тахтини эгаллади, бу ёрдам эвазига Самарқандда Абулхайрхон номига хутба ўқиттирди ва танга зарб эттирди. Бундай қилиш Абулхайрхонга қарамликни тан олиш эди. Бу билан Абусаид темурийлар давлатининг нуфузи ва шаънига катта доғ туширганди. Эндиликда Оқ Ўрда ҳукмдорларининг темурийлар давлатининг куч-қудрати ҳақидаги тасаввури ўзгариб, уни босиб олишга ишончи кучайди. Буни, айниқса, Абулхайрхоннинг набираси Муҳаммад Шайбонийхон (1488–1510) яхши англади. У, даставвал, Бухорода мавлоно Муҳаммад Жалолиддин ва Мансур сингари шайхларга мурид бўлиб таълим олган. Мовароуннаҳрнинг бошқа жойларида ҳам бўлиб, темурийлар давлатининг куч-қудрати заифлашиб, ҳалокат ёқасига келиб қолганини ўз кўзи билан кўрган. Муҳаммад Шайбонийхон Оқ Ўрдага қайтиб, рақибларини енгиб, тахтни эгаллагач, анча кучли қўшин билан темурийларнинг қўл остидаги ерларига бостириб кирди. У Туркистон, Сайрам ва бошқа жойларни эгаллаб, гоҳ ғалабага, гоҳ мағлубиятга учради. Шаҳрисабз ва Қаршига ҳужум қилиб, бойликларини талади. Сўнг Самарқандни қамал қилди. Лекин Бухородан темурийларнинг ҳарбий кучи келаётганлигидан хабар топиб, уларга қарши отланди. Дабусияда бўлган жангда Муҳаммад Шайбонийхон устун келиб, 1500 йилда Бухорони урушсиз эгаллади<sup>1</sup>. Шундан кейин у Самарқанд томон кетаётганида Бухорода унга қарши ҳаракат бошланганлиги ҳақида хабар олади. Дарҳол орқага қайтиб, Бухорога яқинлашганда темурийлар у билан тўқнашишдан чўчиб, қочадилар. Муҳаммад Шайбонийхон шаҳарга урушсиз кириб, аҳолини қиради, асир олади, мол-мулкни эса аскарларига талаттиради. Шаҳардаги ҳарбий истеҳкомларни буздириб товон солади.

1500 йилда у Самарқандни ҳам жангсиз эгаллайди ва бу ерда 600 кишилик ҳарбий қисмни қолдириб, ўзи шаҳардан ташқарида, узокроқ жойга ўрнашади. Шу орада шаҳарнинг нуфузли кишиларидан Абулмақорим Самарқанд тахтини эгаллашни сўраб, Андижонга Бобурга хат

---

<sup>1</sup>Таворихи гузида — Нусратнома. Т., 1967, 121-бет.

жўнатади. Шунга биноан, шаҳарга етиб келган Бобурни аҳоли хурсанд қарши олади. Муҳаммад Шайбонийхон қолдирган 600 кишилик ҳарбий қисм ва унинг тарафдорлари ўлдирилади. Гарчанд шаҳар босқинчилардан озод қилинган бўлса-да, очарчилик ва қаҳатчилик бошланиб, ҳаёт жуда ёмонлашади. «Элга, – деб ёзган эди Бобур, – бисёр танқислик бўлди. Анга еттиким, фақир ва мискин ит этини, эшак этини йиға кириштилар. Отқа бўғуз кам ёфт бўлди. Дарахтларнинг баргларини отга берурлар эди. Анда тажриба бўлдиким, бори яфроқлардан тут яфроғи ва қора ёғоч яфроғи отга сазоворроқ эмиш. Баъзи қуруқ йиғочларни ранда қилиб, тарошасини сувга ибитиб отга берурлар эди»<sup>1</sup>. Бобур озиқ-овқат билан таъминлашнинг иложи йўқлигидан Фарғона аскарларига водийга қайтишларига рухсат берди. Муҳаммад Шайбонийхон 1501 йилда Бобурнинг оғир аҳволини билиб, Самарқанд томон ҳарбий юриш қилди. Зарафшон атрофидаги Сарипулда икки ўртада бўлиб ўтган жангда Бобур мағлубиятга учради. У шаҳарга қайтиб, жангни давом эттирди. Муҳаммад Шайбонийхон Самарқандни қамал қилиб, сўнг жангсиз эгаллади. Бобур кичик ҳарбий қисм билан яширинча Тошкентга жўнади. Шаҳар аҳолисининг талай қисми турли жойларга қочди. Бобурнинг тарафдорлари, жумладан, Хожа Абулмакорим ўлдирилди.

1503 йилда Муҳаммад Шайбонийхон Андижонни ҳам босиб олди. Бу вақтда Хоразм ва Хуросонни эгаллаб турган теурийларнинг таниқли вакили Хусайн Бойқаро кечикиб бўлса-да, ўғли Бадиуззамонга душманга қарши курашишни буюрди. Унга Ҳисор, Хатлон, Кўлоб, Қундуз ва Бадахшон ҳокимлари қўшиладиган бўлдилар. Шундан кейин Бадиуззамон 20 минг кишилик қўшин билан Термизга келди. Аммо отаси Хусайн Бойқаро ва Ҳисор ҳокими Хусравшоҳ ваъда қилган қўшимча ҳарбий кучларни юбормадилар. Бадиуззамон босқинчилар билан тўқнашишдан чўчиб, орқага – Балхга қайтди.

Шундан кейин Муҳаммад Шайбонийхон Андижон, Қоракўл, Шоҳрухия, Ўратепа, Конибодом, Кўқон ва

---

<sup>1</sup> Бобурнома. Т., 1989, 83-бет.

бошқа жойларни босиб олди. 1505 йилда, ўн ойлик қамалдан кейин, у Хоразмни ҳам эгаллади. Айрим маълумотларга кўра, Урганч аҳолиси унга қарши қаҳрамонларча жанг қилган. Ҳатто аёллар ҳам жасорат ва мардлик намуналарини намойиш этганлар. Зеро, «Муҳаммад Шайбонийхон сон-саноқсиз сипоҳ билан Хоразм устига юриб, унинг қалъасини қамал қилган замонда, бир куни жанг чоғида Ҳамза султоннинг яқин мулозимларидан бўлган Бийроқ баҳодир (душман томонидан) бир киши билан муқобил келиб қолади. Бу киши қон тўкиш ва фитна кўзғатишда ғоятда чаққон ва эпчил бўлган. Мисра: (Турклар каби гўзал юзлиларнинг икки кўзи қўрқмасдир). (Бийроқ баҳодир) кўп урушиб-таллашиб найзабозлик қилиб, иқтидорлик жангида (душманга) ҳисобсиз зарбалар бериб, (улардан) бирини қўлга туширгандан сўнг маълум бўлдики, (у) эр киши эмас, хотин киши экан. (Бийроқ) баҳодир бениҳоят ажабланиб, уни ўз султонининг (Ҳамза султоннинг) ҳузурига олиб келди (ва султонга) унинг паҳлавонлик қиссасини ва қаҳрамонлик ҳикоясини бирма-бир сўзлаб берди. Ҳамза султон (уни) ғоят шижоатли ва жасоратли бўлганидан (ўзининг) ҳимояси тасарруфига олиб (ва) жуда севиб қолиб никоҳига олди»<sup>1</sup>.

1506 йили Ҳусайн Бойқаро вафот этгач, унинг ўғиллари Бадиуззамон ва Музаффар ҳамкорликда давлатни бошқара бошладилар. Улар 1506 йилнинг кузида Балхни қамал қилган Муҳаммад Шайбонийхонга қарши отландилар. Кобулдан келган Бобур ҳам аскарлари билан уларга қўшилди. Шу орада Муҳаммад Шайбонийхон очликдан толиққан Балхни ер билан яксон қилди, бироқ Бадиуззамон бошлиқ қўшин билан тўқнашишдан чўчиб, Мовароуннаҳрга кетди. Бадиуззамон бу қулай фурсатдан фойдаланиб, унинг орқасидан қувганида, ғалаба қилиши эҳтимолдан холи эмас эди. Чунки Муҳаммад Шайбонийхоннинг чекингани унинг заифлиги белгиси эди. Аммо Бадиуззамон қулай фурсатни бой берди. Унинг қўл остидаги ҳарбий қисмлари тарқалиб кетди.

---

<sup>1</sup> Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдулланом. Биринчи китоб, 53-бет.



1507 йил 7 майда Муҳаммад Шайбонийхон қушини тўсатдан Ҳиротга ҳужум қилиб, уни эгаллади. Бадиуззамон Кандаҳорга, Музаффар Астрободга қочишди. Амирлар ва қўшин турли томонга тарқалиб кетдилар. Шаҳарнинг дин пешволари ва бошқа нуфузли кишилар Муҳаммад Шайбонийхон ҳузурига катта совға-саломлар билан келишиб, таслим бўлганликларини маълум қилдилар. Хазина босқинчилар қўлига ўтди. Аҳолидан 100 минг динор товон олинди. Жоме масжидида Муҳаммад Шайбонийхон номига хутба ўқилиб, ҳукмдорлиги тан олинди. У Хуросоннинг ғарбий қисмидаги Астробод, Гургон ва бошқа жойларни ҳам босиб олди. Бадиуззамон Истанбулга қочиб, ўша ерда ўлди, Музаффар ҳам кўп ўтмай вафот этди. Ҳофиз Таниш Бухорий ёзишича, 1509 йилда Бобур эронлик Исмоилшоҳнинг ҳарбий ёрдамига таяниб, шайбонийлар босиб олган Ҳисорга ҳужум қилди. Бу ерда Муҳаммад Шайбонийхоннинг ўғли Ҳамза султон ҳоким эди. «Пули Сангин (кўприги)нинг тепасида, — дейди ўша муаллиф, — ... (бу) икки фирқа бир-бирлари билан муқобил бўлдилар. Бобур подшоҳ у мардона фирқа устидан ғалаба қилиб... Ҳисор мамлакатини босиб олиб, (ўзининг) муборакбод овозасини кўк гумбазига отди»<sup>1</sup>.

Муҳаммад Шайбонийхон Кермонга бостириб киргач, унинг Эрон ҳукмдори Исмоилшоҳ билан тўқнашиши аниқ бўлиб қолди. 1510 йилда Марвда ҳар икки томон ўртасида даҳшатли жанг бўлиб, Муҳаммад Шайбонийхон ва унинг лашкарбошилари ўлдирилди, аскарлари ҳам ҳалок этилди. Исмоилшоҳнинг кўрсатмаси бўйича Муҳаммад Шайбонийхоннинг бош чаноғи олтин билан сирланиб, зиёфатларда шароб ичиладиган идишга айлантирилди. Бошининг териси шилтиниб ва ичига сомон текилиб, Туркия султонига жўнатилди. Бундан мақсад шиаларнинг суннийлар устидан ғалабасини намойиш этиш эди. Муҳаммад Шайбонийхоннинг ўлдирилиши Бобурни янги курашга отлантирди. У 1512 йилда Самар-

---

<sup>1</sup> Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдуллонома. Биринчи китоб, 53-бет. Бу жангда Бобур Ҳисор ҳокими, Муҳаммад Шайбонийхоннинг ўғли Ҳамза султон ва унинг сафдошларини асир олиб, сўнг озод этган.

қандни эгаллади. Унинг қул остида яхши қуролланган ва кучли қўшин етарли бўлмаган. 1512 йилда Бухоро атрофидаги Кўли Маликда шайбонийлардан Убайдулла-хон бошчилигидаги қўшин билан Бобур ўртасида бўлиб ўтган жангда Бобур енгилиб, Ҳисорга чекинди. Бироқ у Исмоилшоҳдан яна ҳарбий ёрдам олиб, Термиз орқали Қаршига ва бу ердан Бухоро томон юрди. Фиждувонда шайбонийларнинг қўшини ғалабага эришиб, Бобур Кобулга кетишга мажбур бўлди. Шундан кейин шайбонийларга қарши кураш узил-кесил ниҳоясига етди. Бобур курашни давом эттиришдан воз кечиб, эътиборни Ҳиндистонга қаратди. Унинг ўзи бу ҳақда шундай деган: «Бизнинг ашаддий душманларимиз Муҳаммад Шайбонийхон бошлиқ кўчманчилар темурийлар қул остидаги ерларни эгалладилар. Мен Кобулда ёлғизланиб қолдим. Душман қудратли, биз эса заифмиз. Сулҳ тузиш ёки қарши курашишнинг иложи йўқ. Шу боис, душманга қарши курашишни давом эттиришнинг ҳам иложи йўқ. Эндиликда Бадахшон ёки Ҳиндистонга йўл олишимиз лозим»<sup>1</sup>. Ҳақиқатан ҳам, ўша вақтдаги қалтис ва мураккаб шароит шайбонийларга қарши курашни тўхтатишни тақозо қиларди. Бобур вазиятни тўғри тушунди ва Ҳиндистонга ҳарбий юриш қилиб, бу мамлакатда ҳокимиятни қўлга олди.

Юқорида баён қилинганлардан шундай хулоса чиқариш мумкин: биринчидан, темурийларнинг кўпроқ шахсий манфаатни ўйлаб тахт учун олиб борган давомли курашлари мамлакатда тарқоқлик ва парокандаликни юзага келтирди. Ўзаро келишмовчиликлар ва адоват уларнинг онги ва қалбини шу даражада чулғаб олдики, умуммиллат ва давлат манфаатлари билан ҳисоблашмай қўйдилар. Оқибатда қўшиннинг жанговарлик қобилияти ва мамлакатнинг мудофаа қудрати пасайиб кетди. Бундай ҳолат, айниқса Шоҳруҳ вафотидан кейин яққол кўзга ташланди. Ўлкада оғир аҳвол юзага келган вақтда Оқ Ўрдада Абулхайрхон бошлиқ шайбонийлар анча кучли давлатни ташкил қилдилар. Темурийлар ҳокимиятнинг заифлигидан фой-

---

<sup>1</sup> Бобурнома. Т., 1989, 83-бет.

даланиб, Мовароуннаҳрга ҳарбий юришлар уюштириб турдилар. Шуниси ачинарлики, теурий султонлар тахт учун курашларда кўчманчи ҳукмдор Абулхайроннинг кучларига таяндилар. Бу билан улар душманга мамлакат дарвозасини очиб бериб, янгидан-янги ҳарбий юришларга отлангирдилар.

Шуни алоҳида айтиш лозимки, Ҳусайн Бойқаро теурийлар давлатининг салоҳиятини сақлаб қолишга ҳаракат қилиб, муҳим ютуқларга эришди. Бироқ умрининг охириги йилларида ичкиликка берилиб, давлат ишларида фожиали хатоликларга йўл қўйди. Айниқса, ўғли Бадиуззамон билан келишмаслиги ва у билан жанглар қилиши вазиятни кескинлаштирди. У Муҳаммад Шайбонийхон тажовузлари вақтида атрофига теурий султонларни жипслаштириб, умумдушманга қарши курашни уюштира олмади. Энг нозик вазиятда, яъни давлатнинг тақдири қил устида турганда ҳам лоқайдлик ва масъулиятсизликни намойиш қилди. Айниқса, унинг Ватан мустақиллиги учун жонини тиккан Бобурга ҳарбий ёрдам бермагани тузатиб бўлмайдиган сиёсий хато бўлди. Ваҳоланки, Бобур икки мартаба Самарқандни эгаллаб, шайбонийларга анча зарба берган эди. Агар Ҳусайн Бойқаро зудлик билан ҳарбий ёрдам берганида, босқинчилар тормор этилиши турган гап эди. Бироқ Бобур қанчалик ҳаракат қилмасин, ҳеч қаердан ёрдам ололмади. «Ҳар неча атроф ва жавонибқа, — дейди Бобур, — элчилар ва кишилар йиборилди, ҳеч кимдан кўмак ва мадад етишмади. Ул маҳалдаким, зўр ва қувватимиз бор эди, ҳеч навъ ва шикаст ва нуқсон бўлмайдур эди. Кўмак ва мадад қилмадилар... Султон Ҳусайн мирзодек мардона ва соҳибтажриба подшоҳ бизга мадад қилмай ва кўмаклар бериб элчи йибормай, Шайбоқхонга Камолиддин Ҳусайн Гозургоҳийни муҳосара овонида элчиликка юборди... ҳеч тарафдин умидворлик қолмади. Озуқ ва захира кам эди. Бўлғони ҳам тугади, ҳеч тарафдин озуқ ва захира келмади»<sup>1</sup>.

Ушбу сатрлардан аёнки, Бобур Самарқандда турган

---

<sup>1</sup> Бобурнома. Т., 1989, 83, 84, 85-бетлар.

вақтида ёрдам сўраб Хусайн Бойқаро ва бошқа султонларга мурожаат қилишига қарамай, ҳеч кимса ҳарбий кўмак ва озиқ-овқат юбормаган. У айтганки, «ул маҳалдаким, зўр ва қувватимиз бор эди», яъни ҳарбий кучлар етарли бўлиб, бирлашиб ҳаракат қилинганда, душманни енгиш мумкин эди. Аксинча, темурийлар бир-биридан ҳадиксираб ва ҳар ким «ўзим бўлай», деган фикр билан иш юритганлар. Темурий султонлар бир ёқадан бош чиқариб ва ҳарбий кучларни марказлаштирган ҳолда Самарқанд, Бухоро ва Хоразмга юбориб, Муҳаммад Шайбонийхонга қарши жанг қилишлари лозим эди. Аксинча, Хусайн Бойқаро кўрсатилган жойларни ўз ҳолига ташлаб қўйди. Ҳатто унинг Хоразмдаги ҳокими Муҳаммад Шайбонийхон қўшинига қарши ҳарбий ёрдам сўраганда у: «Урганчни деб бутун Хуросонни хавф остида қолдиришни хоҳламайман», — деб жавоб берган<sup>1</sup>. Бобур мағлубиятларга Хусайн Бойқарони айбдор, деб ҳисоблайди: «Султон Хусайн мирзодек Амир Темурбек ўрнига ўлтирғон улуғ подшоҳ ғаним устига юрмакни демасдан бепарволик қилса, эл ва улусқа не умидюрлик қолгай?» Ҳақиқатан ҳам, давлат бошлиғи барча кучларни бирлаштириб, душманга қарши мардонавор ҳужум қилиш ўрнига орқага тисланса, бепарволик қилса, халқ оммасини душманга қарши отлантириш қийин кечади, албатта.

Умуман айтганда, темурийларнинг ноаҳиллиги, журъатсизлиги ва тахт учун шахсий манфаатларни кўзлаб олиб борган курашлари мамлакатнинг шайбонийлар томонидан босиб олинишига кенг йўл очиб берди.

Иккинчидан, Олтин Ўрданинг туб аҳолиси — қипчоқларнинг тил ва дин жиҳатидан Туркистон аҳолисидан фарқи бўлмаган. Аммо улар кўчманчи, кейингилари ўтроқ халқ ҳисобланган. Олтин Ўрда ҳукмдорлари ва улар билан келган мўғуллар вақт ўтиши билан қипчоқларга аралашиб, тили ва урф-одатларини йўқотиб бордилар. Бу ҳақда Умарийнинг сўзлари ҳам далолат беради: «Қадимги замонда Олтин Ўрда қипчоқлар мамлакати бўлган, лекин татар (мўғул)лар унга эга бўлиб чиққандан

---

<sup>1</sup> Таворихи гузида — Нусратнома. Т., 1967, 119-бет.

кейин қипчоқлар уларнинг аҳолисига айландилар. Кейин улар (мўғуллар) аралашиб, қипчоқлар билан қавм-қариндошлашиб кетди... Уларнинг ҳаммаси қипчоқлар билан бир уруғдек бўлиб, бир-бирови билан аралашиб-қуралашиб кетди»<sup>1</sup>.

Бу турклашган мўғуллар ислом дини ва исмларини қабул қилдилар. Аммо уларнинг ҳукмрон табақаси ўзи аслида Чингизхоннинг авлоди эканлигини онги ва қалбида мустаҳкам сақлади. Бу ҳукмдорлар Чингизхон ва унинг фарзандлари томонидан босиб олинган мамлакатларни сурбетларча ўзларининг ҳақиқий мулки деб ҳисобладилар. Уларнинг тушунчасида Амир Темур ва унинг ворислари Туркистон тахтини хорижий босқинчилар сифатида эгаллаган эмишлар. «Менинг бобом Абулхайрхон, — деган эди Муҳаммад Шайбонийхон, — Темурийлар султони Абусаидга ҳарбий ёрдам бериб, Самарқандни урушиб олган вақтда тахтни ўзи бемалол эгаллаши мумкин эди. Бироқ, Аллоҳнинг хоҳишига кўра, бундай қилмай, тахтга бизнинг «хорижий душманмиз» Абусаидни ўтқазди. Ҳозир Мовароуннаҳр вилоятларини Амир Темур авлодларидан тортиб олишимиздан асосий мақсад подшоҳлик қилиш ва еримизнинг озлигидан эмас, балки ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган мамлакат-мулкимизни қўлимизга қайтариб олишдан иборатдир»<sup>2</sup>.

Чигатой султонларидан бири Туғлуқ Темур (1338—1362) Шарқий Туркистон, Еттисув, Тянь-Шань этаклари, Балхаш кўли, Иртиш ва Или дарёлари атрофидаги жойларда Мўғулистон номида давлат тузган эди. Муҳаммад Шайбонийхон Мовароуннаҳрни эгаллаш учун курашаётганида Мўғулистон султонларига шундай деган:

*Мен Жўжи ўғлиману сиз икки хон,  
Чигатой ўғлисиз, бўлсин бу аён.*

<sup>1</sup> Б. Д. Греков, А. Ю. Якубовский. Олтин Ўрда ва унинг қулаши. 57-бет.

<sup>2</sup> Фазлаллах ибн Рузбихан Исфохани. Михманнамайи Бухара. М., 1972, 96-бет.

*Баримиз бир онанинг ўғлимиз,  
Барчамизнинг отамиздир Чингиз.  
Жўжихону Чигатойхон ҳасил,  
Сурғолу ушбу жаҳондин махмил.  
Бизинг, сизнинг аро бўлмади қон,  
Ҳар киши ўз ерида бўлди хон.*

Кўриниб турибдики, Муҳаммад Шайбонийхон Жўжи ва Чигатой сулолаларининг насл-насаби битталигини англатиб, бирлашган ҳолда иш юритишга даъват қилган. У ўзини мўғулларнинг фарзанди ва Чингизхоннинг меросхўри сифатида гавдалантириб, Туркистон зами-нида амалда мўғулларнинг ҳукмронлигини қайтадан тиклашга эришди. Шундан кейин Бухоро хонлигида шайбонийлар сулоласи XVI асрнинг охирларигача ҳукм-ронлик қилдилар.

Учинчидан, Муҳаммад Шайбонийхон Туркистон ўлкасида олиб борган урушлар ва унинг бу ҳудуддаги ҳукмронлиги икки жиҳатдан фожиали оқибатларни юзага келтирди. Авваламбор, у кўп шаҳар ва қишлоқ-ларни вайронага айлантириб, минглаб кишиларни ўлдирди ва асир олди. Катта бойликлар таланди. Муҳаммад Шайбонийхоннинг кўрсатмасига мувофиқ Вахшувор шаҳри ва унинг атрофидаги жойлардан 50 минг нафар киши асир олинди, 110 минг қўй, 50 минг от ва 200 минг туя қўлга киритилди. Шохрухияда 1,5 минг аскар, аҳолидан 3 минг киши асир олиниб, 5 минг от ўлжа сифатида олиб кетилди. Хоразмнинг Қиёт ва Бўлдимсоз шаҳарлари аҳолиси Бухорога мажбурлаб кўчирилди. Қоракўл шаҳрида одамларнинг калласидан минора ясалди.

Умуман айтганда, Муҳаммад Шайбонийхон қайси жойда жанг қилмасин, ўша ернинг бойлигини талади ва минглаб кишиларни ўлдирди. Бу билан у бобоси Чингизхоннинг ваҳшиёна сиёсатини давом эттирди.

Муҳаммад Шайбонийхон ва унинг ворислари кўч-манчилар вакиллари бўлганликлари учун Амир Темур ва темурийлар давридаги такомиллашган давлат бош-қаруви ва тараққиётнинг қадрига етмай, оёқ ости қил-дилар. Улар бундай оламшумул аҳамиятга молик катта

ютуқларга душманлик кўзи билан қарадилар. Натижада, ҳашаматли бинолар, ажойиб-ғаройиб боғлар, обод кўчалар, бозор ва карвон йўллари борган сари харобага айланди. Улуғбекнинг машҳур расадхонаси бузилиб, ерга кўмиб юборилганлиги туфайли ХХ асрнинг бошларигача қаердалиги номаълум бўлиб келди. Шаҳрисабздаги гўзалликда тенги йўқ Оқсарой ҳам бузилди. XVI асрнинг 80–90-йилларида Самарқандда «буюк Амир Темур ва унинг авлодларидан қолган ҳамда бузилиб, вайронликка юз тутган иморатлар» мавжудлиги манбаларда аниқ ёзиб қолдирилган. Бундай ҳолат кўпроқ Муҳаммад Шайбонийхоннинг ҳарбий юришлари вақтида содир бўлган, албатта.

Минтақада Муҳаммад Шайбоний ҳукмронлигининг ўрнатилиши ўз ўрнида Олтин Ўрдага ҳам катта талафот етказди. Чунки Дашти қипчоқдаги қабилалар ўз она юртини ташлаб, Туркистон вилоятларига келиб ўрнашиши Оқ Ўрдада одамларнинг сони жуда камайиб, унинг ҳувиллаб қолишига олиб келди. Ушбу ҳолат унинг сиёсий ва иқтисодий инқирозини янада чуқурлаштирди. У ерда ташқи душманга қарши курашадиган қудратли куч қолмади. Бу рус давлатига жуда қўл келиб, XVI асрнинг иккинчи ярмида у Олтин Ўрда ерларидаги Астрахань, Қозон, Сибирь, сўнгра Қрим хонликларини босиб олди. Бу жойлардаги олтин, кумуш, темир, мис, кўмир ва бошқа хилма-хил табиий бойликлар, унумли ерлар ва ўрмонлар Россиянинг қудратли давлатга айланишида асосий омил ҳисобланади.

Хуллас, Муҳаммад Шайбонийхон Олтин Ўрдага ҳам, Туркистон заминига ҳам жуда катта зиён ва талафотлар етказди.

---

## ТЕМУРИЙЛАРДАН КЕЙИНГИ ДАВРДАГИ ИНҚИРОЗ ВА ҚОЛОҚЛИК САБАБЛАРИ

*Нега жаҳонга Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Имом Бухорий, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур каби буюк сиймоларни берган бу миллат XVII–XIX асрларга келиб, то шу чоққача эришган юксалиш даражаларидан тушиб кетди? Нега сўнги уч аср мобайнида бошимиз қолоқликдан чиқмай қолди? Аجدодларимизнинг қаттиқ қаршилигига қарамай, чор Россиясининг ўлкамизни нисбатан осон забт этишида ана шу қолоқликнинг ҳам ўрни бўлмаганмикан?*

*Ислом Каримов*

XVI–XIX асрларни ўз ичига олган хонликлар даври ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Бу вақтларда ҳукмдорларнинг ўзаро чиқишмовчиликлари ва тахт учун курашлари авжига миниб, салоҳияти ва самарадорлиги пасайиб кетди. Бутун мамлакатда парокандалик ва нотинчлик ҳукм сурди. Шу ўринда нега бундай бўлди, бунинг сабаблари нималардан иборат бўлган, деган савол туғилиши табиийдир.

### Сиёсий муҳит

XVI асрда Бухоро хонлигида ҳокимият тепасида турган шайбонийлар сулоласи, авваламбор, Амир Темур ва темурийлар давридаги салтанат ва тараққиётни қадрламай, барбод қилди. Марказлашган ва такомиллашган давлат бошқаруви тизими тугатилиб, мамлакат Бухоро, Хива, Қўқон хонликларидан иборат уч қисмга парчаланиб кетди. Тахт жанг майдонига айланди. XVI асрнинг иккинчи ярмида Абдуллахон (1558–1598) Хива хонлиги, Бадахшон, Балх, Ҳирот, Хуросон, Машҳад ва бошқа жойларни Бухоро хонлигига қўшиб олди.



Сиртдан қараганда, у анча салоҳиятли давлат бунёд қилганга ўхшарди. Бироқ мамлакат ичкараси ўзаро зиддиятлар ва курашлар билан тўлиб-тошиб ётарди. Воқеаларнинг жонли гувоҳи бўлган Ҳофиз Таниш Бухорийнинг ёзишича, Тошкент, Туркистон, Хўжанд, Самарқанд, Ахсикент, Насаф, Термиз, Андижон ва бошқа жойларда исёнчиларга қарши қаттиқ жанглар олиб борилган. Кўпдан-кўп одамлар ўлдирилди ва жароҳатланди. Ҳофиз Таниш Бухорий бундай фожиалардан бирини шундай тасвирлайди:

*Тиғ ва ўқдан ўлганлар устида  
Совутдан бошқа ҳеч ким ачиниб йиғламади.  
Кина найидан бошқа йиғловчи бўлмади.  
Қаргадан ўзга қора кийувчи бўлмади.  
Қондан ер уқубат моясига<sup>1</sup> айланиб,  
Бало даштидан фитна гули бош чиқарди.  
У чўлда ҳар бир ноумид қони кетидан  
Қизил толдан бошқа ҳеч бир гиёҳ кўқармади<sup>2</sup>.*

Муаллифнинг сўзича, тахт учун курашларда талафотлар шу даражада катта бўлганки, одамларнинг қонлари бамисоли дарё бўлиб оққан.

Абдуллахоннинг кўп вақти ички душманларга қарши курашлар билан ўтди. Бироқ у давлатни ички томондан мустақкамлашга эришолмади. Бунинг оқибатида 1598 йилда унинг вафотидан кейин тахтга ўтирган ўғли Абдулмўмин ўлдирилди. Хива хонлиги мустақилликни тиклади, Хуросон ва бошқа жойлар хонликдан ажралиб кетди. Қозоқ хони Таваккал фурсатдан фойдаланиб, вақтинча бўлса-да, Туркистон, Тошкент, Андижон ва Самарқандни босиб олди.

1601 йили тахт, 1556 йилда Россия Астраханни босиб олгандан кейин, у ердан қочиб келган аштархонийлар сулоласи қўлига ўтди. Аштархонийларнинг ҳукмронлиги вақтида ҳам ўзаро урушлар давом этаверди. Турли кўчманчи қабилаларнинг ҳужумлари аҳволни янада ёмонлаштирди. Гарчанд Имомқулихон (1611–1642) улар-

<sup>1</sup> Моя – моҳият, бир нарсанинг асл моддаси; ўғит, ачитқи.

<sup>2</sup> Ҳофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад Бухорий. Абдуллонома. II жилд., Т., 1969, 69-бет.

га зарба бериб, нисбатан осойишталикни таъминлаган бўлса-да, лекин унинг укаси Надр Муҳаммадхон (1642–1645) вақтида яна кўчманчиларнинг тажовузи бошланди. Кўп ўтмай, унинг ўғли Абдулазиз отасидан тахтни тортиб олди. Надр Муҳаммадхон қочиб жонини сақлади.

Абдулазизхон (1645–1680) ва Субҳонқулихон (1680–1702) вақтида ҳам маҳаллий исёнларга қарши кураш олиб борилди. Шунингдек, Убайдуллахонга ҳам (1702–1711) бундай курашларни узлуксиз давом эттиришга тўғри келди. Хусусан, у Термиз, Шаҳрисабз, Балх ва бошқа жойларга ҳарбий юришлар уюштириб, бўйин товловчиларга қарши жанг қилди. У ҳокимиятни бошқаришда амир ва бошқа нуфузли кишиларнинг таъсирини кўпоришга ва руҳонийларнинг вақф ерларини қисқартиришга ҳаракат қилди. Шунинг учун 1711 йилда фитна уюштирилиб, у ўлдирилди. Ўзаро урушлар шу даражада талафот келтирдикки, 1735 йилда аҳоли хавфсиз жойларга қочиши оқибатида Самарқанд ҳувиллаб қолган. Бухорода эса иккитагина маҳаллада одамлар жон сақлаган.

1747 йилда аштархонийлар сулоласининг охириги вакили Абулфайзхон ўлдирилгач, Бухоро хонлигининг тахти манғитлар сулоласи қўлига ўтди. 1920 йилгача ҳукмронлиги давом этган бу сулола даврида ҳам ички зиддият ва курашлар тинмади.

1511 йилда олтин ўрдалиқ Элбарсхон Хоразмда тахтни эгаллаб, Хива хонлигига асос солган. Бу сулола 200 йилдан ортиқ ҳукмронлик қилди. Элбарсхон 1558 йилда ўлгандан сўнг тахт учун ўзаро курашлар қизиб, ҳокимият бир қўлдан иккинчи қўлга ўтиб турди. Масалан, Араб Муҳаммадхонга (1602–1623) қарши ўғиллари жанг қилиб, унинг ўрнини эгалладилар. Оталари кўзига мил тортиб, кўр қилиб қамадилар. У шундай ҳолатда вафот этди.

Ўзаро курашлар кейинги хонлар вақтида ҳам давом этаверди. Хонлар тез-тез алмашилиб туришидан «хонлар ўйини» деган ибора юзага келди. Иш шу даражага бордики, хонликнинг юқори табақалари XVIII асрнинг 40-йилларидан бошлаб кўчманчилар вакиллари тахтга номига ўтқазиб, улардан шахсий манфаатлари йўлида

фойдаландилар. Бундан ташқари, туркманлар ҳукмдори Хивага ҳужум қилиб, бойликларни талаб, аҳолини ғоят оғир аҳволга солди. Натижада аҳоли Бухоро ва бошқа жойларга қочишга мажбур бўлиб, Хивада 40 оилагина қолади. Шаҳарда қаҳатчилик ва азоб-уқубатлар ҳукм сурди. 1687–1716 йилларда Хивада ўнга хон алмашди. XIX аср бошларида эса ҳокимият қўнғиротлар сулоласи қўлига ўтди.

XVIII аср бошларида Фарғона водийсида ташкил топган Қўқон хонлигида ҳам тахт учун курашлар кўзга ташланади. Ҳокимият тепасида турган минг сулоласи ҳукмдорлари ички ва ташқи душманларга қарши тинимсиз курашишига тўғри келди. Ҳокимият даъвогарлари ўртасидаги курашлар оқибатида уларнинг орасида ўлдирилганларни ҳам кўриш мумкин эди. Масалан, Олимхон, Шерали, Муродхон ва Маллахонлар қатл этилди. Тахт учун курашлар жараёнида Худоёрхонга ҳокимиятни уч маротаба қўлга олишга тўғри келган эди.

Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларида тахт учун ички курашлар билан бир қаторда улар ўртасида олиб борилган урушлар ҳам жуда фожиали кечди. Чунончи, Хива хонлари Абулғози (1644–1664) ва Ануша (1664–1687) Бухоро атрофларига ҳужум қилиб, талон-торож ва зўравонлик билан шуғулланди. 1804 йилда Бухоро қўшини Хива хонлигига ҳужум қилиб, катта талафот келтирди. Бундай ўзаро урушлар XIX асрнинг биринчи ярмида ҳам давом этди.

Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги ўртасида узоқ йиллар мобайнида даҳшатли жанглар бўлди. Айниқса, 1842 йилда Бухоро амири Насруллонинг Қўқонга ҳужуми жуда даҳшатли оқибатларга олиб келди. Мадалихон, Нодирабегим ва бошқа нуфузли кишилар ўлдирилди. Сарой хазинаси ва халқнинг бойликлари таланди. Шаҳар харобага айлантирилди. Насрулло Мадалихоннинг ёш ўғлини одамларнинг кўз ўнгида ўлдираётганида унинг онаси келиб шундай деган: «Эй золим, санга осий бўлган атоси, бу мурқихи бегуноҳ нима гуноҳ қилди?! Эй бераҳм золим, қизил қонга бўядинг, Худонинг олдида сенинг ила мурофаа қиламан, сен ҳам нури чашмингдан ажраб,

хонавайрон бўлиб, қизил қонингга бўял, хонадонингдан ажраб хароб бўл». Шаҳзоданинг онаси Насруллонинг шаънига ҳақорат сўзларини ёғдириб, жасорат ва мардлик кўрсатади. Амир фармонига мувофиқ жигар-бағри тилка-пора бўлган она ҳам сўйилди. Насруллонинг Кўқонда амалга оширган ваҳшиёна қиргин-бароти ва талон-торожи кишилар қалбида нафрат ва қаҳр-ғазаб уйғотиб, шоирлар марсиялар ёздилар. Уларнинг бирида қуйидаги сатрлар битилган эди:

• *Сўйдурмоққа хонни амр этуб қолди,  
Ўшал дамда жаллод қиличин олди,  
Раҳм айламай хоннинг бўйнига солди,  
Қаро соқол қизил қонга бўёлди,  
Аҳли ҳарамлари фиғон айлади<sup>1</sup>.*

Хонликларда узлуксиз давом этаётган ўзаро урушлардан ва уларнинг заифланишидан фойдаланиб, чор Россияси ҳарбий юришларни уюштиришга киришди. Бу хавф-хатарни яхши англаган айрим ақл-идрокли кишилар амир Насруллони Кўқон хонлиги билан мураса қилиш ва биргаликда душманга қарши туришга даъват этдилар. Жумладан, амирнинг вазирларидан бири Абдусамад ноиб унга: «Энди Кўқон забт қилинди, Фарғона катта мамлакатдир, қанча аскар ва сипоҳу хазина олинди, ҳозирда Русиянинг келиш хавфи бор, агар Мадалихонни онт ичтириб, тавба қилдириб, Кўқонга қўйиб, Бухорога тобе қилиб қўйилса, бизларга келган душманларга қарши қалқон бўлур эрди», – деганда амирга маъқул бўлмай, унинг оғзига кавуш билан урдирган<sup>2</sup>.

Демак, вазир амирлик ва хонликнинг кучларини бирлаштириш ва мамлакат мудофаа қобилятини мустаҳкамлаш истагини ўринли изҳор қилган, лекин жазоланган. Бу амирнинг калтафаҳмлиги ва нодонлигидан далолат беради, албатта. Кўқонликлар кўп ўтмай, бош кўтариб, бухороликлар қўшини ва амал-

---

<sup>1</sup> Ибрat. Фарғона тарихи. «Мерос» туркуми. Т., 1991, 294-бет.

<sup>2</sup> Ўша манба, 293-бет.

дорларини қириб ташлашди. Тахтга Шералихон ўтқазилиб, Қўқон хонлиги тикланди. Шундан кейин ҳам тахт учун курашлар давом этаверди.

Фожиа яна шундан иборат эдики, хонлар ҳокимиятни белгилаб қўйилган қонун ва тартиб (дастур, тузук) асосида бошқармай, шахсан ўзлари нимани хоҳласа, шуни қилаверган. Пайти келганда шариат билан ҳам ҳисоблашмаган. Уларнинг орасида хотинбозлик, ичкиликбозлик, зулм ва адолатсизлик ва бошқа нохуш ишлар билан шуғулланган кимсалар оз эмас эди. Бухоро ҳукмдорлари Абулфайзхон, Насрулло, Музаффар, Қўқон ҳукмдорлари Олимхон (лақаби Золимхон)<sup>1</sup>, Худоёрхон ва бошқалар шулар жумласидандир. Амир Насрулло қонхўр бўлгани учун халқ орасида «Қассоб амир» деб юритилган. Ўзининг қадрини билган айрим хонлар бундан мустасно, албатта. Юқорида кўрсатилган омиллар инқироз ва қолоқликнинг сиёсий қиёфасини шакллантирди.

### Иқтисодий аҳвол

Маълумки, давлатнинг аҳволи қандай бўлса, иқтисодий ҳаёт ҳам унга монанд равишда шаклланади. Авваламбор, узоқ давом этган уруш харажатлари, кўрилган талафот ва вайроналиклар деҳқончилик, хунармандчилик, ички ва ташқи савдога салбий таъсир кўрсатди. Ҳозирги тил билан айтганда, миллий даромад жуда камайди, солиқ ва мажбуриятлар эса ошди. Масалан, Худоёрхон «ҳаводан бошқа» барча нарсаларга солиқ жорий этганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Ҳукумат иқтисодиётни ривожлантириш чораларини деярли кўрмай, солиқ йиғиш орқали давлат даромадини ошириш билан шуғулланди. Тўғри, сунъий суғориш ва маълум даражада янги ерларни ўзлаштиришга ҳаракат қилиниб, айрим ютуқларга эришилди. Бироқ улар изчил ва кенг қўламда олиб борилмай, қилинган фойдали ишлар ўлда-жўлда бўлиб қолаверган. Иқтисодий масалаларда халқ ўз ёғига ўзи қовурилиб, ўз ҳолига

---

<sup>1</sup> Ибрat. Фарғона тарихи. «Мерос» туркуми. Т., 1991, 293-бет.

ташланган ҳолда яшади. Бу борода давлат томонидан ондасонда кўрсатилган марҳамат ва ёрдам денгиздан бир томчи эди, холос. Айниқса, ер (аграр) сиёсати катта зиён келтирди. Унумдор ва сувли ер майдонларининг катта қисми ҳукмрон табақалар қўлида бўлиши, вақф ерларнинг меъёрдан ошиб кетиши ва қатор қишлоқлар одамлари билан уларга бириктирилиши, зулм ва адолатсизлик ишлаб чиқариш кучларининг ўсишига тўсқинлик қилди. Натурал хўжаликнинг ҳумронлиги оқибатида пул муносабатлари ривожланмай қолди. Тўғри, тангалар зарб этилди, лекин муомалада салмоқли ўринни эгаллай олмади. Молни молга алмашиш юз йиллар мобайнида давом этиб, иқтисодий ҳаётнинг юқори даражага кўтарилишига йўл бермади. Савдо соҳалари узлуксиз ва кенг кўламда қанот ёза олмади. Карвон йўлларидаги хавф-хатар ва талон-торожлар, бож ундиришдаги адолатсизлик ва бошқа турли тўсиқлар етарли даражада бартараф қилинмади. Айниқса, ишлаб чиқариш техникасини такомиллаштиришга аҳамият берилмагани натижасида ҳунармандчилик маҳсулотлари рақобатга бардош беролмай қолди. Бу уларнинг ташқи бозордан аста-секин сиқиб чиқарилишига олиб келди. Бундай ўта зарарли ҳолат XIX асрнинг 40–60-йилларида кўзга ташланди. Бу — Туркистон замини хомашё манбаи ва тайёр маҳсулотлар бозорига айланишидаги дастлабки қадам эди. Бу ҳол иқтисодий жиҳатдан инқироз ва қолоқликни юзага келтирди. Бунга ўлка аҳолисининг ўтроқ ва кўчманчилардан иборат икки қисмга бўлиниши ҳам сабаб бўлган эди. Маълумки, ўлка аҳолисининг маълум қисмини кўчманчилар ташкил қилиб, уларни газлама, кийим-кечак, уй-рўзғор буюмлари ва бошқа моллар билан таъминлаш ўтроқ аҳоли зиммасида эди. Кўчманчилар молларининг сифати паст эди. Шу боис, ўтроқ аҳоли уларнинг «қолоқ» талабига мос тушадиган маҳсулотларни тайёрлашга мослашиб қолганди. Ҳатто ўтроқ аҳолининг ўзи ҳам кўп ҳолларда асрлар давомида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни улар қандай бўлса, шундай ишлатишга одатланиб қолганди. Рус саноат моллари кириб келгандан кейингина ички маҳсулотнинг сифати орқада қолаётгани маълум бўлган, лекин фурсат бой берилиб, ғафлатда қолинган эди.

Ўтроқ ва кўчманчи ҳаёт бутун Туркистон замини учун яхлит бир сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тузумни яратиш имконини бермади. Бундай бир-бирига зид икки ҳолат қудратли давлат барпо этишга тўсқинлик қилди. Шунга монанд равишда Ўтроқ аҳоли билан кўчманчилар ўртасидаги иқтисодий ҳамда маданий алоқалар узлуксиз ва бир текис ривожланмай, шароит тақозосига кўра, гоҳ маълум даражада ўсиб, гоҳ пасайиб турди.

### Маданий ҳаёт

Хонлар даврини фақат қонли уруш ва талафотлар доирасида таърифлаш хато бўлади, албатта. Чунки халқ оммаси ҳар қандай азоб-уқубат ва қийинчиликларни мардонавор енгиб, ота-боболарининг деҳқончилик, хунармандчилик, савдо, маънавий ҳаётдаги бой меросини кўз қорачиғидек сақлаб, тарихий аънаналарини асраб келди. Аммо ҳукмдор доираларнинг айби билан маданият соҳаларини кенг қўламда ва самарали ривожлантириш имкони бўлмади. Тўғри, янги мадрасалар, масжидлар, бозорлар ва бошқа ҳашаматли бинолар қурилиб, юксак меъморчилик маҳорати намоён қилинди. Адабиёт, тарих ва санъат соҳаларидаги ютуқлар ҳам диққатни жалб этади. Бироқ мактаб ва мадрасаларда асосан савод чиқариш, ўзбек, араб, форс тилларида ўқиш ва ёзиш, диний таълимотларни такомиллаштириш билан шуғулланиб, аниқ ва техника фанлари эътибордан четда қолдирилди. Бу соҳада Амир Темур ва темурийлар давридаги катта ўзгариш ва тараққиётдан деярли ҳеч нарса қолмади. Бутун ўлкада биронта махсус мактаб биноти қурилмаганлиги кишини таажжублантирмасдан қўймайди. Таълим, асосан, масжид ва бошқа дуч келган жойларда ташкил этилган. Мактаб ва мадрасаларда айрим тартиб ва қоидалар қўлланилган бўлса-да, лекин амалда таълим олиш муддати аниқ белгиланмай, муллаваччалар (талабалар) ўн-ўн беш ва ундан ортиқ йиллар мобайнида шуғулланганлар. Масалан, менинг отам Аҳмад ўғли мулла Зиё ҳар йили эрта баҳорда боққа кучиб бориб, кеч кузда шаҳарга қайтганидан кейин, яъни қиш фаслида мадрасада ўқишни давом эттирган. Бундай узилиш билан ўқиш

15 йилга чўзилган экан. Шу сабабли мадрасаларда ёши катта талабалар ҳам бўлган. Бундай ҳолат хонликлар давридан қолган мерос ҳисобланган.

Умуман, мактаб ва мадрасалар замон талабига мослаштирилмай, асрлар мобайнида бир қолипда ушлаб турилган. Мадрасаларда, асосан, диний таълимотларга урғу берилиши фанатизмнинг кучайишига олиб келди. Бунга диннинг сиёсийлаштирилиши ҳам замин ҳозирлади. Чунончи, хон саройида шайхулислом лавозими таъсис қилинди. Таниқли руҳонийлар қўл остидаги минглаб дарвешлар шаҳар ва қишлоқларни кезиб, тарғибот ишлари билан қаттиқ шуғулланди. Улар оила қуришдан воз кечиб, «бу дунё фоний, нариги дунё боқий» деган ғояни кишилар онгига сингдирди. Жамиятда йирик руҳонийлар ва дарвешларнинг куч-қудрати шу даражада ошиб кетдики, улар ҳатто хонлар ва шаҳзодаларнинг тақдирини ҳал этадиган бўлишди.

Том маънода сиёсий кучга айланган диннинг таъсир доираси кенгайиб, йирик дин пешволари мамлакат тақдирини ўз қўлларига олди. Убайдуллахон Бухорода ҳокимият бошқарувида дин пешволарининг таъсирини йўқотиш мақсадида вақф ерларини қисқартиришга ҳаракат қилганида, фитна уюштирилиб ўлдирилди. Бу фитнада ундан норози бўлган амирлар ҳам қатнашди. Дониёлбий муҳим давлат ишларини руҳонийлар билан маслаҳатлашган ҳолда юритиб, уларсиз бир қадам ҳам қўймаган. Шундай қилиб, хонликларда олиб борилган ички ва ташқи урушлар, диннинг сиёсийлаштирилиши ҳамда фанатизм, тараққиётни таъминловчи аниқ ва техника фанларига аҳамият бермаслик, мадрасалар фаолияти такомиллаштирилмаганлиги илм, маориф ва маданият соҳаларини қолюқликка мубтало қилди.

### **Паранжи ва гиёҳвандлик фожиаси**

Ўзбек аёллари юзлаб йиллар мобайнида паранжи ва чачвон ичида юришга мажбур қилинди. Паранжи ва чачвон қачон ва қайси тарзда жорий бўлгани ҳақида маълумотлар ҳозирча топилгани йўқ. Афтидан, паранжи хонликлар даврида, фанатизмнинг ўта кучайиши оқибат



тида жорий қилинган. Негаки, испан элчиси Клавихонинг гувоҳлигига қараганда, Амир Темур даврида аёллар ҳукумат зиёфатларида «юзларини беркитмасдан» ўтирган. Бу вақтларда аёллар паранжи ёпинмаган. Ҳатто Амир Темур оддий аёллардан ҳарбий қисмлари тузган, улар душманларга қарши жангларда мардонавор қатнашган.

Хонликлар даврида аҳвол тамомила ўзгариб, аёллар очик ва эркин юришлардан маҳрум бўлди. Тарихий манбаларда аёлларнинг жамиятда тутган ўрни ва фаолияти ҳақида маълумотларни учратиш қийин. Бироқ шу нарса аёнки, улар хонадонларида деҳқончилик, ҳунармандчилик, уй-рўзгор ишлари, фарзандларни тарбиялаш сингари машаққатли меҳнат билангина шуғулланган. Отинлар қўлида савод чиқарган айрим аёллар ва шоирларни ҳисобга олмаганда аёлларнинг деярли ҳаммаси саводсиз бўлган. Биламизки, саводсизлик зулматда яшашдир. Бу ҳам камдек, аёлларнинг паранжига ўралиб юриши саломатлик ва маънавий жиҳатдан ҳам салбий оқибатларга олиб келган. Бечора аёллар ташқи дунё билан танишиш ва мулоқотдан четлаштирилиб, ўзларини эркин ва озод тутишларига имконият берилмаган.

Ҳақ-ҳуқуқлари белгиланмай, уй ишлари билан тамомила ўралашиб қолган аёллар орасида кундон азобини тортаётганлар ҳам бор эди. Бироқ шуни унутмаслик лозимки, аёллар «бир бурчакка» сиқиб қўйилган бўлсада, эркаклар томонидан одатда уларга ҳурмат-иззат кўрсатилиб, қадр-қиммати ўрнига қўйилган. Айниқса, фарзандлар оналарини бошига кўтариб юришган. Умуман айтганда, паранжи ва чачвон аёлларнинг жамиятнинг сиёсий ва маданий ҳаётида фаол қатнашишига йўл бермаган. Шунга қарамай, озодлик, эркинлик ва жамоа ишларида эркаклар билан ёнма-ён қатнашиш истаги ҳеч қачон сўнмади... уларнинг орасидан моҳир шоирлар етишиб чиққан.

Хонликлар даврида қорадори ва наша сингари гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш тақиқланмагани сабабли жамият ҳаётига доғ туширилди. Кекса ва ёшларнинг маълум қисми гиёҳвандликка ошкора берилиши қанчадан-қанча оилаларнинг қашшоқлашишига олиб келди.

Хонликлар даврида шаклланган гиёҳвандлик ва бангилик асрлар давомида жамиятни орқага суриб ташлади. Аёлларнинг ёпинтириб қўйилиши ҳам яхшиликка олиб келмади. Паранжи ва чачвон тутилиши натижасида онги ва дунёқараши торайган, жамиятдан ажратилган аёлларнинг маданий ҳаётда эркаклар билан бир қаторда фаол қатнашишининг иложи йўқ эди. Бу хонликлар даврида фан ва маданиятнинг кенг қўламда ривожланишига катта тусиқ бўлди.

Демак, Бухоро, Хива ва Қуқон хонлари юксак фан ва маданият ўчоғи – Туркистонни юқори даражада бошқаришга ожизлик қилди. Уларнинг орасидан ақлидрокли, жасоратли, дунёқараши юксак, бағрикенг, Ватан келажагини ўйлайдиган, халқ ҳаёти ва бахти учун жонини тиккан чинакам давлат арбоби чиқмади. Тахт учун олиб борилган қонли урушлар давлатни ич-ичидан емириб, инқироз ва қолоқликни юзага келтирди. Бунга фанатизмнинг авж олиши ҳам сабаб бўлди. Хонлар сиёсат бобида заиф ва ночор бўлгани учун руҳонийларнинг йирик вакиллари ва дарвешларга таяниб иш юритди. Уларни ўзига оғдириш учун ҳокимият ишига жалб қилиб, катта имтиёзлар беришди. Натижада руҳонийлар орасидан ўз даврининг бой-бадавлат кишилари етишиб чиқди. Улар хонлар сингари шахсий манфаатларини ўйлаб, ўз мавқеини сақлаш учун мутаассибликни авжиге миндирди. Ташқи дунё билан иқтисодий ва маданий алоқалар изчил йўлга қўйилмагани ҳам катта зиён келтирди. Жаҳон янгиликлари ва тараққиётдан четда қолинди. Шуни ҳам ҳисобга олиш лозимки, ўзбек халқи хонликлар давридаги мисли кўрилмаган оғир шароит асирига айланмай, моддий ва маънавий бойликларни барбод бўлишдан сақлаб қолди. Уларни имкони борича такомиллаштириш ва авлоддан-авлодга ўтказиш учун тинимсиз курашди. Бироқ хонлар ҳокимияти бу курашга илҳомбахш таянч бўлолмади. Аксинча, хонлар давлатта шахсий мулк сифатида қараб, Ватан ва халқ олдидаги бурч ва масъулиятларини англай олмади. Давлат томонидан меҳрибонлик, ғамхўрлик ва оқибат кўрмаган, қонли урушлардан тинкаси қуриган халқнинг хонлардан қўнгли совиши турган гап эди.

XVI—XIX асрлардаги ўзаро урушлар, қўшиннинг замонавий қурол-аслаҳалар билан таъминланмагани ва жанговарлик қудрати оширилмагани, инқироз ва қолоқлик мамлакатнинг чор Россияси томонидан босиб олинишига қулай замин ҳозирлади. Босқинчиларнинг ўлкага ҳарбий юришлари вақтида ҳам хонлар ўзларининг қобилиятсизликлари ва нодонликларини кўрсатди. Фақат қалбида озодлик, эркинлик ва Ватанга садоқатни сақлаган халқ душманга қарши қаҳрамонларча курашди. Аммо бу курашни катта маҳорат ва билимдонлик билан бошқарадиган етук шахснинг йўқлиги оқибатида мустақиллик барбод бўлди. Хонлар подшо Россияси ҳукумати олдида хизматкор сингари бош эгиб, тиз чўкиб жонларини сақлади.

---

## ОЛИМНИНГ ИЛМИЙ ЖАСОРАТИ

Улуғ миллатчилик ғоялари билан суғорилган мустанлакачилар Амир Темурни қоралашда ҳеч нарсадан тоймади. Бундай тарихни сохталаштиришга қарши кураш ўша мудҳиш шўро давридаёқ бошланган эди. Бу ниҳоятда муҳим ишга биринчилардан бўлиб таниқли олим И. Мўминов қўл урди. Бундай ҳаракат жамоа аҳлини ҳайратга солгани ҳамон эсимда. Чунки қаттиқ назорат ва таъқиб ҳукм сураётган оғир шароитда мустақилликни орзу қилган — Амир Темурни оқлаш ҳақида отпорга ёзиш ҳазил гап бўлмаган. Бунинг учун ватанпарвар, миллатпарвар ва жасоратли бўлиш зарур эди. И. Мўминов худди шундай олим сифатида ўзини кўрсатди. И. Мўминовнинг «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихидаги тутган ўрни ва роли» китоби нашр этилганда ниҳоятда эзилган ва хўрланган ўзбек халқида ғурурланиш ва фахрланиш туйғулари уйғониб, елкасига офтоб ва кўкрагига шамол теккандек бўлди.

Бу ҳолат коммунистик партиянинг ғазабини қўзғатиши турган гап эди. Натижада хавф-хатар ва миш-миш гаплар зўрайиб борди. Марказдагилар И. Мўминов ва унинг тарафдорларига қарши курашда одатдагидек айрим мўрт кишиларни ишга солишди, яъни «сопи ўзидан чиқарилди».

Хўш, Амир Темурни «оқлаш» ва унга қарши кураш жараёни қандай кечган эди?

Айтиш лозимки, мен ЎЗР ФА Тарих институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари ва айна пайтда бўлим раҳбари лавозимида ишлардим. И. Мўминов мени чақириб, деди:

— Тарихий шахсларни, биринчи навбатда, Амир Темур фаолиятини ўрганиш зарурати туғияпти. Бу масала бўйича институтда қандай ишлар қилинган?

– Афсуски, ҳеч бир иш олиб борилмаган, биласиз, бундай масалани режалаштиришнинг имкони йўқ, рухсат берилмайди.

– Қачонгача Ватани ва халқига фидокорона хизмат қилган давлат арбоблари қораланади, – деди Иброҳим ака. – Сизга топшириқ шуки, мутахассислар билан Амир Темур ҳақида илмий иш ёзиш борасида гаплашинг. Кўрқманглар, қувватлаймиз, ёрдам берамиз.

Очиғини айтганда, Иброҳим аканинг бу сўзлари менинг учун ғайритабиий бўлиб кўринмади. Чунки у киши билан кўп йиллар мобайнида суҳбатларда бўлиб, ўтмиш-тарихга меҳр-муҳаббатини ва ватанпарварлигини яхши билардим.

Бир ҳафта давомида тарихчилар билан суҳбатлашдим, лекин бирор киши Амир Темур ҳақида иш ёзишга розилик билдирмади. Мен буни Иброҳим акага айтдим.

Кўп ўтмай Иброҳим ака Амир Темур фаолиятини шахсан ўзи ёзишга аҳд қилгани маълум бўлди. Бу мени ва бошқа олимларни ҳайратлангирди. Чунки Иброҳим ака партия ғоявий сиёсатининг бош раҳбари, депутат ва давлатнинг ишончли кишиларидан бўлатуриб, қораланаётган Амир Темурни ўрганишга жазм этиши бизга ғалати бир ҳодиса бўлиб кўринди. Ҳатто, бунга Шароф Рашидовдан рухсат бўлганми ёки йўқмикин, деган фикрлар оралаб қолди. Менимча, Иброҳим аканинг ватанпарварлиги, мардлиги ва жасорати устун келган эди. У бир неча ой давомида манбаларни қунт билан ўрганиб, умумлаштириб, ишни ниҳоясига етказди. Бу ишга тақрирлар ва унинг муҳокамасини уюштириш менга топширилди. Гарчанд иш билан танишган олимларда у яхши таассурот қолдирган бўлса-да, тақрирни ёзма равишда олиш қийинчилик билан бўлди. Бироқ мард олимлар топилди. Иброҳим ака ишни қаерда ва қайси доирада муҳокама қилиш ҳақида фикр сўради. Мен бунга жавобан: «ФА тарихшунослик, тилшунослик ва адабиётшунослик бўлимларининг кенгайтирилган йиғилишида ўтказилса яхши бўларди», дедим. Иброҳим ака аввал бу таклифни маъқуллаган бўлса-да, икки-уч кундан кейин мени чақириб, Ўзбекистон Фанлар академияси президиумининг

кенгайтирилган мажлисида муҳокамадан ўтказишини маълум қилди.

Ниҳоят, 1968 йил 5 май соат ўнда академиянинг биринчи қаватидаги кичик залда академия президиумининг кенгаши очилди. Аммо бу йиғинга келаётган кишиларнинг ранги ўчган, кайфияти паст бўлиб, кўзларида хавотирлик ва қўрқув аломатлари яққол билиниб турарди. Шу тарзда О. С. Содиқов ҳам кириб келди. Кетма-кет академиклар: А. Музаффаров, В. Қобулов, С.Н. Рижов, Ё. Х. Тўрақулов, М. Н. Набиев, С. Х. Сирожидинов, М. Т. Ойбек, Я. Фуломов, В. П. Шчеглов; Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзолари: М. З. Ҳамидхонов, М. К. Нурмухамедов, Ш. З. Ўразаев, О. Э. Эшонов, М. Й. Йўлдошев, Р. Х. Аминова, Ю. С. Султонов; фан докторлари: М. М. Хайруллаев, А. А. Аъзамхўжаев, Б. В. Лунин, Х. Ш. Иноятлов, Ҳ. С. Сулаймонов, Ҳ. Т. Зарифов, А. Х. Ҳайитметов, Л. И. Ремпель, Г. А. Пугаченкова, Э. Фозилов, Т. Р. Рашидов, О. Д. Чехович, Ф. Абдуллаев; фан номзодлари: М. О. Охунова, С. А. Азимжонова, У. Каримов, Қ. Муниров, К.К. Комилов, А. Т. Мухаммаджонов, А. Ў. Ўринбоев, С. Мирҳосилов, А. А. Асқаров ва бошқалар кириб келишди, уларни орасида мен ҳам бор эдим.

Мана, О. С. Содиқов маъюслик ва эҳтиётлик билан кенгашни очиб, маъруза учун сўзни Иброҳим акага берди. Бу киши ўзига тўла ишонган ва мардонавор ҳолда Амир Темур фаолиятини бирма-бир шарҳлаб, уни машҳур давлат арбоби, моҳир лашкарбоши ва тараққийпарвар шахс сифатида таърифлади. Маъруза вақтида шу даражада жимжитлик ҳукмрон эдики, пашша учса биллинарди.

Музокарада Иброҳим аканинг ишини ёқлаб Я. Фуломов, О. Э. Эшонов, Ш. З. Ўразаев, Ҳ. С. Сулаймонов, Б. В. Лунин, Л. И. Ремпель, Г. А. Пугаченкова, М. Хайруллаев, М. К. Нурмухамедов, Р. Аминова ва Х. Ш. Иноятловлар сўзга чиқдилар. Мен ҳам сўзга чиққан эдим.

Кенгаш бир оғиздан Иброҳим акани «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихидаги тутган ўрни ва роли» китобини чоп этиш ҳақида қарор қилди. Шундан кейин

қатнашчиларнинг юзидаги қўрқув ва хавотирлик аломатлари янада кучайиб, зал бир зумда бўшаб қолди. Мен Отабой Эшонов билан Яҳё аканинг хонасига бир пиёла чой ичишга кирдим. Учаламиз анча ҳаяжонланган ҳолда бир-биримизни табрикладик. Яҳё ака деди:

— Хўп зўр иш бўлди, мен кенгаш жанжалга айланса керак, деб ўйлаган эдим. Менимча, кенгаш президиум доирасида ўтказилишининг салобати босиб кетдими, ҳеч ким «ғинг» дея олмади. Энди, шуни айтиб қўяйки, ик-калангиз ҳам «қора хат»га тушдингиз.

— Яҳё ака, — деди Отабой ака, — бугун қурбон бўлишга арзийдиган иш бўлди, қўлларидан келса осмонга олиб чиқиб, ташлаб юборсинлар.

Чамаси, бир соатлардан кейин Иброҳим ака мени ўз ҳузурига чақирди.

Маълумки, қанд касаллиги туфайли Иброҳим аканинг ранги ҳамиша ўчганроқ кўринарди, лекин энди у кишининг ранглари қизарган ва кўзларидан нур ёғилиб турарди, кайфияти ниҳоятда кўтаринки эди. Гапнинг очигини айтганда, Иброҳим акани бундай ҳолатда биринчи кўришим эди. У дарҳол ўрнидан туриб қўлини мен томон чўзиб кўришгандан кейин катта муваффақият билан табрик-ладим.

— Ҳамидулла, — деди Иброҳим ака, — менинг номимдан музокараларга чиққанларга яна бир бор миннатдорлик билдиринг, айниқса Яҳё Фуломовдан хурсандлигимни айтинг.

— Бугунги кенгаш, — дедим мен, — тарихга муҳим воқеа сифатида киради.

Иброҳим ака деди:

— Ҳақиқатан ҳам улуғ иш бўлди, бироқ у фақат бизгагина эмас, балки кенгашда қатнашган химиклар, математиклар, биологлар, ҳуқуқшунослар, шарқшунослар ва бошқа соҳа вакиллари учун ҳам қутлуғ кун бўлди. Уларнинг кенгашда қатнашиб, бизнинг тарафимизда туриши катта мадад ҳисобланади. Кейинчалик Тарих институтида «Амир Темур ва темурийлар давлати тарихи» бўлимини ташкил қилиб, уни чуқур ва атрофлича ўрганамиз.

1968 йилда Иброҳим аканинг «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихидаги тутган ўрни ва роли» деган китоби ўзбек ва рус тилларида чоп этилди. У кишининг ташаббуси ва бевосита иштирокида «Амир Темур тузуклари» ва Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарлари нашр қилинди. Шу тариқа Иброҳим ака тарихни сохталаштиришга қарши биринчилардан бўлиб дадил ва ошқора бош кутарган олим эди.

Амир Темур ҳақидаги юқорида кўрсатилган ишларнинг нашр этилиши бутун республика зиёли аҳлини ва умуман жамоани тўлқинлантириб юборди. Кўчада кетаётганимда дуч келган таниш-билишлар табриклашиб, Иброҳим акадан ғоятда мамнун эканликларини изҳор қилардилар. Бундан ташқари, менга одамлар кетма-кет телефон қилишиб, Иброҳим акага қойил қолганликларини билдиришар, китобидан топиб беришимни илтимос қилишарди. Тез кунда китоблар сотилиб кетди, аммо унга талаб зўрайиб бораверди. Шу боисдан Иброҳим акадан китобни қайта нашр этишликни сўрадим, лекин у киши сабр қилиб туришни айтди. Кўп ўтмай, бир гуруҳ кишилар, хусусан М. Ваҳобов, М. Абдураимов, Р. Набиев ва бошқалар Иброҳим акани Амир Темурни идеаллаштиришда қоралади. М. Ваҳобов партия фаоллари йиғилишларида ва бошқа жойларда Иброҳим акани қаттиқ танқид қилаверди. Менинг ёки Яҳё аканинг хонасида Иброҳим акага қарши қилинаётган ҳужумни қай тарзда бартараф қилиш ҳақида фикр юритиларди. Бунда О. Эшоннов, М. К. Нурмухамедов ва бошқа кишилар ҳам қатнашарди. Яҳё ака менга Иброҳим аканинг китобига тақриз ёзишни таклиф қилди. Иброҳим ака эса деди:

— Ҳозир Амир Темур ҳақидаги китобдан фақат Ўзбекистондагина эмас, балки Москва ва бошқа жумҳуриятларда ҳам қаттиқ норози кишилар бор. Айниқса, Москвадаги бир гуруҳ олимлар тўполон қилишяпти. Бу иш аланга оладиганга ўхшайди, тагин сиз жабрланиб қолманг.

— Иброҳим ака, кемага тушганнинг жони бир, биргаликда курашамиз, — дедим.

Бу гапимни Яҳё ака тўла қувватлади. Шу билан суҳбат



тугади. Бир ҳафтадан кейин «Совет Ўзбекистони» газетасининг муҳаррири М. Қориевга тақризни топширганимда бир-икки кундан кейин қўнғироқ қилишини айтди. Қўнғироқ қилиб, ижобий жавоб олдим ва бир неча кундан кейин тақриз «Илмий рисола» номида «Совет Ўзбекистони» газетасида (1969 йил 4 январь) чоп этилди. Бунда китобда қўйилган масалалар ва фикрлар тўла қўллаб-қувватланди.

Дарҳақиқат, Иброҳим ака айтганларидек, китобга қарши ҳаракатлар авжига миниб борди. Ўзбекистон партия Марказий комитети котибиятнинг қарори билан «Зафарнома» ва «Темур тузуклари» ҳибсга олинди. Москвада КПСС Марказий Комитети фан бўлимининг ташаббуси билан республикалар тарихчиларининг йиғилиши ўтказилди. Бу йиғилишда Тарих институти директори М. Охунова ҳам қатнашган эди. У Тошкентга қайтганидан кейин менга деди: «Йиғилишда академик Б. Ғафуров Ўзбекистонда одамларнинг бошидан минора ясаган золим Амир Темур кўкларга кўтарилиб, Ватан қаҳрамонига айлантирилди. Шунингдек, у Шароф Рашидовга телефон орқали бундан ўзининг қаттиқ норозилигини билдирганини маълум қилибди. Залда ўтирганлар орасида ғала-ғовур бошланиб қаттиқ «чоралар кўриш» ҳақида луқмалар ташланибди. Биласизки, — деди сўзини давом эттириб Мели Охунова, — Иброҳим Мўминовичнинг саломатлиги яхши эмас, мен бор гапни айтсам, оғирлашиб қолишлари мумкин. Шунинг учун сиз ётиги билан тушунтирсангиз, яхши бўларди».

Мен бунга рози бўлиб, Иброҳим акага умумий тарзда маълум қилганимда, «хабарим бор, лекин айтинг, Мелихон олдимга келсин», — деди.

Мели Охунова у кишининг ҳузурида бўлганидан кейин мени чақирди. Кирсам, унинг кўзи ёшланган ва ҳаяжонланган ҳолда ўтирибди.

— Ишқилиб охири, — деди Мели Охунова, — яхшилик билан тугасин-да. Иброҳим ака менга йиғилишда икки оғиз гапирганингизда жуда ўринли бўларди, деб хафа бўлди. Ахир, ўзингиз ўйланг, мен совет даври бўйича мутахассис бўлатуриб, қанақасига Амир Темур масаласи бўйича сўзга чиқишим мумкин эди.

– Гапингиз тўғри, лекин институт раҳбари сифатида умумий тарзда сўзга чиқсангиз ёмон бўлмасди, – дедим.

– Ким билади дейсиз, – деди Мели Охунова, – хаёлда йўқ нарса, тўсатдан гапирилгандан кейин ўзимни йўқотиб қўйдим, шекилли.

Хуллас, борган сари Иброҳим акага ҳужум зўрайиб борди. Чунончи, А. П. Новосельцевнинг «Вопросы истории» журналида (Москва, 1973, № 2), «Литературная газета»да ва М. Абдураимовнинг «История СССР» журналида (Москва, 1973, № 5) Иброҳим аканинг китобига қарши мақолалар чоп этилди. Уларда Иброҳим акани Амир Темурни идеаллаштиришда айблашиб, қаттиқ қоралашди. Ваҳоланки, марҳум М. Абдураимов бир вақтлар ўзининг «Темур ва Тўхтамиш» номидаги номзодлик диссертацияси ва кейинроқ эълон қилинган бир мақоласида Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида ижобий роль ўйнаганини кўрсатиб ўтган эди. Аммо ўзининг бу фикрини журнал таҳририятидан яширган ҳолда Иброҳим акани қаттиқ танқид ўқиға тутди.

Мен дарҳол унга қарши мақола ёзиб, Яҳё акага ва Иброҳим акага кўрсатдим. Улар мақолани маъқуллашди. Тахминан икки-уч кунлар ўтганидан кейин Иброҳим ака мени чақириб мақолани Шароф Рашидовнинг рухсатисиз юбормасликни тайинлади. Кўп ўтмай, мени Шароф Рашидов қабул қилди. Бу кишига ҳам мақола маъқул тушиб, деди:

– Кўриб турибмизки, Амир Темур масаласи бўйича кўтарилган норозилик авжига чиқди. Айтинг-чи, сиз ўз фикрингизда охиригача қаттиқ турасизми?

– Шароф Рашидович, ҳар қандай шароитда ўз сўзимда турганман, бундан кейин ҳам шундай бўлишига Сизни ишонтираман, – дедим.

– Яхши, ҳозироқ бу мақолани «История СССР» журнаliga юборинг.

– Бордию, – дедим мен, – шу мақолани академия-миз журналида ёки бирорта газетада ҳам чоп эттирсак, қалай бўларкин?

– Бундай қилиш, – деди Шароф Рашидов, – оловга

керосин қуйиш билан тенгдир. Менимча, Москвада ўша журналда чиққани ҳар жиҳатдан яхшидир.

Мен Шароф Рашидов билан суҳбатлашганимдан кейин англадимки, Иброҳим ака унинг розилиги билан иш юритган. Ўша даврдаги унинг ҳолатида, яъни қариндошчилик ва мансаб юзасидан, ўзбошимчалик билан Амир Темурни ўрганишга киришиши мумкин эмас эди, албатта. Буни Соҳибқиронга бағишланган китобнинг зудлик билан чоп этилиши ҳам исботлайди.

Мен мақоламни Москвага 1974 йил май ойида юборган эдим, жавобини ўша йилнинг сентябрида олдим. Бу вақтда Иброҳим ака оламдан ўтган эди.

Бу хусусда журнал муҳаррирининг ўринбосари Красильников имзо чеккан ўша жавоб хатида шундай дейилган: «Абдураимов ўзининг Амир Темур ҳақидаги ижобий фикрларидан қайтганлигини ҳеч қачон ошқора маълум қилган эмас. Шу боис, у бу масалага бағишланган адабиётларга танқидий баҳо беришга маънавий жиҳатдан ҳаққи йўқ эди, деб ўйлаймиз. Буни яна шу нарса тасдиқлайдики, у «XV–XVI асрларда Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий тафаккурнинг ривожланиш тарихидан» номли тўпламдаги, асосан, Амир Темурга бағишланган мақоласини тилга олмай, журналга Иброҳим Мўминовнинг ишини танқид қилиб мақола юборган». Умуман, журнал таҳририяти Иброҳим Мўминовнинг китобидаги Амир Темур буюк давлат арбоби ва моҳир лашкарбоши, фан ва маданият ҳомийси ҳамда қудратли шахс сифатида гавдалантирилганини қаттиқ қоралаб, мақоламни босишдан бош тортди. Шунга қарамай, мен иккинчи мартаба уни чоп этишни сўраб, таҳририятга мурожаат қилдим. Бироқ бу гал ҳам мақоламни чиқаролмасликларини маълум қилишди. Шахсан менинг ўзим М. Абдураимов билан яқин муносабатда бўлганман. У тарихга доир кўплаб илмий асарларнинг муаллифидир. Шунингдек, у Амир Темур фаолияти ҳақида яхши фикрларни ёзган. Ўзаро суҳбатларда ҳам Соҳибқироннинг хизматларини тан оларди.

М. Абдураимовнинг нима учун тўсатдан «тўнини тескари» кийганининг сабаби том маънодаги илмий баҳс

эмас, балки кўпроқ айрим кишиларнинг айби билан юзага келган шахсий адоватларнинг маҳсули бўлган эди. Бундан ташқари, ўша даврдаги шўро тузуми сувни лойқалатиб туришдан ўта манфаатдор эди.

Иброҳим ака ҳеч вақт айрим раҳбарларга ўхшаб, кишининг нуқсонини ва ишидаги камчилигини рўқач қилиб, у ёки бу муаллифни кўпчиликнинг ҳузурида дилини сиёҳ қилмас эди. Бордию камчилик ва хатоларини кўрсатиш лозим бўлса, муаллиф ва институт раҳбарини ҳузурига чақириб танқид қиларди. Умуман олганда, Иброҳим ака у ёки бу илмий ишнинг камчилигидан фойдаланиб, шовқин-сурон ва жанжал кўтаришга йўл қўймаган. У менга шундай деган эди: «Ўзингизнинг фарзандингизни қандай эҳтиёт қилсангиз, илмий ишлар қайси даражада ёзилишидан қатъи назар, шунчалик эҳтиёт қилинг. Унинг сифатини яхшилашга холис ва ўртоқларча ёндашинг, ишнинг илмий кенгаш мажлисигача камчиликларини тузатиш лозимлигини унутманг. Шундай қилинса, одамлар ўртасида аҳилчилик сақланади».

Фурсатдан фойдаланиб, Иброҳим аканинг фаолияти ва фазилатларига диққатни жалб этмоқчиман. Чунки улар бошқалар учун ҳам ниҳоятда ибратлидир.

Иброҳим ака билан 1955–1956 йилларда, яъни Тарих институтининг директори лавозимида ишлаганларида яқиндан танишганман. Мен у вақтларда институтнинг «Янги тарих» бўлимида катта илмий ходим сифатида ишлар эдим. Гапнинг очиғини айтганда, мутахассислиги файласуф бўлган кишининг Тарих институтига бошлиқ қилиб тайинланиши бизларни таажжублантирган эди. Бироқ вақт ўтиши билан бу фикрнинг қанчалик асоссизлигига шунчалик кўп ишондик. Иброҳим ака ўзининг софдиллиги, ишбилармонлиги ва камтарлиги билан намоён бўлди. У айрим директорларга ўхшаб вақтларини кўпроқ бекорчилик билан ўтказадиган ва турли йўллар билан катталарнинг биқинига суқилиб кирадиган «содиқ» кишиларга эмас, балки ҳалол ва меҳнатсевар ходимларга таяниб иш юритарди. Натижада анча ўпирилган Тарих институтида муҳим ўзгаришлар

кўзга ташланди. Аммо кўп ўтмай, Иброҳим ака Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти вазифасига сайланди. Шундан кейин ҳам у одатда бўлганидек, Тарих институтига умумий раҳбаргина эмас, аксинча, шу институтнинг ҳақиқий жонкуяри эди.

У кишида фақат олимлик эмас, балки ватанпарварлик, ташкилотчилик, ишбилармонлик ва бағрикенглик сингари олий фазилатлар мавжуд эди. Айни бир пайтда Иброҳим ака ўта камтарлиги ва мурувватлилиги билан ажралиб турарди.

Иброҳим ака ўзи эгаллаб турган лавозимнинг ниҳоятда муҳимлиги ва масъулиятлилигини яхши англаб, ижтимоий фаннинг барча соҳаларини ривожлантириш учун тинимсиз ҳаракат қилди. У менинг мутахассислигим файласуфлик деб, ўзини четга олмай, тарих, фалсафа, адабиёт, тилшунослик ва шарқшунослик фанларига доир илмий ишларни тайёрлаш ва нашр этишга алоҳида аҳамият берарди, у ёки бу иш бўйича фикр-мулоҳазаларини билдирарди.

Хуллас, Иброҳим аканинг хонаси буйруқбозлик, дўқ-пўписа, майда-чуйда гаплар ва умуман расмиятчилик ҳамда юзакичилик маконига эмас, балки том маънодаги илмий ижодхонага айланган эди. Бу ерда институт раҳбарларидан ташқари, кўплаб бўлим мудирлари, илмий ходимлар, докторантлар, аспирантлар ва оддий кишилар бўлишиб, ижодларига барака ва дардларига малҳам топганлар. У кишининг қабулхонасидан одам аримас эди. Булар бежиз бўлмаган, албатта. У кўплаб фан докторлари ва номзодларини етиштиришга улкан ҳисса қўшди.

Маълумки, Иброҳим ака ўзбек халқининг бой маданий меросини жуда қадрловчи шахс сифатида донг чиқарган эди. Беруний, Ибн Сино, Форобий ва бошқа буюк олимларнинг асарларини чоп этишда ва юбилейларини ўтказишдаги илмий ва ташкилий ишлари ҳеч қачон унутилмайди. Унинг бевосита кўрсатмаси билан Тарих институтида «Ўзбекистон маданияти тарихи» бўлими очилди. Бу бўлим зиммасига ўтмиш ва ҳозирги замон маданиятига оид барча соҳаларни ўрганиш ва оммалаштириш вазифаси юклатилди. Аммо Иброҳим ака

вафотидан кейин бу иш сусайиб кетди. Иброҳим ака қадимий ва ҳозирги замон шаҳарлар тарихини ўрганиш учун институтда «Шаҳарлар тарихи» бўлимини ташкил қилди. Бу бўлим Иброҳим аканинг масъул муҳаррирлигида икки жилдли «Самарқанд тарихи», «Бухоро тарихи» ва «Хоразм тарихи» сингари китобларни чоп этди. Сўнгра Тошкент, Андижон, Қўқон ва бошқа шаҳарлар тарихига доир асарлар яратилди.

Иброҳим ака туфайли Тарих институтида «Ишчилар синфи тарихи», «Иккинчи жаҳон уруши тарихи», «Суғориш тарихи» ва «Тарихшунослик» бўлимлари юзага келиб, кўплаб илмий ишлар қилинди.

Умумий хулоса шуки, Иброҳим аканинг Амир Темур ҳақидаги китобига қарши ҳужумлар ва уни бартараф қилиш ҳаракати 1969 йилдан то 1974 йилгача, яъни у кишининг вафотигача давом этди. Бу машаққатли йилларда Иброҳим ака устидан Марказга кўплаб имзоли ва имзосиз хатлар юборилди. Ҳатто улар орасида 50 йил аввалги Иброҳим акани «булғалашга» қаратилган туҳмат сўзлар ҳам мавжуд эди. Айниқса, адолатсизлик ва туҳматлар руҳида ёзилган хатлар Иброҳим аканинг соғлиғини ёмонлаштира борди.

Иброҳим Мўминов умрининг охиригача ўз Ватани ва миллати равнақи учун кучини ва билимини аямади. У ватанпарварлиги ва илм-фаннинг чинакам фидойиси сифатида шуҳрат қозониб, халқимизнинг миллий ҳис-туйғулари ва сиёсий онгининг ўсишига катта ҳисса қўшди. Шубҳасиз, унинг кўрсатган жасорати ва матонати ҳеч қачон унутилмайди.

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	3
Амир Темурнинг номи ва кадр-қимматининг қайта тикланиши, хотирасининг абадийлаштирилиши .....	5
Амир Темур – олий фазилатлар соҳиби ва халқларвар ҳукмдор .....	24
Амир Темур давлатининг мафкураси .....	34
Амир Темур ҳарбий юришларининг сабаб ва оқибатлари .....	46
Амир Темур томонидан Қуръони карим асл нусхасининг келтирилиши .....	58
Амир Темур салтанати испан элчиси нигоҳида .....	65
Амир Темурнинг вафоти ва буюк салтанат тақдири .....	84
Темурийлар давлатининг шайбонийлар томонидан босиб олиниши .....	99
Темурийлардан кейинги даврдаги инқироз ва қолоқлик сабаблари .....	112
Олимнинг илмий жасорати .....	124

**ҲАМИД ЗИЁЕВ**  
**БУЮК АМИР ТЕМУР САЛТАНАТИ**  
**ВА УНИНГ ТАҚДИРИ**

*Тошкент «Маънавият» 2008*

**Муҳаррир *О. Бозорова***  
**Мусаввир *М. Аглям***  
**Техн. муҳаррир *Т. Золотилова***  
**Мусаҳҳиҳ *Ш. Муҳитдинова***  
**Компьютерда тайёрловчи *Г. Отаскевич***

Теришга 08.10.2007 й. да берилди. Босишга 05.06.2008 й. да рухсат этилди.  
Бичими 84×108/8. Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли  
б. т. 7,14. Нашр т. 8,1. 3000 нусха. Бузортма № 225. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти. Тошкент, Буюк Турон, 41-уй. Шартнома 13–08.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Фафур Фулом номидаги  
нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент, Шайхонтоҳур кўчаси, 86-уй. 2008.